

ИБРАГИМОВА НАЙИРА АНВАРОВНА

**ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ИНСТИТУЦИОНАЛ
ТИЗИМИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ИНТЕГРАЦИЯСИ**

монография



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИБРАГИМОВА НАЙИРА АНВАРОВНА

**ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ
ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ ИНТЕГРАЦИЯСИ**

монография

**"ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ
Тошкент – 2021**

УДК: 333.33-01.2
КБК: 814-02-00
И22

Ибрагимова Н.

Экологик хавфсизликни таъминлаш институционал тизмининг функционал интеграцияси. – Тошкент: "ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ", 2021. – 160 б.

ISBN 978-9943-7058-7-6

Монография экологик глобал хавфсизликни таъминлаш тизimini ўрганишга бағишланган. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Монографияда фуқаролар ҳаёти учун зарур экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш, миллий давлат ҳудудида «табиат-жамият-инсон» тизими муносабатларини мувофиқлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Монография файласуфлар, экологлар, тадқиқотчилар, ижтимоий фалсафа соҳасидаги профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳага ихтисослашган бакалавр ва магистрларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Фалсафа фанлари доктори Э. Хошимова

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Т. Тўйчиев

фал.ф. д. (PhD), доцент Б.Н. Бобоёров

УДК: 333.33-01.2
КБК: 814-02-00

ISBN 978-9943-7058-7-6

© Ибрагимова Н., 2021

© "ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ" нашриёти, 2021

| | |
|---|---------|
| КИРИШ | 4-6 |
| I БОБ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ | 7-50 |
| 1.1. Экологик хавфсизлик тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва моҳияти | 7-20 |
| 1.2. Жамият тараққиётида экологик хавфсизлик концепцияларининг шаклланиш тарихи: генезиси ва эволюцияси босқичлари..... | 20-34 |
| 1.3. Экологик хавфсизликка таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг муқобил фалсафий таҳлиллари..... | 34-50 |
| II БОБ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ | 51-93 |
| 2.1. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари..... | 51 -64 |
| 2.2. Экологик хавфсизликка мутасадди институтларни структуравий-функционал интеграциялаштириш вазифалари..... | 64-78 |
| 2.3. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш масалалари..... | 78-93 |
| III БОБ. МИЛЛИЙ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ | 94-126 |
| 3.1. Миллий экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишнинг ҳуқуқий асослари..... | 94-109 |
| 3.2. Миллий экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг зарурияти ва имкониятлари..... | 109-123 |
| 3.3. Экологик хавфсизликнинг “Миллий модели”ни шакллантириш зарурияти..... | 123-137 |
| ХУЛОСА | 138-142 |
| ИЛОВАЛАР | 143-144 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 145-157 |

КИРИШ

Бутун жаҳонда экологик хавфсизликни таъминлаш глобал муаммога айланиб, унинг долзарблашуви барқарор экологик хавфсизликнинг назарий-методологик асослари таҳлилига эътибор қаратиш ва бирлашиб амалий ҳаракат қилишни тақозо қилмоқда. Мамлакатимизда фуқаролар ҳаёти учун зарур экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш, миллий давлат ҳудудида «табиат-жамиyat-инсон» тизими муносабатларини мувофиқлаштириш ишлари кенг амалга оширилмоқда. Глобаллашув шароитида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё олимларининг умумий фикрига кўра, бир томондан, экологик глобал хавфсизликни таъминлаш муаммоси «инсон–жамиyat–табиат» тизими муносабатларини оптималлаштириш билан боғлиқдир. Иккинчи томондан, цивилизациялар тараққиёти жараёнида экологик хавфсизлик муаммолари кескинлашиб, цивилизация келажагини белгилаши аниқ бўлиб бормоқда.

Бу омилларнинг комплекси муаллифнинг экологик хавфсизликка таҳдидларнинг умумлашган таърифини беришга асос бўлган. Глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар комплекс характерга эга бўлиб, коинот ва Ер планетасида миллион йиллар давомида табиий эволюцион ривожланиш натижасида вужудга келган биосфера экологик мувозанатини издан чиқаришга, умуминсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлари барқарор тараққиётига, экологик ҳаёт тарзига салбий таъсир имкониятлари тизимидир.

Экологик хавфсизлик – Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожланишининг табиий-тарихий асоси ва миллий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, шахс, давлат ва жамиyatнинг атроф муҳитга таъсирлари, шунингдек, табиий офатлар, саноатдаги авария ҳамда техноген ҳалокатлар натижасида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимоялашдан иборат комплекс-системали тадбирлар тизимини амалга оширишдир.

Комплекс-системали тадбирлар тизимини амалга оширишда иккита ижтимоий-фалсафий қонуният намоён бўлади. Яъни, бир томондан, инсоният жамияти тараққий этган сари, унинг экологик хавфсизлигига таҳдидлар кўлами ҳам, имкониятлари ҳам кенгайиб бориши, шу соҳада хавфсизликни оламшумул муаммога айлантирди. Иккинчи томондан, инсоннинг ақл-заковати, интеллектуал салоҳиятини бу хавф-хатарларни бартараф қилишга оммавий сафарбар қилиш заруриятини англаб етмоқда ва уларни бартараф қилиш усул-воситаларини такомиллаштирмоқда.

Экологик хавфсизликни таъминлаш зарурияти нафақат бугунги кун вазифаси, балки инсоният жамияти пайдо бўлган даврдан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Уруғчилик, қабилачилик муносабатлари, турли диний ғоялар, тасаввурлар, айниқса миллий ва жаҳон динлари вужудга келган даврлардан бошлаб, муҳим аҳамият касб этган.

Монографияда Ўзбекистон миллий хавфсизлик сиёсатида экологик хавфсизликка таҳдид масаласи ҳозирги замон фани асосида ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Экологик хавфсизликка таҳдид манбаларини бартараф қилиш, уларга маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал геоэкологик вазиятларни вужудга келтирган объектив шарт-шароитларга, субъектив омилларнинг маҳаллий-ментал хусусиятларига дифференциал ёндашувга боғлиқ. Хусусан, асрлар давомида шаклланган экотизим мувозанатига, табиат ландшафтларига техноген таъсир, ер юзининг турли ҳудудларида ўзига хос геоэкологик муаммолар комплексини шакллантирган. Уларнинг экологик хавфсизликка таъсир кўлами ва моҳиятини маҳаллий, миллий, ҳудудий геоэкологик муаммолар деб аташ ғоят нисбий ва шартлидир.

Монографияда, шунингдек, Ўзбекистон миллий хавфсизлик тизимида экологик таҳдиднинг ҳуқуқий асослари; экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилишининг «Миллий модели»ни шакллантириш муаммолари таҳлил қилинган.

Монографияда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ҳозирги босқичида, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун бир-бири билан боғлиқ икки йўналишдаги вазифаларни амалга оширишнинг муҳим аҳамияти кўрсатилган. Экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда: экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикасида давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш; экологик экспансияга, терроризмга, коррупция каби уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш; аҳолининг экологик ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, ННТ ва ОАВ ҳамкорлигини ташкил этиш зарурияти асосланган.

Экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашувчи миллий ва халқаро институтларнинг интеграциялашувини функционал моделлаштириш учун: биринчидан, объектларнинг индивидуаллигини таъминловчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга, усул-воситаларга дифференциал ёндашувни; иккинчидан, моделлар оммавийлиги ва ишончлилиги, унинг объектлари ўртасидаги муносабатлар узвийлиги ва изчиллигини таъминлашга боғлиқлигини; учинчидан, ҳар қандай моделларни шакллантирувчи объектлар характери, субъектларнинг функциялари ижтимоий-экологик макон ва тарихий замон хусусиятларига қараб ўзгариб туришини; тўртинчидан, моделларни оммавий трансформация қилиш коммуникацияси, инфраструктураси, усул-воситалари ва механизмларининг интеграциялаштирувчи ролини; бешинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар эскалацияси олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишда субъектлар фаолиятини функционал мувофиқлаштириш муҳим роль ўйнашини эътиборга олиш керак.

I БОБ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1.-§. Экологик хавфсизлик тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва моҳияти

Ҳар қандай тарихий даврда ва жамиятда инсониятнинг амалий фаолиятида эришилган муваффақиятлар, уларнинг назарий-методологик рационал ва иррационал асослари мукамаллигига боғлиқ бўлган. Шу нуқтаи назардан, экологик хавфсизлик ғоясининг тарихий генезиси ва эволюциясини, ижтимоий-фалсафий мазмуни ва моҳиятини, жамият тараққиётига экологик таҳдидлар салбий таъсирини бартараф қилиш йўллари ва имкониятларини ўрганиш – ҳозирги замон ижтимоий, сиёсий, гуманитар фанларнинг муҳим тадқиқот объектига айланди. Инсоният тарихида экологик хавфсизликни таъминлаш, яъни табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш – жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва маънавий-ахлоқий ҳаётининг таркибий қисми ва цивилизацияси асоси бўлиб келганлиги асосланган. Жамият тарихий тараққиётининг илк даврларида инсонни табиат стихияларидан ҳимоя қилиш эҳтиёжи, зарурияти устувор аҳамиятга эга бўлган. Кейинги босқичларида эса, “табиат-жамият-инсон” муносабатларида табиатни жамият ва инсоннинг тажовузкор таҳдидидан муҳофаза қилиш эҳтиёжи, зарурияти вужудга келди. Чунки ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жамият ривожини, инсон тирикчилигини учун нафақат озуқа манбаи, балки ҳаёт кечиринини таъминловчи объектив шарт-шароит ҳисобланади. Уларнинг бир-бири билан муносабатидаги узвий алоқадорлик, ҳар икки томоннинг мавжудлиги, ривожланиши ва хавфсизлигини таъминлаш шартидир.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётига ва умуман миллий хавфсизлигига салбий таъсирини олдини олиш ижтимоий зарурият деб қаралса, экологик хавфсизликни жамият мавжудлигини таъминлайдиган детерминлаштирувчи муҳим омиллиги маълум бўлади.

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида жаҳонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий муносабатлари ривожланишининг интеграцияси ва глобаллашуви, илмий-техника ва технологиялар инқилоби, урбанизация ва индустриализация жараёни “табиат-жамият-инсон” тизимида антропоген, антропотехноген омилнинг устуворлашуви оқибатида геоэкологик вазият кескинлашуви ва глобаллашуви жамият барқарор тараққиётида экологик хавфсизликни долзарб оламшумул муаммога айлантирди.

“Экология” атамаси, дастлаб немис биологи Эрнст Геккель (1834–1919 йй.) томонидан 1866 йил 14 сентябрда «Организмларнинг умумий морфологияси» («Generelle Morphologie der Organismen») номли китобида қўлланилиб, “Табиий тарих” ва бошқа асарларида илмий муомалага киритилган¹.

Экология фанининг предмети доирасига, дастлаб атроф муҳит билан органик ва ноорганик дунё, хусусан тирик мавжудодлар ўртасидаги муносабатлар, яшаш учун табиий танланиш ва муҳитга мослашиш жараёнида вужудга келадиган ўзгаришлар каби масалалар киритилган бўлса, бугунги кунда экологиянинг тадқиқот объекти кўлами кенгайиб кетди. Ҳозирги пайтда эса экология “табиат-жамият” системасидаги муносабатларни ўрганмоқда. Уни турли фанлар, жумладан: тарих, иқтисод, фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ўрганмоқда. Ушбу фанлар доирасига экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари, хусусан:

- экология фанининг мазмун-моҳияти, ривожланиш босқичлари ҳақидаги футурологик муқобил таълимотлар;
- экологик муаммоларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир йўналишлари ва оқибатлари;
- табиий атроф-муҳит, биосфера экологик мувозанатининг бузилиши ва ўзгаришининг объектив қонуниятлари;

¹ “Экология” атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “ойкос” – “уй жой” ва “логос” – “фан” сўзларининг бирикмасидан таркиб топган.

- экологик вазият ёмонлашуви ва глобаллашувига олиб келувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар;
- ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш ва маиший турмуш чиқиндиларини утилизацияси муаммолари;
- худудий экологик вазият ёмонлашувининг халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларга таъсири;
- экологик муаммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий, сиёсий, маънавий-маърифий асосларини яратиш;
- миллий, минтақавий ва глобал экологик хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари ва бошқалар киради.

Олимларнинг экологияни фан сифатида эътироф қилиш тўғрисидаги тавсиялари экологик хавфсизлик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини жонланишига туртки бўлди [76; 87–89-б.].

Дунё олимларининг умумий фикрига кўра, **бир томондан**, экологик глобал хавфсизликни таъминлаш муаммоси “инсон-жамият-табиат” тизими муносабатларини оптималлаштириш билан боғлиқдир. **Иккинчи томондан**, цивилизациялар тараққиёти жараёнида экологик хавфсизлик муаммолари кескинлашиб, цивилизация келажагини белгилаш аниқ бўлиб бормоқда. Ушбу муаммолар инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган табиий офатлардан ташқари демографик (жаҳонда одам сонининг кўпайиши), жараённинг табиий муҳитга салбий таъсири, атроф муҳит ифлосланиши, табиий бойликлардан тартибсиз фойдаланиш ёки исроф қилиш, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи моддий-техник воситаларнинг кўпайиши ва бошқалардир.

Ушбу кўрсатилган омиллар комплекси экологик хавфсизликка таҳдидларга умумлашган таъриф беришга асос бўлади. Яъни, бизнинг назаримизда: *глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар комплекс характерга эга бўлиб, коинот ва Ер планетасида миллион йиллар давомида табиий эволюцион ривожланиш натижасида вужудга келган биосфера экологик мувозанатини издан чиқаришига, умуминсониятнинг ижтимоий, иқтисодий,*

сий, маънавий муносабатлари барқарор тараққиётга, экологик ҳаёт тарзига салбий таъсир этувчи табиий ва сунъий таҳдидлар тизимидир. Уларнинг таъсири олдини олишда ички ва ташқи омилларни бартараф қилишнинг мавжуд усуллари ҳамда воситаларини ривожлантиришни тақозо қилади. “Инсон-жамият-табиат” тизими муносабатларини мувозанатга келтириш учун: а) бутун биосфера даражасида ёки унинг алоҳида компонентларини гармонизациялаш; б) жамият ва табиат ўзаро муносабатини регионал даражада (геосистемада, экосистемаларда) рационал гармонизациялаш; в) жамият ва табиат муносабатларини инсонлар, давлатлар, цивилизациялар ўртасида янги гармонизациялаш; г) табиий омиллар билан техникавий омилларни, иқтисодий тадбирлар билан экологик тадбирларни, табиий биомасса ва сунъий техномасса ўртасида мувозанатни сақлаш, биосфера энергетик параметрлари билан инсон фаолиятининг сунъий энергетик параметрларини мувозанатга келтириш мақсадга мувофиқдир [54; 84-б.].

Миллий хавфсизликни таъминлаш ва миллий экологик хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш, ўзаро узвий боғлиқ жараёнлардир. Зеро, миллий экологик хавфсизлик – Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожланишининг табиий-тарихий асоси бўлиб, шахс, давлат ва жамиятни экологик таҳдидлардан ҳимоя қилиш, табиий тарзда содир бўлувчи табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар натижасида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимоялашдан иборат комплекс-системали тадбирлар тизимини амалга оширишдир.

Масаланинг ижтимоий-фалсафий таҳлилида экологик хавфсизликни таъминлаш – инсоният ҳаётига таҳдид солувчи табиатдаги табиий жараёнлар ва инсон фаолияти натижасида сунъий равишда вужудга келган ташқи ва ички хавф хатарлардан ҳимоя қилиш ва инсонларнинг турмуши учун оптимал экологик шароитни яратиб беришдир. Шу нуқтаи назардан, экологик хавфсизликни таъминлашда қуйидаги вазифаларга эътиборни қаратиши лозим, яъни:

- табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш;
- табиат экологик мувозанатини тиклаш, биохилма хилликни сақлаш ва етказилган зарарни қоплаш;
- табиат ресурсларидан фойдаланишда чиқитсиз технологияларни жорий этиш ва энергиянинг янги манбаларини топиш;
- қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришда янги инновацион технологиялардан фойдаланиш;
- аҳолига экологик таълим-тарбия беришни, ёшларнинг экологик онги ва маданиятини ривожлантириш;
- умуминсоний манфаатларга асосланган халқаро экологик сиёсий муносабатларни ривожлантириш назарда тутилади.

Сўнги йилларда экологик хавфсизлик масалаларига эътибор кучайишига тез-тез содир бўлаётган техноген (табиий тарзда содир бўладиган) экологик фожеалар, табиий офатлар биосфера экологик мувозанатини издан чиқарилиши сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечими, бевосита ёки билвосита ижтимоий-фалсафий масалалар ҳисобланади. Зеро, инсоннинг табиатни – табиат учун эмас, балки ўзи ва келажак авлодлари учун муҳофаза қилиши ва унинг хавфсизлигини таъминлаши, шубҳасиз ижтимоий-фалсафий муаммодир.

2015 йил Руминиянинг Бухарест шаҳрида экологик хавфсизлик муаммолари бўйича Киото аъзоларининг навбатдаги йиғилишида ҳозирги даврда инсоният цивилизациясига таъсир этувчи экологик хавфсизликка таҳдидларнинг уч тури ажратиб кўрсатилди [63; 134–136-б.]:

- 1) инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган экологик ҳаёт тарзига зарар келтирувчи табиий офатлар;
- 2) инсоннинг иқтисодий фаолияти натижасида вужудга келадиган антропоген экологик хатарлар;
- 3) планета биосфера структурасида инсоннинг антропоген таъсирида вужудга келадиган хавфлар комплекси.

Ушбу анжуманда атмосфера озон қатлами бузилиши, биологик хилма хиллик йўқолиши, ўрмонларнинг қисқариши, чиқиндиларнинг кўпайиши, иқлим ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар биосфера экотизими мувозанатини бузилишига олиб келувчи омилларнинг экологик муаммоларни кескинлашувига ва глобаллашувига эътибор қаратилди, яъни:

а) ер юзида табиат ресурсларининг бир хил тақсимланмаганлиги ва захиралари қисқариши натижасида юзага келувчи қазилма бойликлар ва энергия “қашшоқлиги”;

б) планета аҳолиси кўпайиши натижасида табиат ресурслардан фойдаланиш, антисанитария-гигиеник ҳаёт тарзи, эпидемиялар тарқалиши, нораціонал урбанизация;

в) ичимлик сув ресурслари чекланганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш ёки аксинча, айрим давлатларда қашшоқлик, очлик;

г) дунёда моддий ишлаб чиқаришнинг нотекис жойлашуви, маънавий эски техника ва технологиялардан фойдаланиш натижасида экологик ижтимоий-сиёсий беқарорлик;

д) экологик хавфсизликка жиддий таҳдид бўлган (ҳатто, локал) урушлар оқибатида вужудга келиш эҳтимоли юқори бўлган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар кучайиши билан боғлиқ муаммоларнинг халқаро даражада турли (муқобилликларига қарамасдан), муносабатларида умумий туташ нуқталар, “чорраҳалар” борлиги кўзга яққол ташланади [94; 9-б.].

Глобал экологик хавфсизликни таъминлаш муаммосини ҳал этиш бир давлат чегарасида эмас, балки халқаро ҳуқуқ нормалари асосида, истисносиз, барча давлатларнинг фаол иштирокини тақозо этади. Бунда муаммога дифференциал ёндашиб (конкрет экологик вазиятни инобатга олган ҳолда), иқтисодий юксалишнинг янги усул ва йўллари топиш объектив заруриятга айланди. Шунингдек, унинг халқаро экологик ҳуқуқий асослари бўйича иш юритишни тақозо этади. Яъни “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастури” (United Nations Environment Programme, UNEP 1972) ва 1982 йилда БМТ Бош

Ассамблеясида қабул қилинган “Табиат умумжаҳон Хартияси”да назарда тутилган талабларга асосланиш талаб қилинади.

Дарҳақиқат, экологик хавф-хатарларнинг олдини олиш глобал муаммо ҳисобланиб, кескинлашиш тенденцияси жаҳон ҳамжамияти давлатлари экологик сиёсатида *ўзаро муроса фалсафасига*, “*ҳалқ дипломатиясига*” асосланган ҳамкорликни тақозо қилмоқда. Чунки экологик таҳдидлар, нафақат жамиятнинг моддий қадриятларига, балки табиий атроф муҳит ёмонлашуви инсон саломатлигига, маънавий ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатиши билан ижтимоий моҳиятини намоён қилади.

Экологик хавфсизликка таҳдидлар профилактикаси – келажак авлодлар яшаши учун атроф-муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш – инсон билан табиат уйғунлигини таъминлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки, соғлом атроф-муҳит ҳар бир инсоннинг, миллат саломатлигининг асоси сифатида, умуминсоният бойлиги бўлиб, унинг қадрият мақомини белгилайди.

Ҳозирги цивилизациялар ривожланиши даврида экологик хавфсизлик глобал муаммога айланиб, олимларнинг муҳим илмий тадқиқот йўналишига айланди. Гарвард Университети (АҚШ) профессори С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви” асари ва бошқа мақолаларида сўнгги юз йиллик давомида келиб чиққан урушлар цивилизациялар ўртасидаги конфликтлар сабабли юз берган маданиятлараро тўқнашув жаҳон сиёсатининг етакчи омилига айланди” [52; 603-б.], деган хулосаси, бевосита экологик хавфсизликка ҳам алоқадор. Зеро, дунё олимлари бу жараён экотизим бузилишига олиб келишини жамиятнинг индустриал тараққиётида XX асрдан бошланган янги фан-технологиялар даврини саноат инқирози билан боғламоқдалар [87; 13–15-б.; 77; 155–164-б.; 82; 403–411-б.].

Экологик хавфсизлик муаммолари билан Европадаги қатор “Халқаро тинчлик тадқиқоти институтлари” шуғулланмоқдалар. Шундай институтлардан бири Норвегияда (Осло шаҳрида) фаолият кўрсатиб, тадқиқот натижалари махсус журнал ва илмий тўпламларида чоп этилмоқда.

Жумладан, Нина Грегернинг “Экологик хавфсизлик” ҳақидаги мақоласи эътиборга моликдир.

Олиманинг фикрича, инсон фаолиятида табиий муҳит ўзгариши билан экологик хавфсизликни таъминлаш ўртасидаги ўзаро корреляцион алоқадорликка тўртта асосий сабаб борлиги эътироф этилади. Яъни: 1) атроф муҳит шароитининг ёмонлашуви ерда инсон ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради. Бу – ҳаво ва сув таркибининг бузилиши, ўрмонлар кесилиб, катта массивларининг саҳрога айлантирилиши, тупроқ таркиби бузилиши билан боғлиқ ҳодисалардир; 2) табиий атроф муҳит ёмонлашишига, табиат ресурсларидан ноқилона фойдаланиш ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида аҳоли миграцияси, этник, диний ва ижтимоий-иқтисодий тангсизликларга нисбатан келиб чиқадиган норозиликлар; 3) табиатга зарар етказувчи йирик саноат қурилмалари ва технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ атроф муҳитнинг ёмонлашиши; 4) хавфсизлик билан атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг когнитив алоқадорлиги эътироф этилиб, экологик хавфсизлик соҳасидаги сиёсат – бош маъсулиятли сиёсат деб қаралади [81; 109–116-б.].

Нина Грегернинг юқорида келтирилган ташқи муҳит билан хавфсизлик ўртасидаги тўрт йўналишдаги боғланишлар ҳақидаги қарашлари экологик хавфсизлик муаммосини қамраб олишга, ҳар бир минтақада, айниқса, Европа мамлакатларида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинишига қарамай, Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашга доир мазкур тадқиқотимиз учун методологик аҳамиятга эга.

Питер Ф. Бруссард “Глобал экологик келишув: барқарор ривожланиш стратегиялари ва институционал инновациялар» номли мақоласида аҳолининг кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви, энергия ва бошқа муҳим ресурсларни етишмаслигига олиб келади [90; 302–303-б.], деган эди.

Экологик хавфсизлик муаммоси бўйича МДХ давлатлари олимлари томонидан ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, В.И.Данилов-Данилян, В.Н.Бурков, А.В.Шепкин, А.А.Сергунин,

В.Н.Федосеев, А.В. Возженников, А.Багатуров, Д.М.Гвишиани ва бошқалар миллий хавфсизликнинг ҳуқуқий, сиёсий ва халқаро тамойилларига эътибор қаратганлар [30; 221-б.; 26; 90-б.; 101; 107; 29; 424-б].

Ҳақиқатдан ҳам кўп қамровли экологик хавф-хатарларнинг ҳар қандай кўриниши ва оқибатлари, нафақат инсон ва жамият ҳаётига катта зарар етказди, балки кишилар хулқ-атвориغا, психологияси ва дунёқарашига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун экологик таҳдидларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг инсон турмуш тарзига, табиий атроф муҳитга келтирадиган зарарлари олдини олишда экологик хавфсизлик феноменининг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш, муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда, **бир томондан**, планетада содир бўлаётган экологик хавф-хатарлар олдини олишнинг долзарб муаммолари юзага келаётган бўлса, **иккинчи томондан**, атроф муҳитни муҳофаза қилишда, хусусан, табиатга антропоген, антропотехноген, антропогенетик, антропополитик таъсир йўналишлари кучайиши, дунёнинг турли мамлакатларида иқтисодий-сиёсий, демографик-этнографик вазиятлар кескинлашуви, “табиат-жамият-инсон” муносабатларининг нафақат иқтисодий, тарихий, ҳуқуқий, сиёсий жиҳатларини, балки ижтимоий-фалсафий мазмунини тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Шунинг учун бугунги мураккаб глобал ва кескин экологик вазиятни юмшатишда, ҳар бир давлат миллий сиёсати даражасида ижтимоий-экологик масалаларга эътибор қаратиб, инсоният экологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ҳар қандай фаолиятини ижтимоий ҳаракатнинг махсус шакли сифатида эътироф этиш ва унинг амалиётда қўллаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил, 12 ноябрдаги кўшма мажлисидаги маърузасида: “Барчамиз бир олий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак. Бундан буён Ўзбекистон “Экологик Ҳаракати” янги сифат босқичига

кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини, экологияни хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришлардан ҳимоя қилиш учун имкониятларни қўлга киритади ” [38], деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сонли қарорига асосан “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури” [38] қабул қилинди. Унда экологик хавфсизлик муаммолари ва уларнинг ечимига доир ижтимоий-фалсафий масалалар муштарак-муҷассам ифодаланган, яъни:

– табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликка таҳдидларни енгиллаштириш;

– табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш;

– норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда экологик илм-фанни, аҳоли экологик таълим-тарбиясини ривожлантириш;

– миллий ва минтақавий экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.

Умуман, ҳар қандай тарихий даврда ва шароитда экологик хавфсизликка шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг таркибий қисми сифатида қаралиши, унинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини ташкил қилади. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий субъекти, сиёсий институти бўлган давлат – ушбу соҳада вазифаларни ҳокимият тақсимланиши тамойилига кўра: қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ органлари орқали ташкиллаштиради, бошқаради ва назорат қилади.

Индустриал ривожланган мамлакатларда экологик муаммолар комплекси вужудга келиши ва кўламнинг кенгайиб, глобаллашиш тенденцияси кучайиши, уларнинг олдини олиш ҳақида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Экологик хавфсизлик билан боғлиқ атама ва тушунчалар мазмуни доирасига, уни ўрганиш доирасига кирадиган муаммоларни билиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳақиқатдан ҳам юқорида қайд қилинган масалалар, бугунги экология фани олдида турган долзарб муаммолар ҳисобланади. Зеро, экологик муаммоларни аниқлаш, зарари кўламини баҳолаш, уларни бартараф этиш усул-воситаларини танлаш жараёни давлат институти функциясида алоҳида аҳамиятга эга.

Шунинг учун юқорида тилга олинган экологик муаммоларни ҳал қилиш учун, *биринчидан*, давлат идоралари экологик фаолиятини, унга кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш; *иккинчидан*, экологик муаммоларни ҳал этишда таълим-тарбиянинг шахс экологик онги ва маданиятини шакллантириш; *учинчидан*, табиий атроф муҳитни яхшилашда, инсон саломатлигини турли салбий таъсирлардан сақлашда диний таълимотлардан фойдаланиш; *тўртинчидан*, энг муҳими, ижтимоий онг шакллари экологиялаштириш мақсадга мувофиқдир.

Экологик хавфсизликнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлилида экологик тушунчалар аппарати талқини билан чегараланиши етарли эмас. Бунинг учун уларни “экологик хавфсизлик” тушунчаси контекстида конкретлаштириб, ижтимоий-фалсафий талқинига эътибор қаратиш лозим. Чунки “хавфсизлик” тушунчаси экологик хавфсизлик тушунчасига нисбатан, тарихий-хронологик нуқтаи назардан қадимийроқдир [108]. Яъни “экологик хавфсизлик” тушунчаси, асосан экологик вазият кескинлашуви ва глобаллашуви кучайган XIX-XX асрларда кўпроқ фойданилаётган бўлса, умуман “хавфсизлик” тушунчаси 1190 йилда пайдо бўлган. Ҳозирги вақтда эса, умумжаҳон миқёсида экологик инқирозлар чуқурлашуви билан тамомила янги мазмун ва моҳият касб этмоқда [23; 5-б.].

Дарҳақиқат, инсониятнинг ўз хавфсизлигини таъминлаш учун ҳаракати ва кураши жамият пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳодисадир. Чунки, иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий-маданий муносабатларининг муайян

йўналишларидаги хавфсизлик муаммоси экологик хавфсизлик масаласида конкрет мазмунга эга бўлган. Тараққиётнинг турли босқичларида жамиятлар хавфсизлигини таъминлаш зарурияти, уларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ усуллар ва воситалари яратилган.

Бунда иккита ижтимоий-фалсафий қонуният намоён бўлади. Яъни, **бир томондан**, инсоният жамияти тараққий этган сари, унинг хавфсизлигига таҳдидлар кўлами ҳам, имкониятлари ҳам кенгайиб борган (масалан, ядро қуроллари ёки бошқа оммавий қирғин воситаларининг кашф қилиниши), айниқса, кейинги асрларда экологик хавфсизликни жонланиши шу соҳада хавфсизликни оламшумул муаммога айлантирди. **Иккинчи томондан**, инсоннинг ақл-заковати, интеллектуал салоҳиятини бу хавф-хатарларни бартараф қилишга оммавий сафарбар қилиш заруриятини англаб етмоқда ва уларни бартараф қилиш усул-воситаларини такомиллаштирмоқда.

Мавжуд имкониятларга қарамасдан, инсоният цивилизацияси тарихининг нисбатан кейинги босқичларида вужудга келган ва доимий долзарблашаётган экологик хавфсизлик муаммоси кўп қиррали, кескинлашаётган ва глобаллашаётган зиддиятли жараёнлигича қолмоқда. Чунки, ҳозирги давр – инсоният ҳаёти давомида фан-техника тараққиётини, сиёсий жараёнларда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-этикологик глобал муаммоларни келтириб чиқариши билан характерланади.

Илмий адабиётларда, айниқса хорижий адабиётларда, XX асрнинг 90-йилларигача, асосан давлатларнинг халқаро иқтисодий, сиёсий хавфсизлиги ҳақида фикр юритилган бўлса, эндиликда халқаро миқёсида экологик хавфсизлик тушунчаси турли халқлар лексиконида тез-тез тилга олинмоқда. Зеро, миллий, минтақавий экологик хавфсизлик глобал экологик хавфсизликнинг конкрет ижтимоий-экологик макондаги хусусиятларини ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категория бўлиб, фақат маълум давлат ёки халқнинг геоэкологик хавфсизлигини таъминлаш билан чегараланмасдан, балки глобал миқёсда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва экологик хавфсизликни таъминлашни ҳам кўзда тутди.

Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида, инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари шакллантирилди. Бу қонунлар Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ижтимоий-сиёсий муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш ва эркинлаштириши билан экологик хавфсизликни таъминлаш кафолати бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон давлатининг мамлакатни иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий соҳаларда модернизациялаштириш ва демократик ислохотларни амалга ошириш сиёсати муваффақиятлари миллий тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида олиб борилишига бевосита боғлиқлигини тажрибалар кўрсатди.

Ўзбекистон давлатининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат ва жамият қурилишини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, Ватанимиз тинчлиги, гуллаб яшнаши ва халқимиз фаровонлигига эришиш йўлида ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиланиш ва бунёдкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш назарияси ва тажрибаси ижтимоий фалсафани янгиланишига олиб келди.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кучли ижтимоий сиёсат (шу ўринда, давлат ижтимоий сиёсати таркибида инсон ва жамият экологик хавфсизлигини таъминлаш – устувор йўналиш эканлигини таъкидлаш жоиз) натижасида аҳолининг реал даромадлари ва турмуши фаровонлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мутлақо ўзига хос бўлган таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва тарихий маънавий-маданий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш тизимлари яратилиши экологик хавфсизликни таъминлашга асос бўлди.

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг ҳозирги босқичида экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган сиёсати мазмунида: ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришда “инсон капитали” ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш технологияларини қўллаш, инсонлар ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маиший

турмушида илмий-техника воситалардан фойдаланишнинг **экологик технология маданиятни** ривожлантиришга йўналтирилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Республикамызда амалга оширилаётган экологик сиёсат: табиатнинг алоҳида унсурлари хавфсизлигини муҳофаза қилишдан умумий биосфера экотизимни ҳимоялашга ўтишга, инсон ҳаёт кечириши учун зарур табиий муҳитини кафолатлашга йўналтирилган. Бундай сиёсатнинг гуманистик характери, умуман ижтимоий борлиқнинг, хусусан инсон ва жамият экологик барқарор ривожланиши шартларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини, мазмунини намоён қилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат экологик хавфсизлик сиёсатининг ижтимоий-фалсафий моҳиятида: 1) фуқаролари ҳаёти учун зарур экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш, яъни табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосий мақсад қилиб қўйилган; 2) миллий давлат ҳудудида “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини мувофиқлаштириш, минтақа ва глобал миқёсда экологик хавфсизлик шартидир; 3) Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини зарур эҳтиёжларини қондириш – **экологик муҳит хавфсизлигини** таъминлашга боғлиқдир; 4) экологик хавфсизликни таъминлаш – жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий маданий тараққиёти истиқболларини белгиловчи омилдир; 5) умуминсониятнинг экологик хавфсизликка эҳтиёжи ва уни таъминлашдан манфаатдорлиги дунё геоэкологик манзарасини белгилайди.

1.2.-§. Жамият тараққиётида экологик хавфсизлик концепцияларининг шаклланиш тарихи: генезиси ва эволюцияси босқичлари

Археологик илмий тадқиқотлар натижасида олинаётган маълумотларга кўра, “инсон-жамият-табиат” тизимида экологик муносабатларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, ўзига ҳос мураккаб даврларни бошдан кечирган. Инсонларнинг хўжалик юритиш усулида оловдан фойдаланиш,

меҳнат тақсимоотида: деҳқончилик, чорвачилик, турли хунармандчилик, меҳнат қуролиларини яшаш қадимий халқларнинг табиатга бўлган муносабатида муайян тартиб-қоидаларни, шу жумладан ибтидоий экологик онг ва маданиятни шакллантириб, уларнинг асосий функцияси экологик ҳавфсизликни таъминлашдан иборат бўлган.

Ушбу даврда тош қуролилардан фойдаланиш табиатни ўзгартириш ва ўзлаштириш маданияти тарихида ўзига хос босқич бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш заруриятини англашнинг дастлабки ретроспектив асослари эди. Аждодларимизнинг милoddан аввалги III минг йилликда мисдан ва унинг қоришмаларидан фойдаланиб, меҳнат қуролилари ва зийнат буюмлари тайёрланган давр энеолит, яъни Мис даври деб аталади [32; 45–46-б.].

Қадимги одамларда ҳали экологик онг шаклланмаган бўлишига қарамай, эмпирик қузатуви натижасида (моддий эҳтиёжларини қондириш даражасида бўлса ҳам), ўзини қуршаб турган табиатдаги ўзгаришларнинг ҳаётига салбий таъсирини стихияли-содда (примитив) тарзда англаш қобилиятига эга бўлган. Бундай онгнинг кейинги ривожланиш босқичи: фетишизм, тотемизм, анимизм, магия каби ибтидоий динлар вужудга келишига асос ҳисобланган.

Ибтидоий жамиятда одам ўзини, гуруҳи, уруғ-аймоқлари, авлод-аждодларини табиатнинг муайян унсури билан тенглаштирган ва унга эътиқод қилган. Хусусан, тотемизм (бирон-бир ҳайвон турига эътиқод) шундай тенглаштиришнинг ўзига хос ифодаси бўлган. Тотемликка қабул этилган ҳайвон турлари ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларнинг тасвири уй деворларига, оддий тошларга ўйилган ва уларнинг хайкаллари ясалган. Бундай хайкал ва тасвирлар қадимий одамлар тасаввурида ўзини қуршаб турган олам билан қандайдир уйғунлик мажудлигини ва уни муҳофаза қилиш зарурлигини ҳис этишни англашга ёрдам берган.

Айниқса, ибтидоий одамга ўз тотемини танлаши, уни ҳимоя қилиши ва зарурият бўлмаса ўлдирмаслик, аксинча уларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун турли ўсимлик навларини етиштириш, ҳайвон турларини

кўпайтириш, назаримизда, экологик онгнинг содда-стихияли даражаси ва моддий маданиятнинг дастлабки шаклланиш босқичи ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг илк даврларида экологик хавфсизликни англашда инстинктив-рефлексив, содда-эмпирик билиш устуворлиги кузатилади. Яъни қадимий одамлар кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш ва бошқалар орқали табиатга онгли ижтимоий муносабатларини шакллантира бошлаганлар. Аммо ибтидоий одамлар ўзини қуршаб турган объектив олам хусусияти ва сифатларини айрим-айрим, бир-бири билан боғланмаган ҳолда акс эттиришига қарамасдан (мантқиқий ҳукм ва хулосалар чиқариши нуқтаи назардан), билишнинг бу даражасида табиатни *экстрровертив* ва *интровертив* билиш ривожланишига имконият яратилган [57; 337-б.].

Одам пайдо бўлган дастлабки даврларда, унинг воқеликни билишга бўлган объектив эҳтиёжи ва зарурияти, ўзини қуршаб турган ташқи оламга мослашиш эҳтиёжининг “ижтимоийлашиши” билан боғлиқдир. Ибтидоий одам ҳаётининг ёввойи табиатга боғлиқлиги табиатнинг сирли, ҳалокатли стихияли кучларидан сақланиши билан бир қаторда, уни муҳофаза қилишга оид турли мифларни, диний тасаввурларни вужудга келтирган. Ҳозир ҳам аҳоли орасида ибтидоий анимизм, фетишизм, тотемизм, сеҳргарлик, шаманлик каби шаклларидаги ранг-баранг диний эътиқодлар комплекси, кейинчалик ислом ва бошқа дунёвий динлар маросимлари билан чирмашиб, аралашиб синкретик дин шаклида сақланиб қолганлигини кўрсатади

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида ўсимлик, ҳайвонот ва инсоният сувсиз яшай олмаслиги, шунинг учун уни тежаш ва оқилона фойдаланишга бағишланган одатлар, байрамлар ҳақида фикрлар билдирилган. Жумладан, бу йил серсув ҳосилдор бўлсин деб бир-бирига сув сепишлар ёки ёмғир ёғдирадиган тошлар ҳақида маълумотлар моҳиятида экологик хавфсизликни таъминлашнинг зарурияти (стихияли тарзда бўлса ҳам) гениал тазда изоҳлаб берилган [17; 184-б.].

Бу даврда худолар ҳақидаги тасаввурларнинг вужудга келишида одамнинг табиатга мослашиши, уни муҳофаза қилишнинг зарурияти ва

масъулиятини англаш билан билвосита боғлиқлигини кўриш мумкин. Яъни қадимги дин шаклларида Она Худо (Онахит) билан боғлиқ тасаввурларда, уни ҳосилдорлик, мўл-кўлчиликнинг рамзий ифодаси, оила таянчи, келажак авлод ҳомийси сифатида эътироф этилиб, Марказий Осиё халқлари орасида табиат билан бир қаторга қўйилиб, турли миллий образларда кенг тарқалган. Хусусан, Ўзбекистонда – Анбар она, Қирғистон ва Қозоғистонда – Умой оналар шулар жумласига мансубдир.

Уруғчилик, қабилачилик ҳукм сурган тарихий даврнинг характерли томони – жамоавийликдир. Жамоа бўлиб яшаш, меҳнат қилиш фаолиятида табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжи, экологик хавфсизликни таъминлаш зарурияти жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тизими характерини белгилаган ва онг шаклларини экологиялаштиришни тақозо қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, *бир томондан*, айнан жамоавий меҳнат туфайли инсоннинг табиатга антропоген таъсир имконияти кенгайиб, экологик хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи, зарурияти шаклланган. *Иккинчи томондан*, инсоният тарихининг илк босқичларида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг умумий меҳнат тақсимооти жараёнида аста-секин “контурлари” шаклланган. Бу дастлаб, ўсимлик навларини, ҳайвон зотларни хонакилаштиришда намоён бўлган.

Кейинчалик яккахудолик ғоясига асосланган миллий ва дунёвий динлар шаклланиши билан ижтимоий бирликларни интеграциялашуви янги босқичга кўтарилган. Масалан, зардуштийшунос йирик немис тадқиқотчи олимаси М.Бойснинг инсоният тарихидаги биринчи жаҳон дини сифатида зардуштийликни эътироф этишида ҳақиқат бор.

Оловга сифиниш, ер ва олов худоси Митрага, яйлов худоси Романого ибодат қилиш, уй-жой қуриш, уни олов билан, уй ҳайвонлари, оила қуриб, бола-чақа билан тўлдириш, ўсимлик ва мевали дарахтларни кўпайтириш, уй ҳайвонларини (сигир, қўй, от, эчки, ит, паррандалар ва бошқа) парвариш қилиш, ерга ишлов бериш, ҳосилдорликни кўпайтириш Зардуштийлик дини экологик маданиятининг асосини ташкил этган. Айниқса, таналарингизга

нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, чунки маънавий дунёнгиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади деб таъкидланиши, кейинги вақтларда катта эътибор берилаётган **маънавият экологиясининг** дастлабки кўриниши сифатида баҳоланишга муносиб.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да қадимги дунё фалсафасининг 4 асоси (субстанцияси) – тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилган, уларни булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар каторига киритилган. Зардушт динида ўликларни ерга кўмиш, сувга ташлаш гуноҳ ҳисобланиб, жасадни ё куйдирганлар ёки гўшт ва терисини йирткич хайвон ҳамда қушларга едириб, суякларини махсус сопол кути (остадон)ларга солиб, алоҳида биноларда сақлаганлар [32; 98-б.].

Зардуштийлик кишиларда доимо **табиатга инсонпарварлик муносабати маданиятини** шакллантиришни назарда тутган. Шунинг учун, зардуштийлик таълимотида “инсоният-жамият-табиат” уйғунликда қаралиб, улар ўртасидаги муносабатларда инсониятнинг ҳаёти табиат ва табиий муҳит билан боғлиқлиги кенг тарғиб қилинади.

С.Хасановнинг ёзишича, “Табиат муҳофазаси ва муҳит тозалигини сақлаш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида санитария гигиена қоидалари амалга оширилган: аҳлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш, олов, иссиқлик ва совуқлик йўли билан кийим кечаклар ва озиқ-овқатларни зарарсизлантириш, сирка, шароб, турли, гиёҳлар тутатиш” [53; 50-б.] халқлар ҳаётида муҳим ўрин олган. Бундай қадимги удумлар ҳозир ҳам ўзбек халқида – иссириқ, ҳиндларда – сандал дарахтини тутатиш турли захарли микробларни зарарсизлантириш воситаси сифатида учрайди.

Зардуштийликда “табиат-жамият-инсон” муносабатларида, яъни ер, сув, ҳаво, ҳамда барча ўсимликларни эъзозлаш натижаси ўлароқ, табиатнинг ҳаётлиги ва гуллаб яшнашидан далолат берувчи бир қанча урф-одат ва маросимлар шаклланган. Жумладан, “Наврўз”, “Меҳрижон” байрамлари тантаналарида бу руҳнинг улкан қудрати намоён бўлади. Бойчечак чиқиши,

лолақизғалдоқ очилиши, бодом гуллаши, умуман баҳор билан бирга табиатнинг гўзаллашиб бориши – эзгулик руҳи тантанаси бўлиб, уларнинг ҳар бири катта шодиёналикка сабаб бўлган. Одамлар табиатни муҳофаза қилишда бу гўзалликларни муқаддаслаштириб, уларни халқ байрамлари ва сайилларига айлантириб юборганлар.

Жамият ва инсон экологик хавфсизлиги масалалари жаҳон динлари: буддавийлик, насронийлик ва исломда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, исломнинг муқаддас китобларида, ҳадиси шарифларида, шариат аҳкомларида экологик маданиятга алоҳида эътибор қаратилиб, нафақат тана ва атроф муҳит тозалигига риоя қилиш, балки таомларни танаввул қилишда, ҳаром ва ҳалолнинг фарқига боришда, ҳамма вақт тозалikka амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи қилиб белгиланган.

Қуръоннинг “Бақара” сураси 168-оятида: “Эй одамлар, ердаги ҳалол пок нарсалардан тановвул қилингиз ва шайтоннинг изларидан эргашманглар!” [56; 25-б.], “Моида” сурасининг 3 оятида: “Ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи айтиб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган ва йиртқич ҳайвон (қисман) еган (ҳайвонлар) сизларга ҳаром қилинди” [56; 107-б.], дейилган.

Бу ўғитлар кишиларнинг ҳаёти давомида, аввало, ҳар бир инсоннинг ўзини, қолаверса яшаб турган табиий атроф муҳитни асраб-авайлаш учун зарур кўрсатма, насиҳат ва илоҳий муқадас ғоядир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузурида “Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2017 йил 23 июнь № ПҚ-5080 қарорида кўрсатилганидек: “Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир” [12].

Диний таълимотларда, муқаддас ёзувларда экологик ҳаётий фаолиятга кенг ўрин ажратилганлигидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: **биринчидан**, жамият тараққиётининг кейинги босқичларида, айниқса миллий ва жаҳон динларининг шаклланиши ва ривожланиши одамларда муайян экологик ижтимоий онг шаклланишига, унинг юқори даражага кўтарилишига ўз таъсирини кўрсатган; **иккинчидан**, инсон онгли мавжудод сифатида, табиатнинг бир бўлаги эканлигини идрок этиб, ўзи яшайдиган табиий муҳитни пок, ҳалол, озода тутиши, қолаверса объектив оламда яратилган барча нарса ва ҳодисаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга ҳаракат қилади; **учинчидан**, тупроқ, сув, ҳавони булғамаслик, уларга зарар келтирувчи омилларнинг олдини олишга бағишланган муқаддас диний манбаларга асосланган урф-одат, анъана, байрамлар, муайян қонун-қоидалар ишлаб чиқилишига, одамларда табиатга бўлган муносабатни яхшилаш кўникмаларини, экологик онги, маданиятини шакллантиришга ёрдам берди.

Замонавий иқтисодий тараққиёт туфайли вужудга келган экологик масалалар табиий атроф муҳитнинг ифлосланишига ва фан-техника тараққиётининг бошқа салбий оқибатлари, ижтимоий-сиёсий оммавий ҳаракатлар вужудга келишига сабаб бўлди. Шундай жамоатчилик ҳаракатларининг бири, “Яшиллар ҳаракати”дир. “Яшиллар ҳаракати”, биринчи навбатда, ўз кучларини сув хавзалари ҳаво ва тупроқ ифлосланишини олдини олишга, ўсимликлар, ўрмонлар, ҳайвонот олами, умуман олганда, коинот эволюцион ривожланиши натижаси бўлган, биосфера табиий мувозанатини сақлаб қолишга қаратдилар.

“Яшиллар ҳаракати” – ядровий, кимёвий, биологик, бактериологик қуролларга, пийёдаларга қарши миналарга ҳамда тинч аҳолига, ҳайвонларга, ўсимликлар дунёсига етказилган зарарларга, шунингдек, инсонлар томонидан мўйнали ҳайвонларга азоб беришга қарши курашдилар. Улар томонидан 1972 йилда Швецияда, Ньюкаслда таъсис этилган оммавий экологик ҳаракат, Европада биринчи экологик партияга асос бўлган, 1973

йилда Буюк Британияда ҳам экологик ҳаракат ташкил этилди (кейинчалик “Яшиллар партияси” деб ўзгартирилди)” [33; 12-б.].

Бундай экологик партиялар бошқа Европа мамлакатларида ҳам тузила бошлади ва уларнинг фаолиятида экологик хавфсизлик сиёсий (хусусан, пацефистик ҳаракатлар) мақсад-вазифалар билан уйғунлашиб кетди. Айниқса, 1980 йил Германия “Яшиллар партияси”нинг ядро қуролларига қарши ҳаракати **“экологик партиялар сиёсатлашуви”** жараёнини ва, экологик хавфсизлик учун курашда янги тарихий босқични бошлаб бериши билан катта аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик, 1990 йилда Нидерландия “Яшил барглар” партияси ва 1995 йилда Финляндияда “Фин яшиллар” партияси ўз фаолиятини бошлади.

“Яшиллар ҳаракати”нинг экологик муаммоларни кенг қамраб олиши дунё давлатлари ва халқларини тобора ўзига жалб қилиши билан глобал оммавий экологик ҳаракатга айланди. Кейинги ўттиз йил давомида Ер қуралидаги ўнлаб давлатларда “Яшиллар партияси” тузилди. Жумладан, Африкада – 20 та, Америкада – 26 та, Осиёда – 20 та, Европада – 39 та ана шундай партиялар тузилиб фаолият кўрсатмоқда [33; 12–13-б.]. Уларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти қуйидаги ижтимоий-экологик мақсадларни амалга оширишга, яъни:

- инсоннинг табиат билан уйғунлигини таъминлаш;
- келажак авлодларга ижтимоий-экологик ғамхўрлик қилиш;
- “учинчи дунё” мамлакатлар экологик вазиятини соғломлаштириш;
- қийин аҳволга тушиб қолган дунё халқларига беғараз экологик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган.

Демак, “Яшиллар ҳаракати”нинг асосий мақсади – биз яшаб турган заминга, инсоният ҳаётига реал хавф солаётган экологик хавф ва таҳдидларга қарши курашишдан иборат.

Ушбу оммавий экологик ҳаракатларнинг цивилизация ривожланиш жараёнидаги оламшумул ижтимоий аҳамияти: **биринчидан**, индивидуал ва ижтимоий онг даражаларида инсон-табиат муносабатларининг экологик

хавфни вужудга келтириши ҳақида тушунчалар шаклланди; *иккинчидан*, экологик хавф-ҳатарларнинг нафақат олдини олиш, балки унга қарши қураш зарурияти англанди ва амалиётда намоён бўлди; *учинчидан*, экологик муаммоларга қарши қурашдаги оммавийлик халқаро: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларни итеграциялаштиришга асос бўлади; *тўртинчидан*, дунёнинг ривожланган мамлакатлари экологик сиёсатида “Яшиллар” ижтимоий-экологик фаолиятининг давлатлар иқтисодий-хўжалик юритиши соҳаларида устуворлашганини кўрсатади.

Экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатнинг ривожланиш тарихи ва эволюцияси масалаларини тадқиқ қилиш билан чет эллик олимлар қаторида Ўзбекистон олимлари ҳам шуғулланиб, муайян назарий ва амалий хулосаларга келганлар. Жумладан, Э.С. Хошимова “Экология: ғоя, назария, методология” номли ўқув қўлланмасида инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини қуйидаги уч босқичга ажратиб кўрсатади: “**биринчи босқич** – *мифологик (биоген) давр*: инсон ва табиатнинг бевосита бирлиги ва меҳнат фаолияти шаклланган, инсон ижтимоий ҳаёт тарзини ривожланиши жараёнида аввал, овчилик-йиғувчилик жамоасига, сўнгра, деҳқончилик-чорвачилик хўжалигига ўтган; **иккинчи босқич** – *индустриал (техноген) давр*: саноат революцияси натижасида табиатни ўзлаштиришнинг энг эффектив усули сифатида индустриал ишлаб чиқариш ҳукмронлиги ва техникани ривожлантиришга ўтган; **учинчи босқич** – *постиндустриал (нооген) давр*: информация ишлаб чиқариш ҳукмронлигида, экологик жамиятни яратиш жараёнида инсон ва табиат муносабатини гармонизациялаш жараёни содир бўлган” [54; 32-б.].

Жамият ва табиат ўзаро алоқадорлигининг “маданиятлашиш” жараёнида экология тарихини уч босқичга ажратиш ҳақидаги юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда, бу босқичларни экологик хавфсизлик контекстида таҳлил қилинганда, масала моҳияти – экологик маданиятнинг функционал аҳамияти янада кенгроқ ёритилган бўлар эди.

Дунё олимларининг экологик фаолият тарихини даврлаштиришда муқобил таълимотлари тизими шаклланган бўлса ҳам, уларнинг қарашларида ўзаро яқдил фикрлар кўзга ташланади. Масалан, Беларус олими С.А.Сергейчик “Этапы развития экологии” номли китобида экологиянинг фан сифатида ривожланиш тарихини беш босқичга бўлади. Олим биринчи босқични тўрт даврга ажратиб қарайди: **биринчи давр** – милoddан аввалги VII-II асрларда Миср, Ҳиндистон, Хитой, Европа олимлари томонидан инсоннинг ташқи олам билан ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи билимлар “жумладан, 6–8 минг йиллар мобайнидаги буғдойни, кейинчалик гуруч, жўхори, цитрус ўсимликларидан фойдаланиш”; **иккинчи давр** – Қадимги Юнон ва Рим файласуфлари томонидан ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг ташқи олам билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги 2250 йил муқаддам шакллантирилган билимлар. Масалан, Аристотель (эрамизгача 384-322) 500дан ортиқ ҳайвон турларининг яшаш тарзи тўғрисида рисола ёзиб, организмларнинг классификациясини асослаган.

Унинг шогирди Георфраст Эзорисхи (милoddан аввал 370–285 йиллар) “Исследования о растениях” асарида ўсимликлар шакли ва ўсиши тупроқ таркиби ва ҳароратга боғлиқлигини кўрсатган; **учинчи давр** – ўрта асрга оид бўлиб, олимнинг фикрича ўрта аср догматизми ва схоластикаси туфайли экология сустривожланган. Аммо XIII асрда Альберт Великий (1206–1280) «Трактат о растениях» асари ва XIV асрда Италияда биринчи бор ботаник боғлар шаклланганлигини эътироф этади; **тўртинчи давр** – ренессанс, янги уйғониш давридир [114].

С.А.Сергейчик юқорида кўрсатилган асарида экологиянинг кейинги ривожланишининг **2 босқичи** – ўсимлик ва ҳайвонларнинг географияси ҳақидаги биологик фан ва экологик билимлар ривожланиши; **3 босқич** – ўсимликлар ва ҳайвонлар экологиясида организмларнинг табиий танланиш ва табиий яшаш шароитига мослашиши (адаптацияси)ни ўрганишнинг фан сифатида шаклланиши; **4 босқич** – экологияни табиатни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланишнинг назарий базаси бўлган умумбиологик фан

сифатида қарор топиши (XX асрнинг 20-60 йиллари); ниҳоят **5 босқич** – антропологик (инсон экологияси) доирасида глобал экологиянинг ажралиши ва ривожланиши ҳисобланиб, XX аср ўрталаридан ҳозиргача давом этмоқда, деб кўрсатади [114].

Олимнинг экология ривожланиши тарихини тўрт даврдан ташкил топган биринчи босқич ҳақидаги фикрларида Марказий Осиёда шаклланган ва ривожланган экологик таълимотлар ҳисобга олинмаган. Аслида, милоддан аввалги VII асрдан бошлаб милодий асрнинг бошларигача экологияга оид бой материаллар “Авесто”да ўз аксини топган. Кейинчалик, буюк аллома Муҳаммад Ҳоразмий (783–850 й.) ўзининг “Китоб сураат аль-арз” номли асарида дунё океанлари, қитъалар, ўрмонлар, чўллар, тоғлар, дарё ва денгизлар, кўллар ва бошқалар ернинг асосий бойликлари бўлиб, уларнинг биосфера экологик мувозанатини сақлашдаги ролини гениал тарзда кўрсатган.

Абу Наср Форобийнинг (870–910 й.) асарларида одам ва ҳайвон аъзоларининг тузилиши, хусусиятлари ва вазифалари, уларнинг ўхшашлиги ва фарқлари тўғрисида маълумотлар бор. Абу Райхон Беруний (973–1048 й.) фикрича, инсон табиат қоидаларига риоя қилган ҳолда борликни илмий равишда тўғри ўргана олади. Унинг асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, тарқалиши, кўпайиши, хўжаликдаги аҳамияти атрофлича баён этилган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483–1530 й.) ўзи бориб кўрган юртларининг табиати, бойлиги, одамлари, урф-одат, маросимлари, ҳайвон ва ўсимликлар дунёсини тасвирлаган “Бобурнома” асари мазмунида теран экологик таълимотларнинг ретроспектив асослари мавжуд. Демак, Марказий Осиё олимларининг ўрта асрларда экологик маълумотларни тўплаш, ижодий ривожлантиришда ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, С.А.Сергейчикнинг “История экологии и современное состояние” номли китобда экологиянинг ривожланиш тарихи экологиянинг фан сифатида пайдо бўлиши ва қарор топишида: **биринчи босқич** – илмий

техника инқилоби натижасида пайдо бўлиб, XX асрнинг 60-йилларигача давом этган; **иккинчи босқич** – экологиянинг мустақил фан соҳаси сифатида ривожланиши XIX асрнинг 60-йилларидан XX асрнинг 50-йилларигача давом этган; **учинчи босқич** – экологиянинг инсон яшаб турган табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурсларидан биосфера экологик мувозанати қонунларига асосан оқилона фойдаланиш ҳақидаги комплекс фанга айланиши XX асрнинг 50-йилларидан ҳозирги давргача давом этмоқда [114].

Юқоридаги экология тарихини туркумлаштиришга оид фикрлар хусусийлиги, олимларнинг экология тарихига муайян детерминлаштирувчи омилни мутлақлаштириб ёндашиши билан боғлиқ. Лекин олимлар ўртасида экологиянинг ривожланиш босқичларини илмий асослашда ягона ёндашув бўлмаса-да, улар мазмун жиҳатдан бир-бирига яқиндир.

Биз ҳам олимларнинг экологик фаолият шаклланишининг тарихий генезиси ва эволюцияси ҳақидаги айрим фикрларга қўшилган ҳолда, уларни экологик хавфсизликни сақлашда динларнинг вужудга келиши ва функцияси нуқтаи назаридан қуйидагича туркумлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни; биринчи босқични, С.А.Сергейчик таклиф қилгандек, қадимги даврдан XIX асрнинг 60-йилларигача давом этган – 4 даврга эмас, балки худуднинг геоижтимоий, иқтисодий, сиёсий индивидуал-ментал ривожланиш хусусиятлари билан боғлаб, уч даврга ажратиш мақсадга мувофиқ. Бунда: **биринчи давр** – қадимий одамларнинг ташқи табиий муҳитга, умуман табиат эволюцион ривожланишига мослашиши “Калтаминор маданияти” [61; 44–49-б.], яъни милoddан аввалги неолит ва энеолит даври IV ва III мингйилликларда табиатга муносабати билан боғлиқ. Инсоннинг табиатга муносабати тартиб-қоидалари, табиий атроф муҳит ривожланишини билиши (хусусан, кузатиши), моддий эҳтиёжларни қондириши, ўзларини табиат стихияларидан ҳимоя қилиш ҳақидаги тасаввурлари, қарашлари ибтидоий содда ва стихияли инстинктив-рефлексив экологик онг шакллари ташкил этган. Уларни: бир томондан, дастлабки

экологик маданият шакллариининг асоси; иккинчи томондан – амалда “моддийлашган” натижаси сифатида қараш керак.

Иккинчи давр – ибтидоий динлар ва теологик мифология шаклланиши билан боғлиқ. Агар анимизм одам ва борлиқдаги барча нарса ва ходисаларга жон, рух хослигини эътироф қилса, тотемизмда одамнинг муайян ўсимлик ёки ҳайвон тури билан қариндошлик алоқадорлиги, магия ҳаракатлар эса, одамга қарши табиатнинг турли-туман хавф-хатарлари олдини олишда қўлланилган. Табу (таъқиқлаш) одамнинг табиат ходисалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ муносабатларини регламентлаштиришда қўлланилиб, ўзига ҳос экологик урф-одат, маросимлар шаклланишга олиб келган.

Учинчи давр – миллий ва жаҳон динларнинг шаклланиши ва уларнинг муқаддас ёзма манбалари шаклланиб, уларга амал қилиши билан экологик маданият ривожланиши янги субъектив омилга асосланган. Жумладан, биринчи жаҳон дини “Авесто” да қадимги дунё фалсафасининг 4 асосий (субстанцияси) тупроқ, сув, ҳаво, оловни муқаддаслаштирилиши, минг йиллар давомида, дунё халқларининг экологик моддий маданиятини бойитишда муҳим теологик асос бўлган. Шунингдек, кейинчалик шаклланган буддавийлик, христианлик, айниқса ислом динининг манбааларида экологик маданият ривожига дахлдор масалалар умуминсониятнинг асрлар давомида экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Иккинчи давр охирида динларнинг экология масалаларида секуляризацияси кучайди. Ушбу ҳодиса 60-йиллардан бошланган глобаллашув жарёнининг янги босқичи билан боғлиқ бўлиб, XX асрнинг 50-йилларигача давом этган.

Учинчи босқич XX асрнинг 50-йилларидан, яъни иккинчи жаҳон урушидан кейинги бошланиб, ҳозиргача давом этмоқда. Ушбу даврга келиб жаҳондаги деярли барча мамлакатларда экологик масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор кучайди. Жумладан, 1982 йил 5 июнда БМТнинг атроф муҳит бўйича Стокгольмдаги 10 йиллик конференцияси, 1987 йили

Стокгольмда Европа “Яшиллар” конференцияси, экологик хавфсизлик муаммолари бўйича Францияда Киото протоколи (1995), Париж шаҳридаги Киото протоколи (2015), дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясининг 55 махсус сессиясида Мингйиллик декларациясини имзоланиши ва бошқалар бу босқичда экологик масалаларга эътиборни кучайганлигини кўрсатади.

Глобал экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг шаклланиши, унинг нафақат давлатлар иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий тизими характери билан боғлиқлигини кўрсатади, балки экологик хавфсизлик “табиат-жамият-инсон” муносабатлари тараққиётининг ҳар бир тарихий даври ўзига хос мазмун-моҳиятга эга бўлган қадриятларни, уларни ҳаётга жорий қилиш институционал тизимини тақозо қилади.

Зеро, инсониятнинг тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган экологик хавфсизликка оид институционал тизими вазифаси, шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг экологик фаолиятини: тартибга солувчи, регламентлаштирувчи урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, ижтимоий қадриятларни яратишдан ҳам иборат. Яъни табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий қадриятлар, уларни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи оммавий ташкилотлари, ихтиёрий уюшма сифатида муайян эҳтиёж ва манфаатлар асосида фаолият олиб боради.

С.Мамашакиров ва Э.Усмоновларнинг фикрига кўра, экологик хавфсизликни таъминлаш, давлат сиёсий устқурма тузилмалари орқали бошқарилиб, сиёсий идора функциясига кўра:

- 1) сиёсий муассасалар (турли даражадаги табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмиталари);
- 2) сиёсий ташкилотлар (экологик партиялар, оммавий-жамоатчилик уюшмалари);
- 3) ҳуқуқий муассасалар (табиатни муҳофаза қилиш полицияси, прокуратураси, назорат органларига) [41; 70-б.] ажратиб туркумлаштирилган.

Умумлаштириб айтганда, экологик хавфсизликни таъминлаш зарурияти, фақат бугунги кун вазифаси бўлмасдан, балки инсоният жамияти пайдо бўлган даврларидан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Уруғчилик, қабилачилик муносабатлари, турли диний ғоялар, тасаввурлар, айниқса миллий ва жаҳон динлари вужудга келган даврлардан бошлаб, муҳим аҳамият касб этган.

“Табиат-жамият-инсон” муносабатларини инсон экологик фаолияти контекстида қуйидагича изоҳлаш мумкин: **биринчидан**, одамларнинг табиатга мослашиши жараёни ва унинг сирларини, ривожланиш қонун-қонуниятларини, тартиб-қоидаларини билишда жамоавийлик (уруғ-қabila экологик фаолияти) ижтимоийликнинг конкретлашган шакли ҳисобланади; **иккинчидан**, жамоавий меҳнат туфайли одамларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ижтимоийлашуви, яъни ер, сувлардан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик учун мос серуниш ерларни асраш, кенгайтириш ҳамда уй ҳайвон турларини кўпайтириш, табиий муҳитни яхши сақлашга интилиши кузатилади; **учинчидан**, инсоният тарихининг ушбу босқичида диний примитив тасаввурлар, стихияли-содда экологик амалий фаолият йўналишлари шаклланиши – замонавий экологик рационал онг ва иррационал-прагматик амалиёт генезисини, ретроспектив асосини ташкил қилган; **тўртинчидан**, замонавий экологик назарий ва амалий фаолият ривожланиши жараёнида “табиат-жамият-инсон” муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши глобал экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоси долзарблашувига олиб келди.

1.3-§. Экологик хавфсизликка таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг муқобил фалсафий таҳлиллари

Ижтимоий-фалсафий адабиётларда экологик таҳдидлар ер сайёраси биосфера эволюцион ривожланишининг издан чиқиб, табиий атроф муҳит ёмонлашувига ва жамият ривожланишига салбий таъсир йўналишлари билан боғлиқ ҳолда туркумлаштириб талқин қилинади. Яъни: а) глобаллашув

жараёнида табиат ва табиий атроф муҳит ҳолатининг ёмонлашуви; б) биосферага техноген таъсир кучайиши натижасида тиклаб бўлмас ўзгаришлар содир бўлаётганлиги; в) баъзи давлатларда кимёвий ва ядровий куролларни яшаш билан боғлиқ экологик таҳдидларда намоён бўлмоқда.

Маълумки, табиий муҳитга табиатда бўладиган циклик табиий жараёнлар ва турли ҳодисалар ҳам таъсир этади, ифлослантиради. Буларга: космик (қуёш нурунини активлашиши, электромагнит нурунини таъсири), гидрологик (тайфун, бўрон, сув тошқини, ҳавонини исиб кетиши, қурғоқчилик), геодинамик, геоморфологик (зилзила, цунами, вулкони отилиши, сел келиши, қор кўчиши, сурилма, чўкиш ва ўпирилишлар), геокимёвий (ер ости табиий газларинини портлаши, сунъий материалларнини портлаши, шўрланиш, ботқоқликлардан шўрли газларнини чиқиши, сунъий материалларнини коррозияси), биологик (ўрмонларнини қуриб кетиши натижасида ёнғинлар) ва бошқалар сабаб бўлади [55;47-48б.].

Кейинги чорак аср мобайнида жаҳон халқлари ҳаётида экологик таҳдидларнини дунё аҳолиси турмуш тарзига катта зиён етказиши натижасида мамлакатлар иқтисодиётига салмоқли путр етказилмоқда. Масалан, охириги ўн йилда жаҳонда 14000 та экологик талофатлар содир бўлиб, 700 минг киши ҳаётдан кўз юмди. Шунини учун ҳозирги кунда бутун жаҳонда олиб борилаётган иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси заминида глобал экологик таҳдидларни олдини олиш ётибди.

Мамлакатимизнини Биринчи Президенти Ислам Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек: “Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очик эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ушбу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аниқроғи, ушбу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларинини келажагига, табиий

бойликлари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда каттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса “қалб нидоси” бўлиб келган” [34; 110-б.].

Дарҳақиқат, тоталитар тузум даврида экологик хавфсизлик билан давлат сиёсати даражасида шуғулланмаслик, нафақат Ўзбекистон ҳудуди учун, балки Марказий Осиё мамлакатлари ҳаёти учун катта хавфга айланди. Зеро, бугунги кунга келиб, “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлди. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келди” [34; 112-б.].

Марказий Осиё минтақаси ва мамлакатимизда кескин экологик вазиятнинг салбий оқибатларни бартараф қилиш, биринчи навбатда, инсон манфаатлари ҳимояси сифатида қаралиб, унинг соғлом ва мусаффо табиий атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш – Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Чунки, экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ миллий манфаатлар ҳимояси, инсоннинг ижтимоий-экологик эҳтиёжларини қондириш орқали рўёбга чиқади.

Экологик хавфсизликка таҳдидлар масаласига ижтимоий-фалсафий жиҳатдан комплекс-системали илмий ёндашиш шундан далолат берадики, уларнинг глобаллашиш тенденцияси кишилар онгида: кўрқув, ваҳима, саросима, таҳлика каби ҳиссиётларини шакллантириб, келажакка ишонч, умидни сўндиради, маънавиятдан бегоналашган манқуртларга айлантиради. Айниқса, глобал характердаги экологик антропологик таҳдидлар: диний ақидапарастлик, экстремизм, сепаратизм ва терроризм эскалацияси билан боғлиқдир¹.

Чунки, чегара ва миллат билмайдиган бу таҳдидлар: *бир томондан*, содир бўлган ҳудудларда, нафақат террористик актлар: портлатиш, вайрон

¹ Ҳозиргача диний, сиёсий таҳдидларнинг экологик оқибатлари, умумий хавфсизликка таъсир йўналишлари, имкониятлари, уларни бартараф қилишда диний ташкилотлар ҳамда оммавий экологик ҳаракатларнинг роли ва ўрни махсус тадқиқот объекти қилиб белгиланмаганлигини таъкидлаш жоиз.

қилиш, бегуноҳ одамлар жонига завола бўлиб; *иккинчи томондан*, табиатни, тарихий обидаларни, кадриятларни пайҳон қилиб, *“маънавий-маданият экологиясига”* кучли салбий таъсир кўрсатиши билан характерланади. Шунинг учун ҳар қандай ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий таҳдидларни экологик хавфсизликка жиддий таъсир кўрсатувчи хавф, омил тарзида эътироф қилиш керак.

Инсон онгига маънавий-руҳий таҳдид кўпқиррали бўлиб, аввало, замонавий ахборот майдонида, хусусан радио-телевидение, матбуот, интернет тармоқлари ва бошқа алоқа воситалари орқали тарқатилаётган маънавий бузғунчи вайронкор ғоялар, “оммавий маданият”, сохта маълумотлар трансформациясини назарда тутишимиз лозим.

XX аср охирига келиб дунёнинг жўғрофий-сиёсий харитасидаги катта ўзгаришлар натижасида мустақил давлатлар пайдо бўлиб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилдилар. Шу билан бирга, бу давр миллий ва диний кадриятларга қайтиш билан характерланади. Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин халқимизнинг маънавий ва маданий меросига, тарихий экологик кадриятларига муносабати тубдан ижобий томонга ўзгарди.

Марказий Осиёнинг мустақилликка эришган мамлакатлари халқлари анъанавий ислом динига эътиқод қилиб келганликларини инобатга олиб, чет эллик сиёсатчилар ислом таълимоти номидан иш кўриш, ўз давлати сиёсатини ислом воситасида “таҳлил” қилишга уринишлар, шу йўлда турли гуруҳлар тузиш ва фитналар уюштириш каби бузғунчилик ҳаракатлари ҳам кучайди. Минтақа мамлакатларида турли ақидапарастлик, экстремистик оқимларнинг мақсадлари ва кирдикорларини оммага тушунтириш, бундай оқимлар фаолиятини чеклаш ва таъқиқлаш, умумий хавфсизликни сақлаш сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қолди.

Чунки бугунги диний экстремизм, терроризм бундан 40-50 йил илгариги ақидапарастлик ва экстремизмдан бир неча баробар хавфлидир. Ҳозирги кунда ақидапарастлик ғоялари билан қуролланган экстремизм гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ ва одам савдоси, халқаро терроризм ва бошқа

уюшган жиноятчилик, коррупция шакллари билан уйғунлашиб кетди. Яъни экстремистлар ва ақидапарастларнинг ғаразли мақсадлари ва манфаатлари уйғунлашуви, глобал хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда.

Диний экстремистик ва террористик ҳаракатларнинг экологик хавфсизликка таҳдидлари [84; 77-б.] муайян мамлакатда содир бўлсада, минтақавий, ҳатто глобал миқёсда қуйидаги экологик зарарли оқибатларни келтириб чиқаради, яъни: а) аҳоли гавжум жойларда террористик акт натижасида бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмади, тан жароҳатлари олади; б) портлашлардан ҳосил бўлган чанг, газ, захарли моддалар ҳавога тарқаб, одамлар саломатлигига путр етказди; в) портлаш содир бўлган объектдаги бинолар, техникалар, электро-энергия тармоғи, механизмлар ёки бошқа қурилмалар ишдан чиқиб, вайронага айланади; г) энг муҳими, терроризмнинг экологик вазиятга катта зарар келтирадиган томони, унинг вақти, худуди, объекти номаълум бўлиб, қайси шаҳар, мамлакатларда содир бўлиши номаълумлиги ва олдини олиш қийинлигидир.

Диний экстремизм қандай кўринишда бўлмасин, қандай ном билан аталмасин, унинг асосий мақсади – ҳокимиятни эгаллашдир. Бугунги кунда инсоният ислом ва бошқа динларни байроқ қилган экстремизм, терроризм ҳаракатлари жаҳон халқлари учун катта таҳдид солаётганини, уларнинг динга алоқаси йўқлиги, умуман динлар, хусусан ислом тинчлик ва меҳрибонликни, муҳаббат ва биродарликни, одамларга, табиатга шафқатли ва адолатли бўлишни, бағрикенглик ва муросани тарғиб қилишини бутун дунё оммаси тушуниб етди. Шу жумладан ислом динини ниқоб қилиб қабих ишларни амалга ошираётган мутаассиблар ер юзидаги бир ярим миллиардга яқин мусулмоннинг дунёқарашини белгилай олмайди. Исломнинг чинакам маънавий-ахлоқий асосларини англаб етган киши шафқатсизлик, ваҳшийлик, куч ишлатиш тарафдори бўлиши мумкин эмас.

Агар ушбу ҳодисани тадқиқот мавзуси контекстида қарасак, ислом таълимоти, мазмунан ва моҳиятан *экологик экстремизм ва терроризмга* қарши эканлигини кўрамыз. Зеро, ислом дини ҳар қандай жаҳолатга (жаҳолат

ва мутаассибликнинг энг мудҳиш кўриниши, уларнинг экологик хавфсизликка таҳдидида намоён бўлади), одамлар қалбидаги тартибсизлик, душманлик, бузғунчилик, ёвузлик ва шафқатсизликни бартараф қилиш, экологик хавфсизликни сақлаш учун зудлик билан қўйилиши керак бўлган биринчи кадам, бу – жамиятда маърифатни, маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйишда, исломнинг бой маънавий қадриятлари меросидан фойдаланишдир.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва эволюцион ривожланиши, ақлли одам – (*homo sapiens*)нинг пайдо бўлиши натижасида биосфера экологик мувозанатига антропоген омил таъсир кўлами ва йўналишлари устуворлашуви қонуният мақомига эга бўлиб борган¹. Айниқса, унинг жамият бўлиб яшаш тарзи тараққиётининг илк даврларидан бошлаб, ҳозиргача табиат бойликларидан шахсий ва хўжалик мақсадларида унумли фойдаланиш учун фан-техника, технологияни ривожлантириши биосфера экологик мувозанати барқарорлигига путур етказди.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозир дунёда ҳар хил ёқилғилар ишлатилиши туфайли 10,1 млрд. тонна кислород сарфланади. Бунинг натижасида, ҳар йили атмосферага 20 млрд. тонна атрофида карбонат ангидрид газы ташланмоқда. Газларнинг атмосферадаги миқдори секин-аста кўпайиб бориш кўрсаткичи, охириги 100 йил ичида 10 фоиздан ошиб, глобал [43; 27-б.] иқлим ўзгаришига сабаб бўлмоқда².

Атмосферада газлар миқдорининг 100 йилда 10 фоизга ошганлиги арзимасдек кўринади. Аслида, бу ривожланувчи ҳолатнинг олди олинмаса, яқин келажакда, планета иқлими ўзгариб, унинг салбий экологик оқибатлари инсоният тарихий тақдирини, цивилизация натижаларини катта хавф остига қўяди.

¹ Буюк ёзувчи Эрнест Хемингуейнинг истеҳзо билан: “Одам пайдо бўлиши билан планета путурдан кета бошлади”, деган гапида ҳақиқат борга ўхшайди.

² Швед олими Сванте Арейнус XIX аср охирида планетада глобал иқлим ўзгариши ҳақидаги мулоҳазасини баён қилганда, унга тарафдорлардан кўра шубҳа, ҳатто истеҳзо билан қаровчилар кўпчиликни ташкил қилган эди.

Ер юзида ҳар йили 4 млрд. тоннадан кўпроқ нефт ва газ, 2 млрд. тоннадан ортиқ кўмир ёқилиб, 20 млрд. тонна ҳар хил маъданлар казиб олиниши натижасида турли чанг-тўзон, захарли газлар, тутун-курумлар планета атмосфера ҳавосини, тупроғини, сувини ифлослантормоқда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаётига зарар етказмоқда [51; 127-б.].

Қишлоқ хўжалигини экстенсив равишда, экологик талабларни эътиборга олмасдан, ривожлантириш тупроқ эрозиясига, унумдор ерларнинг саҳроларга айлантеришда катта роль ўйнамоқда. Соҳа мутахассисларининг илмий хулосаларига кўра, қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган тупроқнинг 70 фоизи, ўрмонларнинг 50 фоизи, чучук дарё сувларининг 20 фоизи, биологик ресурсларнинг 70 фоизи кишилар томонидан ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда.

Инсоннинг табиатга антропоген таъсири маълум меъёрга бўлмаса, экологик мувозанат бузилиб, таҳдидга айланади. Юқорида келтирилган статистик маълумотлар жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида табиат экотизими емирилиши эскалацияси глобаллашиб [91; 187-188-б.] боришини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, унинг табиий атроф муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсири, ҳақли равишда, дунё ҳамжамиятини ташвишга солиши бежиз эмас. Бундай вазиятдан чиқиш учун жаҳон миқёсида табиий атроф муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган халқаро қонунлар ва бошқа расмий ҳужжатлар, қарорлар ижросини таъминлаш соҳасида қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Булардан ташқари, дунё олимлари томонидан глобаллашув, интеграциялашув, ахборотлашув жараёнларининг келажакда биосфера экологик мувозанатини горизонтал ва вертикал йўналишларда бузилишига олиб келадиган қуйидаги сабаблар эътироф этилмоқда, улар:

Биринчидан, ҳозирги “демографик портлаш” натижасида бугун ерда аҳоли сони 7 млрддан зиёдроқ кишини ташкил этаётган бўлса, нуфузли олимларнинг башоратларга кўра, 2025 йилда у 8,2 млрд. кишига етади.

Шундан 85 фоизга яқини ривожланаётган мамлакатларда яшайди [88; 1–7-б.]. Демографик жараённинг бундай ривожланиши тенденцияси озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва энергия, ҳамда сувдан фойдаланиш микдорининг ортиб боришига олиб келади [103]. Ҳаётий эҳтиёжлар бўйича турар жойларни кенгайтириш, айниқса ўрмонларининг кесилиб қурилиш материаллари ва ёқилғи сифатида ишлатилиши чўлланиш майдонларини кенгайтиради, тупроқ эрозияси ва сув тошқинларини келтириб чиқаради [96; 30-б.].

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОЭСР)га аъзо мамлакатларнинг социал сиёсати таҳлили бўйича 2030 йилда Швеция аҳолисининг – 27 фоиз, Германиянинг – 26 фоизи, АҚШ ва Япониянинг – 20 фоизини 65 ва ундан юқори ёшдагилар ташкил этади. Демак, бу давлатлар демографик структурасидаги бу кўрсаткичлар индустриал ривожланган мамлакатларда аҳолининг фаол ишлайдиган (15–65 ёшлардаги) қисми билан катта ёшлилар ўртасида кескин ўзгаришга олиб келганлигини кўрсатади. Чет эллик олимларнинг демографик тадқиқотларида собиқ совет тузуми даврида республикаларда аҳоли ўсиш суръати ҳақидаги маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида Россияда аҳоли ўсиши йилига 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида бу кўрсаткич икки фоиздан уч фоизгача етган.

Ўзбекистон олимларининг демографик тадқиқотлари мамлакат аҳолиси ўсиш суръати 1980 йилда – 2,4; 1990 йилда – 2,1; 2000 йилда – 1,84 фоизни ташкил этганлигини кўрсатди [22; 19-б.]. Бу кўрсаткичлар: 2006-2010 йилларда – 2,2, ҳозирги кунда эса – 2,3 фоизни ташкил этмоқда. Умуман, Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш динамикаси: 1980 йилда – 15 млн 457 минг, 1991 йилда – 21 млн 106 минг, 2001 йилда – 24 млн 803 минг, 2007 йилда – 26 млн. 664 минг [25; 189–192-б.], 2011 йил 1 январь ҳолатига – 29 млн 123 минг 400 киши, 2017 йил 1 январь ҳисоби бўйича – 32 млн 120 минг 500 кишини ташкил этди [105].

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони ҳақидаги прогнозлар давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилашда асосий мезон ҳисобланади. Хусусан, уй-жой қурилиши, шаҳар ва қишлоқлар инфраструктурасини ривожлантириш, ободонлаштириш, моддий эҳтиёжларни қондириш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун янги ерларни ўзлаштиришда экологик мувозанатни сақлашда ички резервлардан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Оролбўйи ҳудудини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини қабул қилиш ҳақида”ги Қарори [11; 49-б.], мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашда стратегик аҳамиятга эга. Зеро, қарорда белгиланган комплекс чора-тадбирлар режаси, ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаши билан, миллий экологик хавфсизликни таъминлашга ҳизмат қилади.

Иккинчидан, глобаллашув шароитида урбанизация жараёни дунё катта шаҳарлари (мегаполислари)да аҳоли концентрациялашувининг кучайиши экологик хавфсизликни сақлаш муаммосини янада долзарблаштирмоқда. Мехико, Мумбай, Коҳира, Жакарта, Токио, Москва ва бошқа мегаполисларда саноат корхоналари ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар [42; 199–200-б.], автотранспортлардан чиқадиган турли заҳарли газлар атроф муҳитни ифлослантириб, дунё экологик вазиятини кескинлаштириши глобал экологик хавфсизлик муаммосини, кескин тарзда кун тартибига қўймоқда.

1-жадвал

Дунё мамлакатлари бўйича маиший чиқиндиларни утилизация қилиш кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)

| Мамлакатлар | Куйдириш | Чиқиндихонага чиқариш | Компострлаш | Ҳоказо |
|-------------|----------|-----------------------|-------------|--------|
| Швейцария | 80 | 18 | 2 | - |
| Япония | 72 | 24.5 | 1.5 | 2 |

| | | | | |
|---------------|------|----|-----|-----|
| Швеция | 56 | 34 | 9.9 | 0.1 |
| Бельгия | 47 | 44 | 9 | - |
| Нидерландлар | 40 | 44 | 15 | 1 |
| Франция | 36 | 47 | 8 | 9 |
| Дания | 32 | 64 | 4 | - |
| ГФР | 28 | 69 | 2 | 1 |
| Италия | 18.5 | 35 | 5.5 | 41 |
| АҚШ | 8 | 82 | - | 10 |
| Канада | 6 | 93 | - | 1 |
| Испания | 5 | 76 | 19 | - |
| Буюк Британия | 2 | 2 | 98 | - |
| Россия ва МДХ | 5 | 95 | - | - |

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё океанига 30 млрд. тонна нефт маҳсулотлари, 50 минг тонна пестицидлар ва 5 минг тонна симоб ташланади. Экологик хавфсизликка бундай таҳдидлар инсон ҳаёти, саломатлиги, миллат генафондига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан ҳисобланади. Улар нафақат экологик ҳалокат ҳудудида яшовчи аҳоли учун, балки бутун дунё аҳолисининг доимий таҳдид остида қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда ҳам хўжалик ва маиший чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш – миллий (қолаверса, минтақавий ва глобал) экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналиши бўлиб, уни бартараф қилиш, давлатимиз сиёсати даражасида ҳал қилинмоқда. Хусусан, республикамизнинг 15 фоиздан ортиқроқ аҳолиси яшайдиган Тошкент шаҳри ва вилоятида чиқиндилар муаммоси ечими диққат-эътибор марказига қўйилган. Айниқса, “пойтахтимизнинг **экологик ва санитария муҳитини** яхшилаш учун чиқиндиларни йиғиш ва уларни зарарсизлантириш билан боғлиқ масалалар алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада шаҳар миқёсида яқин беш йил ичида жами 117,3 миллиард сўм давлат ва маҳаллий бюджет ҳамда хорижий молиявий институтлар ҳисобидан маблағ ажратган ҳолда, 92 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Энг аввало, 2018 йилда Осиё тараққиёт банкининг 17,6 миллион доллар ҳамда “Махсустранс” корхонаси маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти, Оҳангорон худудида замонавий талабларга жавоб берадиган 30 гектар янги санитария полигони қурилиши режалаштирилган” [5; 461-б.].

Урбанизация жараёни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик-этнографик структурасини, аҳоли маданиятини, маиший турмуш тарзини, психологиясини ўзгартирмоқда. Жамият тарихий, иқтисодий ва маданий бойликларининг йирик шаҳарларда тўпланиши – аккумуляцияси, нафақат моддий ва маънавий ҳаёт тарзи юксалишига, балки ижтимоий, маънавий, экологик хавфсизликка таҳдидларни ҳам кучайтирмоқда. Зеро, “оммавий маданият” ва турли ғайриинсоний (бир жинсли никоҳ, маргиналлашув ва маънавий қадриятлардан бегоналашув) иллатлари тарқалиши, айнан юқори даражадаги *псевдоурбанизацияга*¹ хосдир.

Ўзбекистон аҳолисининг шаҳардаги салмоғи 1940 йилда – 24,5, 1970 йилда – 36,6, 1990 йилда – 40,7, 2013 йилда – 36,0 фоиз [25] бўлган ҳолда, ўтказилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва кўрилган амалий чоратadbирлар натижасида урбанизация жараёнини барқарорлаштириш, хусусан қишлоқларни урбанизациялаштириш, яъни шаҳар комфортини қишлоқларга трансформация қилиш имконияти вужудга келди. Бу, ўз навбатида, қишлоқлар маданий қиёфасини ўзгартиришга, табиий атроф муҳитни яхшилашга асос бўлмоқда.

Учинчидан, XX аср ўрталари ва XXI аср бошларида фан, техника ва технологиялар ривожланишининг биосфера экологик вазиятига таъсирида икки хусусият намоён бўлмоқда. **Бир томондан,** индустриал ривожланган

¹ Урбаноологияга оид адабиётларда урбанизация феноменининг салбий оқибатларга нисбат берилиб: “дезурбанизация”, “реурбанизация” тушунчалари ҳам қўлланилади.

мамлакатларда табиатда соф ҳолда учрамайдиган янги кимёвий моддаларни, бирикмаларни синтез қилиш ва уларни ҳаётда қўллаш натижасида биосфера эволюцияси вужудга келтирган экологик мувозанатнинг “адаптация потенциаллини” издан чиқарди. *Иккинчи томондан*, айнан илм-фан, техника, технологияларнинг ривожланиши, экологик вазиятни соғломлаштиришнинг интеллектуал асослари, “фан сиғими” ролини оширмоқда.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари камайиши ёки умуман йўқолиб кетаётиши олдини олиш, экологик ҳавфсизликка таҳдидларни бартараф қилишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Кейинги бир аср давомида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси учун хавф солаётган экологик муаммолардан бири Орол денгизининг қуриши оқибатлари, Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон халқи экологик ҳаёт тарзига катта хавф туғдирмоқда.

Оролнинг қуриб қолган 5,5 млн гектардан иборат майдони кум-туз саҳросига айланиши натижасида ҳар йили атмосферага 700-800 млн тоннадан зиёд чанг ва зарарли туз кўтарилиб 400 км. узоқликдаги майдонларга тарқалмоқда. Шунингдек, минтақада ҳайвонот ва набобот генофондининг деярли ярмидан кўпи, яъни балиқларнинг 11 та, сутэмизувчиларнинг 12 та, қушларнинг 26та ва ўсимликларнинг 11 та тури йўқ бўлиб кетган [44].

Шунингдек, Ўрта Осиё минтақасида Тожикистонинг Турсунзода шаҳрида 80-йилларда ишга туширилган алюминий заводидан чиққан захарли газлар республикамизнинг 30 минг гектар майдонини ифлослантириб, нафақат ҳосилдорликка, балки ўсимлик навлари қуришига, ҳайвонот генофондига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳудуддаги аҳоли орасида флюороз, юқумли касалликлар, эндокрин, юрак-қон касалликлари, туғма нуқсон билан туғилиш, республика ўртача кўрсаткичидан 1,5–2 баробар кўпайиб бормоқда [34].

Тўртинчидан, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, глобал иқлим ўзгариши масаласи жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлди. Чунки ҳар йили глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари ер юзида 350 000 кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда, 2020 йилга келиб қурбонлар сони 5

миллион кишини ташкил этиши мумкин [42; 200–202-б.]. Унинг оқибатида шимолда муз қатламлари эриб, дунё океанлари сатҳи кўтарилиши, аҳоли яшайдиган жойларни сув босиши – 1 млрд кишини **“экологик кўчманчиларга”** айлантириши мумкин.

Атмосферанинг ифлосланиши ҳавода углерод икки оксиди (CO₂) ва метан газининг кўпайиб “иссиқхона эффектини” вужудга келтириши, глобал иқлим ўзгаришига олиб келувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Унинг глобал иқлим ўзгаришга олиб келишини 1980 йил охири, 1990 йиллар бошида БМТ қошидаги Иқлим ўзгариши бўйича Халқаро ҳуқуқ гуруҳи экспертизаси (МГЭИК) маърузасида расман эълон қилинди. БМТ нинг 1992 йили Рио-де-Жанейрода барқарор ривожланишнинг Глобал саммитида (РКИК) Ер атмосферасида иқлим ўзгаришига олиб келувчи газ миқдори барқарор даражада бўлишини таъминлаш вазифалари шакллантирилди.

Сайёрамизда иқлим ўзгаришининг экологик хавфсизликка таъсири масаласида турли футурологик қарашлар мавжуд. Масалан, олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, ҳарорат кейинги 200 йилда: ўрта минтақаларда 2-3; шимолий ва жанубий қитъаларда 10 даражага кўтарилган. 1988 йил Австралияда бўлиб ўтган халқаро иқлимшунослар конференциясининг хулосалари, 2030–2050 йилларда Ер планетаси иқлими +1,5–4,5 даражага ўзгаришини башорат қилган бўлса, БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича экспертлари 2100 йилга келиб, Антарктида ва Гренландия музликларининг фаол эриши туфайли, жаҳон океани сатҳи 18-59 сантиметрга кўтарилиши баъзи орол давлатлари ва соҳилбўйи шаҳарларининг сув остида қолишига олиб келиши мумкинлигини асослашмоқда.

Марказий Осиё минтақасида иқлим исиши оқибатида Орол денгизи ҳавзаси дарёларини сув билан таъминлайдиган қор-музлик ресурслари таназзулга учраб, сўнгги ярим асрда Ўрта Осиё тоғли музликлар майдони учдан бир қисми қисқарди. Хусусан, Сирдарёнинг асосий сув манбаси бўлган Қирғистон тоғларида 7.821 музлик бўлиб, олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кейинги 60 йил давомида уларнинг майдони 14% қисқарган. Яъни дунё

иқлими ўтган асрда $+0,6^{\circ}$ кўтарилган бўлса, бу кўрсаткич Қирғизистонда $+1,6^{\circ}$ ни ташкил этди ва башоратларга кўра, 2025 йил $+3^{\circ}$ га кўтарилиши, муқаррар равишда, музликлар эришини янада кучайтиради [58; 131-б.].

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон 2013 йил 21-22 августда Душанбеда Халқаро конференция очилишида сўзлаган нутқида глобал иқлим ўзгариши: «Марказий Осиё минтақасидаги муҳим сув манбаларидан бири – Тожикистон музликларининг 30 фоизини йўқотди, яъни 14 минг музликдан 1 мингтаси бутунлай йўқолди. Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларининг 60 фоизи Тожикистон республикаси ҳудудида ташкил топишини эътиборга олсак, вазият жиддий хавотир уйғотади» [104], – деган эди.

Дарҳақиқат, дунё олимлари табиий атроф муҳит ва иқлим ўзгариши, инсон саломатлиги ва жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўртасида корреляцион боғлиқлик ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Улардан **бирида** – иқлим ўзгариши “миллий хавфсизлик” билан боғланиб, у миллий давлатлар суверинитети ёки ҳудудий яхлитлигига путур етказди [75; 468–504-б.], дейилса, **бошқасида** – глобал иқлим ўзгариши халқаро барқарорликни издан чиқаради [89], деган хулосага келган, **учинчилари эса** – иқлим ўзгариши инсон саломатлиги учун катта хавф туғдиради [83], деган фикрни илгари суради.

Иқлим ўзгаришининг натижалари ҳақидаги бу фикрларнинг умумий томони, экологик хавфсизликка таъсири расмий халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилган. Масалан, табиий атроф муҳит ҳолатининг шарҳи (Ўзбекистон. Иккинчи шарҳ) тўпламида Халқаро иқлимни ўрганиш кўмитасининг (ХИЎК) маълумотларига кўра, Марказий Осиёда йилнинг ўртача ҳарорати Ўзбекистонда 2080 йилгача $+2,9-4,3$ градусга кўтарилиб жиддий экологик муаммолар, хусусан биохилма-хилликнинг йўқолишига, экотизимлар мувозанати ўзгаришига ва чўллашиш хатари ошиб боришига сабаб бўлади.

ХИЎК башоратига кўра, Марказий Осиёда йиллик ёғингарчиликнинг 3% камайиши ва юқори ҳарорат бўғланишни кучайтиради. Глобал ўзгариш

бўйича Германия маслаҳат Кенгаши (WBTU) 2050 йил Тиён-Шон тизма тоғларининг Қирғизистон қисмида музликларнинг 20%и йўқ бўлиб кетишини башорат қилмоқда. Ёзда дарё сувларининг 75 фоизи эриётган музликлардан иборатлиги инобатга олинса, шу юз йиллик ўрталарида тоғ этагидаги қишлоқ хўжалигида суғориш учун сув танқислиги вужудга келади. Шунингдек, ёз пайтида сув оқими камайиши Қирғизистон ва Тожикистон гидроэлектрэнергия ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатади [16; 163-б.].

Планетанинг глобал иқлим ўзгаришини тўхтатиш учун атмосферага углерод икки оксиди (CO₂) чиқаришни 2050 йилда 1990 йилга нисбатан 70 фоиз қисқартириш керак. Бу тарихий ҳужжатга 186 давлат имзо чекди ва у 1994 йилдан бошлаб кучга кирди. Бутун жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон ҳам мазкур ҳужжатдаги иқлим ўзгариши билан боғлиқ экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш чоратadbирларини амалга оширмоқда. Зеро, XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида вужудга келган экологик хавфсизликка таҳдидлар глобаллашуви, умуман барча оламшумул муаммолар билан бевосита ёки билвосита алоқадорлигини кўрсатмоқда.

Уларни тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга асос бўлди, яъни: 1) экологик хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар комплекси вужудга келиши дунё *демографик манзарасидаги* ўзгаришлар тенденцияси, урбанизация жараёни, муқаррар равишда, экологик хавфсизликка таҳдидлар (табiiй атроф муҳит, ҳатто космоснинг ифлосланишини¹, биосфера мувозанатига антропоген таъсири) кўламини кенгайтиришга; 2) халқ хўжалигида табiiй ресурслардан экстенсив, нооқилона тартибсиз фойдаланиш натижасида чиқиндилар кўпайиши, айниқса, индустриал ривожланган, дунёда гегемонликка давогар мамлакатларда (кимёвий, бактериологик ва ядровий

¹ Россиянинг экологик сиёсат маркази томонидан чоп этилган “Космик фаолиятининг экологик хавфи” деган китобида кўрсатилишича, АҚШнинг “Шатл” туркумидаги космик кемаси 10 тоннагача токсин ёқилғи ишлатади. Бу кема ерга етишига 20 км қолганда фойдаланилмаган 2-5 тонна ёқилғини атмосферага ташлаб юборади. Соҳа олимларининг фикрича, америкаликларнинг 1981 йилдан бошлаб, ҳозиргача 500 тоннагача захарли ёқилғини шу йўл билан атмосферага чиқариб ташлаганлар.

куролларни тайёрлаш билан боғлиқ) экологик хавфсизликка агрессив таҳдидлар кучайишига; 3) кейинги вақтларда атмосферага турли газлар ва моддалар чиқарилиши натижасида глобал иқлим ўзгариш тенденцияси (“иссиқхона эффекти” нинг дунё экологик манзарасига, биосфера мувозанатига салбий таъсири), инсон ва ҳайвонлар генофонди ўзгаришига; 4) экологик хавфсизликка таҳдидлар глобал муаммо бўлиб, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишни жаҳон ҳамжамияти иштирокида амалга ошириш инсоният цивилизацияси келажагини таъминлаш асосидир.

Биринчи бобнинг назарий-амалий хулосалари:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш сиёсати мустақилликни сақлаб қолишни миллий мақсади, эҳтиёжи ва заруриятдан келиб чиқса ҳам, глобал барқарор тараққиёт ва экологик хавфсизлик шартидир;

иккинчидан, ҳар қандай давлатда фуқаролар ҳаёти учун табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш сиёсати, умуминсоният манфаатларига мос келади ва уларни хусусий ҳолда намоён қилади;

учинчидан, инсоният тарихининг барча ривожланиш босқичларида экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда одамларнинг табиатга антропоген таъсирида ўзгараётган муҳитга мослашишининг адаптацион потенциални ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга;

тўртинчидан, инсон фаолиятида дастлабки ижтимоийлашув босқичи – экологик хавфсизликнинг диний-примитив тасаввурлари, стихияли-содда амалий кўринишлари, замонавий экологик рационал онг ва иррационал-прагматик амалиёт генезисини, ретроспектив асосини ташкил қилган;

бешинчидан, “табиат-жамият-инсон” муносабатларининг ҳозирги босқичида экологик хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар комплекси вужудга келиши ва уларнинг глобаллашуви экологик назарий онг ва амалий фаолият соҳалари ривожланишини тақозо қилмоқда;

олтинчидан, дунё геоэкологик манзарасидаги ўзгаришларда: урбанизация, табиий ресурслардан экстенсив фойдаланиш, чиқиндиларнинг кўпайиши, глобал иқлим ўзгариши каби экологик хавфсизликка таҳдидлар кучайиши инсон ва ҳайвонлар генофондига салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар эскалацияси глобал муаммо бўлиб, унинг олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишда жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштироки, инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолиш ва барқарор тараққиётини таъминлаш асосидир.

II БОБ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1.-§. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари

Глобал экологик хавфсизликни таъминлаш – халқаро ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа соҳаларда: миллий, минтақавий ва умуминсоний муносабатларни интеграциялаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, бу муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш институтлари фаолиятини экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан структуравий тузилишини, функцияларини такомиллаштириш, унинг самарадорлиги шартидир. Шунинг учун Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш институтчионал тизимида, экологик хавфсизликка мутасадди институтларни ривожлантириш давлат экосиёсатида алоҳида аҳамиятга эга.

Экологиянинг асосий тадқиқот объектларидан бири – экотизим мавжудлигини, унинг мувозанати хавфсизлигини муҳофаза қилишдан иборат. «Экотизим» тушунчасининг мазмунини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънодаги «экотизим» бутун ер шарида яшаётган жонзот ва ўсимликлар дунёси мавжудлиги ва экологик мувозанати барқарорлигини, тор маънода эса, тирик организмларнинг муайян табиий маконда яшаш учун зарур экологик муҳит билан боғлиқлигини ифодалайди. Бу экологик маконда тирик организмлар яшаши учун зарур табиий муҳитлар мажмуасида – моддий-энергетик ва ахборотлар айрибошланишнинг ўзаро таъсири уйғунлашган бўлади.

«Экотизим» атамаси илк бор 1935 йилда инглиз ботаниги А.Тёнсли (1871–1955) томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, планетар экотизим тушунчасининг мазмуни, муайян катталиқдаги ёки ўлчамдаги худуд билан чегараланмаган. Лекин ушбу тушунчани биосфера тирик организмларининг оддий ёки мураккаб табиий яшаш муҳитига нисбатан

қўллаб, қуруқлик ва сувли (акватория) экотизимларига ажратиш мумкин. Бу тарзда туркумлаштириш экологик хавфсизликка таҳдидларни конкретлаштиришга ва уларни бартараф қилиш учун оптимал усул-воситаларни танлашга хизмат қилади.

Атроф муҳит ифлосланиши ва экологик хавфсизликка таҳдидлар тизимида антропоген омилининг устуворлашуви қонуният мақомига эга бўлиб бормоқда. Яъни атроф муҳитнинг табиий ифлосланишида биотик ва абиотик омиллар: вулқонлар, сел, zilzila, кўчки, сув тошқини, кучли шамоллар, ёнғинлар, ҳайвон турларининг кўпайиши каби табиий жараёнлар натижасида содир бўлаётган атроф муҳит ифлосланиши ва экологик инқирозлар, маълум маънода, инсон омилнинг бевосита ёки билвосита таъсирида содир бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг экстенсив хўжалик фаолиятида табиатнинг ифлосланишлари – антропоген омили натижаси ҳисобланади.

Антропоген экологик хавфсизликка таҳдидларни табиат компонентлари бўйича: сув, ҳаво, тупроқнинг ифлосланиши, табиий ландшафтлар ўзгариши каби гуруҳларга; давомийлигига кўра: вақтинчалик ва доимий; тарқалиш кўлами нуқтаи назардан: сайёравий (глобал), ҳудудий (регионал) ва маҳаллий (локал) гуруҳларга ажратиш мумкин. Шунингдек, ифлосланиш тури ва манбалари жиҳатидан: физик, кимёвий, биологик, механик ва бошқа турларга бўлинади. Улар ҳам, ўз навбатида, қатор тармоқларга ажратилади. Масалан, физик ифлосланишнинг экологик хавфсизликка таҳдиди: иссиқлик, ёруғлик, шовқин, радиоактив, электромагнит майдони ва бошқа таъсир йўналишларида намоён бўлади.

Экологик хавфсизликка таҳдид манбаларини бартараф қилиш, уларга маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал геоэкологик вазиятларни вужудга келтирган объектив шарт-шароитларга, субъектив омилларнинг [85; 271-б.] маҳаллий-ментал хусусиятларига дифференциал ёндашувга боғлиқ. Хусусан, асрлар давомида шаклланган экотизим мувозанатига, табиат ландшафтларига техноген таъсир, ер юзининг турли ҳудудларида ўзига хос геоэкологик

муаммолар комплексини шакллантирган. Уларнинг экологик хавфсизликка таъсир кўлами ва моҳиятини маҳаллий, миллий, ҳудудий геоэкологик муаммолар деб аташ ғоят нисбий ва шартлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уларнинг олдини олишга, оқибатларини бартараф этишга, давлатларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, бепарволиги экологик вазиятнинг локал ёки минтақавий мураккаблашувига ва глобаллашувига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам маҳаллий-локал геоэкологик муаммолар олдини олиш, минтақавий ва глобал экологик хавфсизликни таъминлаш шarti бўлиб, конкрет экологик маконда жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига асос бўлади.

Фарғона водийсида, Қизилқум пастликларида, Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон воҳаларида саноат, инфраструктура ва транспорт тармоқлари, шаҳарлар таркиб топишига олиб келди. Уларнинг интенсив ривожланиши саноат ишлаб чиқариши тараққиётига табиий атроф муҳит, хусусан атмосфера ҳавоси, ер усти ва ости сув ресурслари ифлосланиши, табиий ландшафтларга таъсир этмоқда.

Энг муҳими, уларнинг асосан тоғ водийларида жойлашганлиги туфайли ҳавонинг ўз-ўзини тозалаш хусусияти чегараланганлигидан, мазкур ҳудудларда экологик хавфсизлик муаммосини кескинлаштирмоқда. Яъни тоғ шамолларининг ифлосланган ҳавони водийларга суриб кетиши натижасида, бу ҳудудларда жойлашган воҳалар ва шаҳарларда ифлосланган ҳавонинг туриб қолиши сезилади. Айниқса, Тошкент-Чирчиқ-Янгийўл, Ангрэн-Оҳангарон-Олмалик-Пискент-Бўка шаҳарларини ўз ичига олган агломерацияда ҳаво ифлосланишининг кучайиши кузатиламоқда.

Булардан ташқари, Ўзбекистон чегарасида Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида, ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган улкан алюминий корхонасининг ҳавога кўтарилган чиқиндиларини Сурхондарё вилоятининг: Узун, Сариосиё, Денов туманлари аҳоли яшаш пунктларида табиий атроф-муҳитнинг 80-йиллардан бошлаб кучли даражада ифлосланишида ҳам тоғ-водий шамоллари жуда катта роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизлик концепциясини амалга оширишда давлат сиёсати:

– миллий экологик хавфсизлик сиёсати стратегияси ва тактикасини белгилаш ва амалга оширишда халқаро ҳуқуқ меъёрларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қилиш;

– экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро иқтисодий, сиёсий, техник-технологик маданий ҳамкорликнинг потенциал имкониятларини қидириб топиш ва самарали фойдаланиш;

– экологик хавфсизликка тегишли давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятларини уйғунлаштириш вазифаларини қамраб олиши керак.

Давлатларнинг жаҳон экологик хавфсизлик сиёсатидаги роли ва ўрни ҳақида фикр юритганда, 2000 йил 6-8 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 55-махсус сессиясида “Мингйиллик декларацияси”¹ имзоланиб, унда учинчи мингйилликда инсоният тақдирида реал аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг БМТ белгилаб берган устувор вазифалари – давлат экологик сиёсати потенциал имкониятларидан самарали фойдаланишни, амалдаги қонун ҳужжатларни такомиллаштиришни, янги қонун ҳужжатлари яратишни, бошқарувнинг ташкилий тизимларини демократиялаштириш ва модернизациялаштиришни тақозо этади.

Ушбу вазифаларни бажаришда, экологик хавфсизликка таҳдид манбаларини туркумлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни қуйидаги йўналишларга ажратиб, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, яъни:

– миллий, минтақавий ва глобал экологик хавфсизлик субъектларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари бирлигига путур етказадиган омилларни аниқлаш;

¹ Мингйиллик декларацияси 189 мамлакат томонидан қабул қилинди, 147 давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан тасдиқланди.

– халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг ички ва ташқи омиллари уйғунлигини ва уларнинг барқарор ривожланиш имкониятларини яратиш;

– давлат экологик сиёсатининг жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларини интеграциялаштириш имкониятларидан фойдаланиш;

– экологик сиёсатда маҳаллий, миллий, худудий, глобал, даражаларда манфаатларини уйғунлаштириш, унинг умуминсоний гуманистик мазмунини, ҳаракат стратегиясини конкретлаштиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг айрим давлатларида: хаддан ортиқ кашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш; ялпи бошланғич таълимга эришиш; аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқи, эркинлигини ва имкониятларини кенгайтириш; болалар ўлимини камайтириш; оналар саломатлигини яхшилаш; ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қарши курашиш; экологик барқарорликни таъминлаш; тараққиёт мақсадларида глобал шерикликни шакллантириш ва дастлабки босқичда инсониятнинг 2015 йилгача эришиши керак бўлган оламшумул ижтимоий аҳамиятга эга тараққиёт мақсадлари бевосита ёки билвосита экологик хавфсизликни таъминлашда ҳар бир давлатда, унинг объектив асослари ва субъектив омилларини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Бу масалаларга ҳозирги давр экологик реаллиги ва тадқиқот мавзумиз доирасида қарайдиган бўлсак, ривожланаётган мамлакатларда, мактабга бормайдиган болаларнинг умумий сони 140 млн. нафарни ташкил этиши, Яқин Шарқ ва шимолий Африкада мактабга қатнамайдиган болалар улуши 33 фоизга тенглиги, 130 миллион бола бошланғич таълим олиш имкониятидан маҳрумлигини бартараф қилиш учун ҳар йили таълим соҳасига 10 йил давомида 7 млрд. АҚШ доллари миқдорида қўшимча сармоя киритиш талаб қилинади. Жаҳонда катта ёшдаги саводсиз аҳоли сони 1 млрд.га яқинни ташкил этиб, шундан 75 фоизи аёлларни ташкил этиши, гендер муаммоси долзарблигини кўрсатади. Муаммонинг долзарблиги, ҳозирги кунда оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларга сабаб бўлаётган

табiiй офатлардан ташқари, инсон омили билан боғлиқ экологик хавфсизлик муаммоларини кескинлаштириши билан изоҳланади.

Ўзбекистон давлатининг тинчликсевар сиёсати ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойил ва меъёрларига содиқлиги БМТ билан экологик хавфсизлик масаласида ҳамкорликнинг устувор йўналишини белгилаб берди. Хусусан, Ўзбекистоннинг қуролсизланиш ва қурол-яроғни тарқатмаслик соҳасидаги муҳим халқаро битим ва шартномаларда иштирок этиш сиёсатида БМТнинг терроризм билан курашиш бўйича 13 та конвенциясида иштирок этиши, глобал экологик барқарор ҳаётни таъминлаш учун аҳамиятлидир.

Давлат миллий хавфсизлик сиёсатининг устувор стратегик вазибаларини, экологик хавфсизлик концепцияси контекстида қарайдиган бўлсак, уларни қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

– биосфера экологик мувозанатини инсоннинг динамик ўзгараётган табiiй муҳитга биофизиологик мослашиш, кўникиш даражасида ушлаб туриш, яъни «инсон-табиат» муносабати уйғунлиги доимийлигига эришиш;

– табiiй ресурслардан фойдаланишда экологик мезонлар ва келажак авлодлар эҳтиёжларини, манфаатларини эътиборга олиб, корхоналарни жойлаштириш, кам чиқит ва чиқитсиз технологияларни яратиш;

– иқтисодиётда чуқур тузилмавий ўзгаришларни экологик талаблар асосида унинг инфраструктурасини экологик диверсификациялаш имкониятларидан, хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш;

– экологик фаолиятга инвестициялар жалб этишни, интеллектуал салоҳият ва ахборот айрибошлаш коммуникациясини, “технологиясини” кучайтириш билан халқаро миқёсда интеграция кўламини кенгайтириш;

– халқаро экологик сиёсий муносабатларда Ўзбекистон давлатининг иштироқи ва ролини кучайтириш имкониятларини қидириб топиш ҳамда мавқеини мустаҳкамлаш;

– аҳолининг экологик талаб ва эҳтиёжларини доимий ўрганиб бориш асосида, ахборотлар банкини, унинг фаолият мониторингини ташкил қилиш [46; 128-б.] кўзда тутилади.

Ўзбекистонда инсон саломатлигини муҳофаза қилишда амалга оширган ишларида илмий-техника тараққиёти, тиббиёт соҳасида ислохот ютуқлари, одамлар турмуш тарзининг яхшиланиб боришига эришилди. Агар собиқ Иттифок даврида ўртача умр узунлиги Ўзбекистон аҳолисида 67 ёшга тўғри келган бўлса, бугунги кунда 6-9 йилга умр узайди. Яъни эркаклар ўртасида 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга узайди. Геронтолог олимлар фикрига кўра, ҳозирги одамлар оптимал экологик муҳитда яшаб, соғлом турмуш тарзи тартиб-қонунларига риоя қилса, ўртача 120–250 йил яшаши мумкин.

Дарҳақиқат, қадимги одамлар орасида узоқ умр кўрганлар бўлган. Манбаларнинг далолат беришича, **Шис алайҳиссалом** – 912 йил, Нух алайҳиссалом – 950 йил, Иброҳим алайҳиссалом – 175 йил, Мусо алайҳиссалом – 120 йил, Юнус алайҳиссалом – 750 йил умр кўрганликлари баён қилинган. Бу маълумотлар инсоннинг соғ-саломатлиги ва узоқ умр кўриши экологик вазиятга кўп жиҳатдан боғлиқлигини кўрсатади. Аммо, ҳозирги даврга келиб, Ер шарида глобал экологик инқироз эскалацияси ва кескинлашиш тенденцияси кучайиши, умуман инсоният ҳаётини, цивилизация келажагини сақлаб қолиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Глобал экологик хавфсизликни таъминлашда айрим мамлакат, минтақа даражасида турли соҳаларда амалга оширилаётган фрагментар, дискрет хусусий чора-тадбирлар етарли эмас.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида давлат сиёсати даражасида экологик вазиятни ва инсон саломатлигини яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Лекин табиий атроф муҳит ифлосланиши билан боғлиқ **“экологик касалликлар”** ҳамон юқори даражада сақланиб қолмоқда. Масалан, Ўзбекистон гигиенистлари томонидан 1992–1996 йилларда турли шаҳарларда (Тошкент, Олмалик, Чирчиқ, Фарғона, Навоий, Ангрен) ўтказилган кўп сонли тадқиқотлари, атмосфера ҳавоси ифлосланиши ва аҳоли касалланиши даражаси ўртасида корреляцион боғлиқлик борлигини тасдиқлади. Яъни, фақат нафас олиш органлари касалликлари Тошкент

шаҳрида (27,3%), Қашқадарё (26,7%), Навоий (27,4%), Фарғона (29,1%), Наманган (31,7%)ни ташкил этади [54; 59-б.]. Мамлакатимизда кейинги йилларда ушбу кўрсаткичларни камайтириш ва “экологик касалликлар” олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

“Мингйиллик ривожланиш дастури”ни БМТ томонидан қабул қилиниши, халқаро экологик хавфсизлик муаммосига янгича ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Буни декларация асосида “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари”га халқаро ҳуқуқ мақоми берилгани ва кўрсатилган гуманитар вазифаларни БМТга аъзо мамлакатлар томонидан амалга ошириш талаби қатъий қўйилаётгани, унинг дунё, минтақалар ҳамда давлатлар миқёсидаги йиллик таҳлилининг Бош котиб томонидан Бош Ассамблеяга тақдим этилишини, умуман глобал барқарор ривожланиш, хусусан экологик хавфсизликни таъминлаш йўлидаги жиддий кадам дейишга тўлиқ асос бор.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов 2010 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари”га бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Марказий Осиё минтақасига тегишли ижтимоий, сиёсий, экологик муаммолар ечимини топишга доир аниқ таклиф ва тавсияларни илгари суриши, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Яъни жаҳон ҳамжамияти эътиборини халқаро муносабатларга янгича ёндашув зарурлиги ва глобал муаммолар ечимини, айнан минтақалар ва давлатлар даражасида ҳал қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлиги натижасида, 1993 йилдан 2014 йилгача, умумий қиймати 434 миллион АҚШ долларига тенг 442 лойиҳа амалга оширилди [102]. Уларда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликлар олдини олиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, уларни иш билан таъминлаш имкониятларини яратиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, кўпгина минтақаларда турли ижтимоий-сиёсий зиддиятлар сабаб қашшоқлик ва оғир шароитда кун кечираётган миллионлаб одамлар тақдири, экологик вазиятнинг издан чиқиши натижасида баъзи ҳудудлар хавfli касалликлар ўчоғига айланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида 2017 йил 10 сентябрьда “Ислом ҳамкорлик ташкилоти”нинг фан ва технологиялар бўйича ўтказилган Биринчи халқаро саммитидаги нутқида **2016–2025 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастури**”ни ва унинг устувор йўналишларини тўла қўллаб-қувватлаб, саммит катнашчилари диққат-эътиборини: глобал иқлим ўзгаришларига, аксарият минтақаларда тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб боришига, чўлланиш, сув тақчиллиги, қурғоқчилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммога айланганлигига, Оролбўйи экологик фалокати таҳдидлари минтақа учун янада катта хавф туғдиришига қаратиб, **“персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги”** концепциясини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилишни таклиф этди. Чунки бу концепция Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларида қишлоқ хўжалиги экинларининг муайян табиий муҳит, тупроқ, ўғит, сув ва биостимуляторларга нисбатан реакциясини инобатга олиб, уларнинг аниқ генотипларига эътибор қаратишни назарда тутди [124].

Юқоридаги кўрсатилган анжуманларда давлатимиз раҳбарларининг минтақавий ва глобал экологик муаммолар ечимига замонавий ёндашув тамойилларини илгари суришлари: умуминсоний манфаатлар устуворлигига асосланиш; сиёсий муаммоларни ҳал қилишда томонлар манфаатини ҳисобга олиш; зиддиятларни бартараф қилишда ўзаро ишонч-мулоқот ва “халқ дипломатиясидан” фойдаланиш, умумий глобал хавфсизлик муҳитини яратишда, хусусан миллий экологик хавфсизликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланган.

Лекин умуминсоният экологик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш учун БМТ томонидан эътироф этилган глобал

муаммолар тизимига ва уларнинг ечимига миллий экологик эҳтиёжлар ва манфаатлар асосида дифференциал ёндашишни тақозо қилади, яъни:

Биринчидан, Ер шарининг турли минтақаларида аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши, экологик муаммолар кескинлашувига олиб келди. Планета аҳолисининг шиддатли суръатларда ўсишига: **бир томондан**, тиббиёт илми ва тажрибасининг муваффақиятлари натижасида болалар ўлимининг камайиши, инсон умрининг узайиши; **иккинчи томондан**, халқаро ҳамжамият томонидан ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-демографик сиёсатини моддий-техник, гуманитар ёрдам кўрсатишни кучайтириши асосий сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан, табиатнинг тикланадиган ва тикланмайдиган ресурсларидан шиддат билан экстенсив фойдаланиш кўлами кенгайиб кетиши, экологик хавфсизликни таъминлашга бевосита ва билвосита алоқадор муаммоларни кескинлаштирмоқда. Айниқса, табиат бойликлари захираси камайиши мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларни кескинлаштириб, экологик хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда. Бунинг олдини олиш учун янги технологиялар асосида, янги манбаларни қидириб топиш кун тартибига қўйилмоқда. Масалан, россиялик олимларнинг фикрича, биосфера, ер, океан имкониятларидан оқилона фойдаланиш билан 2–4 млрд. кишини йил давомида боқиши мумкин [31; 668-б.].

Учинчидан, глобал экологик хавфсизлик сиёсати самарадорлиги дунё халқлари “экологик сиёсий тафаккурининг” ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро, ҳозирги кунда глобал муаммоларга нисбатан турли муқобил (диалектик, метафизик, синергетик, герменевтик, материалистик, идеалистик, пантеистик, теологик) таълимотларнинг оптимистик, пессимистик, скептик, алармистик, фаталистик ва бошқа фалсафий қарашларнинг рационал, илмий асосланган интеграцияси, маълум маънода, **нисбатан универсал экологик хавфсизлик назариясини** яратиши мумкин. Зеро, ҳар қандай (хатто, бир-бирига қарама-қарши) таълимотларда ҳам

рационал асос мавжудлигини эътироф этиш илмий қарашларда толерантлик, ўзаро мурося тамойилини намоён қилади.

Марказий Осиё давлатлари экологик хавфсизлигини таъминлашда халқаро ҳамкорлик: *бир томондан*, ҳар бир давлатнинг экологик вазиятини ва унинг минтақа ҳамда глобал даражада соғломлаштириш салоҳиятини холис баҳолашни, *иккинчи томондан*, табиий атропоф муҳитни муҳофаза қилиш миллий дастурини халқаро миқёсда мувофиқлалаштиришни талаб қилади. Чунки, айрим давлатларнинг миллий хавфсизлик дастурида белгиланган стратегик вазифалар, истисносиз, жаҳон мамлакатлари ўртасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, экологик ва бошқа муносабатлар интеграциясини мустаҳкамлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

БМТ собиқ Бош котиблари Кофи Аннанинг 2002 йил, Пан Ги Муннинг 2010 йил, ҳозирги котиби Антониу Гутерришларнинг 2017 йил Ўзбекистонга расмий ташрифлари давомида экологик вазияти билан яқиндан танишишлари, мамлакатимиз ва минтақа экологик вазиятига халқаро миқёсда эътибор юқорилигини кўрсатди. Чунки Марказий Осиё минтақасининг экологик барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон хавфсизлиги тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” доирасида ҳамкорликда амалга оширилган ишлар Марказий Осиё минтақасида экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари ечимида алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, минтақа экологик низоларини мурося, “халқ дипломатияси” асосида ҳал қилиш, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, табиат муҳофазаси инфратузилмасини такомиллаштириш ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, минтақа экологик хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этишда муқобили бўлмаган имкониятлардир.

Мамлакатнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш зарурияти бозор иқтисодиёти тизимининг муҳим структуравий элементи бўлган кичик ва ўрта бўғин тадбиркорларига, мулкдорлар синфига катта масъулият юкламоқда. Уларнинг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга

замонавий технологияларни жорий қилиши экологик хавфсизликнинг асосий омилига айланмоқда. Лекин бугунги кунда жамият аъзолари экологик хавфсизликка нисбатан лоқайд, пассив муносабатда бўлиб, фақат айрим нодавлат ташкилотлар ва кичик гуруҳлар ташаббус кўрсатмоқда [116; 117–118-б.].

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг объектив шарт-шароитлари, субъектив омилларини уйғунлаштириш механизмларини ривожлантириш, потенциал имкониятларини қидириб топиш – давлат томонидан қабул қилинган махсус қонунлар, қарорларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 255-сонли “2015–2018-йилларда Орол бўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни юмшатиш, Орол ҳалокатининг оқибатини енгиллаштириш комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Республикамизда сўнги йилларда ҳудудда экологик вазиятни яхшилаш бўйича қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Аёллар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилиш” дастурини амалга ошириш борасида Хоразм вилоятида кўп тармоқли болалар тиббий марказлари замонавий тиббий ускуналар, ташхис аппаратлари билан таъминланди. Сил касаллигини олдини олиш, унга қарши курашиш дастурини амалга ошириш бўйича даволаш йўлга қўйилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори [11; 49-б.] ҳудудда экологик вазиятни юмшатишга, унинг фалокатли оқибатларини олдини олишга, умуман аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга, экологик барқарор ривожланишни таъминлашга йўналтирилган давлат дастурининг тарихий аҳамияти, Оролбўйи ижтимоий, иқтисодий, экологик вазиятни, халқлари яшаш шароитини яхшилашнинг комплекс тадбирлари, айниқса экологик фожиани юмшатиш бўйича

инновацион лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали бажарилишига эришиш назарда тутилиши билан характерланади.

Орол бўйида амалга ошириладиган тадбирлар мамлакатимизнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлаши ва уни амалга оширишда фаол иштироки: *бир томондан*, Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ривожига хизмат қилса, иккинчи томондан, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги муҳим қадамдир [112]. Зеро, “Ҳозирги даврда экологик сиёсатнинг байналминаллашув жараёни давлатларнинг: географик жойлашуви, иқтисодий ривожланиш даражаси, этник таркибидан қатъий назар, дунёнинг тобора кўпроқ мамлакатларини қамраб олмоқда. Бироқ объектив ва субъектив сабабларга кўра, айрим давлатлар экологик ривожланишнинг турли даражалари (яъни техник-технологик ва интеллектуал салоҳияти қолоқлиги), уларнинг халқаро экологик ҳамкорлиги ривожланишига тўсқинлик қилмоқда” [41; 201-б.].

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг объектив ва субъектив асослари, яъни табиий шарт-шароитлар билан инсоннинг табиий атроф-муҳит муҳофазасига, табиий ресурслардан қандай фойдаланаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқлигини таҳлил қилишдан қуйидаги назарий хулосаларни чиқариш, методологик тавсиялар, амалий таклифлар бериш мумкин, яъни:

биринчидан, ҳар қандай соҳада экологик хавфсизликни таъминлашда, унинг объектига субъект эҳтиёжлари ва манфаатларига кўра ёндашилганда, ушбу феноменнинг тарихий зарурияти, амалий йўналишлари, фалсафий мазмун-моҳияти ва функционал аҳамияти конкретлашади;

иккинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар структурасида объектив асослар ва субъектив омилларнинг нисбатан мустақил ривожланиш қонунларини, потенциал таъсир имкониятларини ўрганиш, уларнинг оқибатларини илмий прогнозлаштиришга асос бўлади;

учинчидан, халқ хўжалигида моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш эҳтиёжларининг узлуксиз ўсиб бориш қонуниятлари экологик хавфсизлик назарий концепцияларини танқидий қайта кўриб чиқишни ва амалий фаолият тажрибларини умумлаштиришни тақозо қилади;

тўртинчидан, барқарор экологик хавфсизликни сақлашга мутасадди институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро функционал интеграциялашувига ва глобаллашувига олиб келади ҳамда умуминсоният манфаатларига адекватдир;

бешинчидан, маҳаллий, миллий, минтақавий даражаларда экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди институтларни ташкиллаштириш, бошқариш самарадорлиги, пировард натижада, глобал хавфсизлик муаммоси ечимига хизмат қилади.

2.2.-§. Экологик хавфсизликка мутасадди институтларни структуравий-функционал интеграциялаштириш вазифалари¹

Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти куришга, хусусий мулк устуворлигига, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ривожлантиришга, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, иқтисодий ривожлантиришда атроф муҳит муҳофазаси ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид мавжуд давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари модернизациясига, янгиларини ташкил қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси белгиланиб, уларни

¹ Монографиянинг бу параграфида экологик хавфсизликка оид ташкилот-муассасалар таркибида, ҳозирча илмий тадқиқотларда нисбатан кам эътибор берилган институтларга диққатимизни жалб қилиб, уларнинг функционал интеграциялашиш масалаларини кенгрок кўрсатишни лозим топдик.

амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланишини, Ўзбекистонда демократик давлат, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепциясини амалда жорий қилишнинг мантиқий давоми сифатида қаралиши керак.

“Ҳаракатлар стратегияси”нинг хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, деб номланган бешинчи йўналиши экологик хавфсизликка мутасадди институтларнинг структуравий-функционал тузилишини янада такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Зеро, давлат сиёсатида экологик хавфсизликни таъминлаш стратегиясининг ижтимоий моҳият-мазмунини, амалий аҳамияти, мустақиллик йиллари қабул қилинган қонун ва қарорларни ҳаётга изчил жорий қилишда намоён бўлади.

Дарҳақиқат, давлатни ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”да республикаимизнинг конституциявий тизимини, суверинитетлигини, табиий атроф муҳитини муҳофаза қилиш, Орол фожияси оқибатларини юмшатиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари вазифаларини [8; 112-б.] режалаштириш ва уларни амалга оширишнинг асосий мақсади – инсон эҳтиёжларини қондириш, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, миллий хавфсизлик концепциясининг таркибий қисми ва конкретлашган кўринишидир.

Сўнги йилларда эришилган тажрибалар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда: миллий хавфсизлик (шу жумладан, экологик хавфсизлик)ни таъминлашнинг институционал тизимини яратиш ва уларнинг функционал интеграциясини таъминлашга боғлиқлигини кўрсатиб берди. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг институционал тизими – моддий ишлаб чиқаришни табиат қонунлари асосида ташкиллаштириш ва бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, у фақат амалий фаолиятгина эмас, баки тафаккур ва дунёқарашни акс эттиргани учун кенгроқ мазмунга эга [67; 48-б.]. Шунинг учун ҳам,

Ўзбекистон давлатининг истикболини белгилашда экологик хавфсизликка мутасадди институционал тизимини шакллантиришга ва уларнинг функционал дифференциацияси ҳамда интеграциясига катта эътибор берилди.

Мамлакатимизда мазкур институтларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятини экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш, оқибатларини бартараф этишда функционал интеграциялаштиришнинг аҳамияти, жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига зид фаолиятларни қонуний-ҳуқуқий, маъмурий чегаралаш, таъқиқлаш, жазолаш чораларини қўллашдан иборат бўлиб:

- мамлакатда табиий атроф муҳитни ифлослантирадиган ва инсон сihat-саломатлигига зарар етказадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини тақиқлаш, мавжудларини зарарсизлантириш;

- импорт маҳсулотларнинг экологик стандартларга мослигини ва одамлар саломатлигига зарар келтирмаслигини аниқлаш ҳамда уларнинг мамлакатга кириб келиши олдини олиш;

- қурилиш лойиҳаларини, корхоналарини жойлаштиришни, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экологик экспертизадан ўтказиш мажбурийлиги ва сифатини таъминлаш;

- аҳолининг экологик саводхонлигини, маданиятини ошириш учун улар ўртасида янги замонавий тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиб, фаоллиги ва масъулиятини ошириш вазифаларни комплекс-системали бажаришдир.

Ушбу вазифалар экологик хавфсизликни таъминлашда давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолият йўналишларини функционал конкретлаштиришга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомнинг 12-бандида Табиатни муҳофаза қилиш борасида вазифалари белгиланган. Яъни:

– атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишда иқтисодий усулларини, ресурсларни тежайдиган, камчиқит ва чиқитсиз технологиялар қўлланилишини рағбатлантиради;

– табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларидан рационал фойдаланишда фан-техника тараққиёти ютуқларини амалиётга жорий этиш асосида экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилади;

– республикада табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича экологик нормативларни, қоида ва стандартларни ишлаб чиқишни ва ҳаётга жорий этишни ташкил этади;

– турли ташкилот ва институтларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини метрология жиҳатидан таъминлаш юзасидан иш олиб боради;

– барча турдаги табиий ресурсларни хўжалик оборотида жалб этиш кўламни тартибга солиш мақсадида табиий атроф муҳит ҳолатига антропоген фаолиятнинг таъсирини таҳлил қилади;

– Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, табиатдан фойдаланувчиларга табиатни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларини бажаришларига оид таклифлар беради;

– вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва табиатдан фойдаланувчи бошқа ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир илмий-тадқиқот ишлари дастурларини мувофиқлаштиради;

– моддий ишлаб чиқариш корхоналарининг табиатни ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаши ҳамда оқизиши нормативларини ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини белгилайди;

– атроф муҳитни ифлослантирганлик учун юридик ва жисмоний шахслардан компенсация тўловларини, жарималарни ундиради ва улардан белгиланган тартибда фойдаланади;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг атроф муҳитга зарарли таъсирлари (табиий таъсирлардан ташқари) ҳисобини юритади, деб кўрсатилган [4].

Республикада ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ҳамда уларни ривожлантириш дастурлари, концепциялари, асосий йўналишлари ва схемалари лойиҳаларини, йўриқнома, услубий ҳамда норматив-техникавий ҳужжатларни, айрим минтақалар, жойлар ва ишлаб турган объектлардаги экологик вазиятни, шунингдек атроф муҳит ҳолатига таъсир кўрсатувчи янги техника ва технологияларни, материал ва хом-ашё ва моддаларни давлат экологик экспертизасидан ўтказди.

Экологик хавфсизликни таъминлаш мураккаб жараён бўлиб, замонавий фан-техника ютуқларига асосланиши, унинг натижаларини белгилайди. Шунинг учун экологик хавфсизликка мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолиятида “фан сиғими”ни ошириш, моддий-техник таъминоти ва интеллектуал асосларининг мустаҳкамланиши қонуният мақомига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, экологик таҳдидларни олдини олишда жаҳон илмий ҳамжамиятининг замонавий илмий-техника ютуқларидан фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий-текшириш институтлари фаолиятини экологиялаштириш: алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, уларнинг давлат кадастрини тузиш; йўқолиб кетиш эҳтимоли юқори бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларининг “Қизил китоби”ни яратиш ва уларни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш; табиатни ифлослантирувчи моддалар таркибини ва уларнинг тарқалиш ареалини аниқлаш; чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш корхоналари тармоғини ривожлантириш; ишлаб чиқариш соҳаларини жойлаштиришнинг оптимал экологик мезонларини белгилаш; яқин ва келажакда экологик вазият динамик ўзгаришларини прогнозлаштириш; фуқароларга табиатни асраб-авайлаш, ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга оид иқтисодий билимларни тарғиб-ташвиқ қилиш; экологияга оид журналлар, газеталар, илмий ишлар тўпламлари, ахборот бюллетенлари нашр этиб, экологик билимларни оммалаштиришни,

хуллас илмий тадқиқотларнинг экологик аҳамиятини оширишни, асосий мақсадлардан бирига айлантириши керак.

Экологик хавфсизликка таҳдидлар кучаяётган шароитида, уларни оқибатларини бартараф қилишда таълим-тарбия тизими, нисбатан мустақил институт ҳисобланиб: **биринчидан**, педагогик-дидактик усул-воситалар, замонавий технологиялар индивидларнинг экологик ижтимоийлашувини, уларнинг зарур “экологик сифатларини” ривожлантиришни таъминлайди; **иккинчидан**, таълим-тарбия институтларининг интеграциялашган тизими – баркамол экологик шахс, комил инсон ривожланишига, уларнинг интеллектуал ўзлигини намоён қилишига хизмат қилади; **учинчидан**, ёшлар онгида экологик тарихий тақдир умумийлиги ҳиссини, ягона табиатга, глобал экологик жамиятга дахлдорлик туйғусини шакллантиради; **тўртинчидан**, одамларнинг интеллектуал салоҳиятини, маданий савиясини юксалтириб, жамиятда ижтимоий-экологик мақомини мустаҳкамлайди; **бешинчидан**, ёшларнинг илмий дунёқарашини, фуқаролик экологик позициясини қарор топтиришда муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлигининг Тошкентдаги 43-сессияси очилишида сўзлаган нутқида: “Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришдан асосий мақсад – инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этишдир. Айни вақтда, мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамлашдир. Бу, авваламбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз” [9], деб таъкидлаган эди.

Лекин, мамлакатни ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалар таълим-тарбия институтлари фаолиятини, экологик хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ислоҳ қилишни чуқурлаштириб, уларнинг фаолиятини янада

такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Хусусан, олий таълим тизими бакалаврлари, магистрантлари ва докторантлари учун экологиядан дарсликлар ва ўқув-услугий қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш зарур.

Бу жараёнда энг асосий вазифалардан бири – фан соҳалари, таълим йўналишлари ва ишлаб чиқариш тармоқларини интеграциялаштиришдан иборат. Зеро, илмий-текшириш институтлари фан тараққиётининг асосий йўналишларини, хусусан табиатшунослик, техника ва аниқ фанларнинг: ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш, замонавий ахборот коммуникацияси, био ва нанотехнологиялардан фойдаланишга доир методологик тавсиялар, амалий таклифлар беради.

Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамияти барпо этишнинг зарурий шарти бўлган экологик хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги, шу соҳада фан, таълим ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштирувчи ислохотларни устувор давлат сиёсати даражасида амалга оширишга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда: фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг уйғун ва мувозанатлашган тизими, фуқаролар моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш ва экологик барқарор ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бир-биридан нисбатан мустақил табиатшунослик, техника, аниқ фанларнинг ижтимоий-гуманитар фан соҳалари ва таълим-тарбия тизими билан интеграциялашуви, моддий ишлаб чиқариш амалиётининг экологик хавфсизликни муҳофаза қилиш институтлари фаолияти комплекс-системалилигини таъминлайди [109]. Уларнинг умумий мақсад доирасида ўзаро интеграциялашуви: ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник интеллектуал салоҳияти ривожланиши ва экологик ижтимоийлашуви учун шарт-шароит, имконият яратади.

Лекин, уларнинг самарадорлиги: иқтисодиётда юқори “фан сиғими” ва малака талаб қиладиган меҳнат соҳалари ривожланишини, касбий маҳоратни мунтазам ошириб боришни, кадрлар мобиллиги ва мослашувчанлигини

ўстиришини, уларнинг чуқур таркибий ўзгаришларни, диверсификациясини тақозо қилишдан ташқари, ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига, дунёқараши, эътиқоди, фуқаролик позицияси мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади. Айнан шундай “инсон сифатларини” шакллантириш эса, олий таълим тизимини экологиялаштиришни янада юқори даражасига кўтариш бўлиб, унинг асосий шартлари, механизмлари, бизнинг назаримизда, қуйидагилардан иборат:

биричидан, тизимда ўқитилаётган фан стандартларини, дастурларни замонавий экологик ишлаб чиқариш ва педагогик-дидактик фаолиятнинг илғор технологиялари билан интеграциялаштириш;

иккинчидан, малакали мутахассислар тайёрлашнинг педагогик-дидактик технологиясини такомиллаштиришда тарихий шаклланган миллий анъаналардан, хориж тажрибаларидан ижодий фойдаланиш;

учинчидан, олий таълим тизими профессор-ўқитувчиларининг таълим-тарбия фаолиятида ташаббускорлигини, меҳнат интизомини, мажбурияти ва масъулиятини ошириш, мавжуд моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш имкониятларини қидириб топиш;

тўртинчидан, олий таълим тизими мақомини мустаҳкамлаш учун университет, академик ва соҳа фундаментал фанларининг экологик хавфсизлик масаласида ўзаро мувофиқлаштириш жараёни узлуксизлигини таъминлаш;

бешинчидан, ўз касбини пухта эгаллаган, меҳнат бозорида рақобатбардош, ихтисослиги бўйича жаҳон стандартлари даражасида ишлашга қодир, доимий мобил малакали мутахассисни тайёрлаш миссиясини давом эттирадиган ворисларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, глобал хавфсизлик муаммолари кескинлашиб кетаётган ҳозирги шароитда, таълим-тарбия тамойиллари ва парадигмаларидаги ўзгаришлар: фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши – халқ хўжалигида экологик самарадор нанотехнология, ген модификацияси, ген инженерлиги ва биометрик идентификация усулларида, янги сунъий

конструкция материаллардан фойдаланиш, энергиянинг янги манбалари ўзлаштириш, коммуникация ва алоқа воситаларини амалиётга жорий қилишга доир амалий таклифлар беришдан иборат. Бунинг учун, аввало уларнинг назарий-методологик, амалий-праксиологик масалаларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш асосида, устувор стратегик йўналишларини, вазифаларини, истиқболларини аниқлаш зарур.

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш институтларининг функционал “меҳнат тақсимотини” ва йўналишлари интеграциясини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишни йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикасининг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси бу соҳада давлатнинг бош ислохотчилик ролини бажармоқда. Яъни турли вазирликлар, қўмиталар, идоралар ва муассасалар Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўзларининг экологик дастурларини ишлаб чиқиб, амалий фаолиятида қўлламоқдалар.

Экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди давлат органлари ва ташкилотларини, шартли равишда: *бевосита* ҳамда *билвосита алоқадор* институтларга ажратиш мумкин, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ушбу соҳага масъулдирлар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрда тасдиқланган Қарори билан “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури” қабул қилингандан кейин Мудофаа Вазирлиги ҳам бу ишга масъул, деб белгиланди.

Республика Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига ҳисобот берадиган асосий ташкилотлар:

- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Сув хўжалиги вазирлиги
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси;

- Геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитаси;
- Ўзбекистон гидрометеорология хизмати;
- Глобал экологик жамғарма ва Орол денгизи хавзаси дастурини бажариш агентликларидир.

Булардан ташқари: Иқтисодиёт вазирлиги, Чет эл иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси экологик хавфсизликни таъминлаш ишига дахлдор ва масъул ташкилотлар ҳисобланади [16; 28-б.].

Республика Экология ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг ҳар йили Олий Мажлис юқори палатаси – Сенатига ҳисобот бериши мамлакат экологик хавфсизлигига таҳдидлар олдини олишда марказлашган институт (хусусан, Олий Мажлис палаталари – қонунчилик ва Сенати, ижро ва суд ҳокимияти)нинг ташкилотчилик ва назорат фаолиятини, давлатни ижтимоий-экологик барқарор ривожлантириш кафолати сифатида қаралиши лозим.

Умуман, давлатнинг миллий экологик хавфсизлигини таъминлашга мутасадди ташкилотлари: оммавий фуқаролик институтлари, норасмий ”тўртинчи ҳокимият” – ОАВ, “бешинчи ҳокимият” – жамоатчилик фикри ва “халқ дипломатияси” билан уйғунликдаги фаолияти кутилган натижани бериши мумкин.

Бунда давлат, норасмий ҳокимият шакллари ва оммавий фуқаролик институтларининг функционал интеграцияси:

- экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида реал экологик вазиятини аниқлаш учун, идоралараро ваколатли илмий-техникавий эксперт кенгашлари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини оширади;
- табиатни муҳофаза қилишнинг яқин ва узоқ муддатли дастурларини, ҳудудий комплекс режаларини, лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга

оширишга мутасадди давлат инспекцияси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади;

– табиат муҳофазасига ихтисослашган институтлар, юридик ва жисмоний шахслар, корхона раҳбарлар тасарруфидаги объектларда экологик хавфсизлик чора-тадбирларни амалга ошириш учун шахсий жавобгарлиги ва маъсулиятини кучайтириш имконияти, омили ҳисобланади;

– табиатни ифлослантирганлик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмасдан етказилган зиённи қоплаш учун юридик ва жисмоний шахслардан ундирилган жарима суммаларни, бевосита табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфлаш тартибларини ва манзилени белгилайди;

– молия-банк муассасаларига экологик хавфсизлик тўғрисидаги қонун ва расмий ҳужжатларга риоя қилмаганлиги, нормативлар қоида ва стандартларни бузилганлиги учун ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаш, қуриш ва кенгайтиришни маблағ билан таъминлашни тўхтатади;

– корхоналар, муассасалар ва ташкилот раҳбарларини табиатни ифлослантиргани, ресурсларидан ноқилона фойдаланганлиги учун тегишли органларга маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш ёки, аксинча экологик фаолиятларини рағбатлантириш тўғрисида тақдимномалар киритиш ваколатини беради.

Ўзбекистонда экологик барқарор хавфсизликни таъминлаш институтлари фаолиятини интеграциялаштириш 1998 йилда қабул қилинган “Экологик ҳаракат” миллий Дастури асосида амалга оширилмоқда. Айниқса, Барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси (БРМС) ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси (ЭТМДҚ) Низомининг экологик хавфсизликка маъсул вазирлик, идора, институт ва ташкилот Низомлари билан мувофиқлаштирилиши, бу фаолият натижаларини белгилаб бермоқда.

Лекин экологик хавфсизлик масалаларида ҳар бир институтнинг истиқболда барқарор ривожланиш вазифаларини конкретлаштиришда вужудга келган янги муаммоларни ва миллий ривожланишнинг 2017-2021

йиллар учун белгиланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазибаларини эътиборга олиб, доимий такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Шу талабга асосан, 2017-2021 йилларда Оролбўйи худудини ривожлантиришнинг Давлат дастури ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилиниши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Яъни бу дастурда худуддаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий масалалар ҳар томонлама камраб олинган. Хусусан, янги иш жойларни ташкил этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, хўжалик чиқиндиларни утилизация қилиш ва санитария аҳолини, транспорт, инфраструктурани яхшилаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, соғлиқни сақлаш ва аҳоли генофондини сақлаш, фан, маданият ва таълим тизимини ривожлантириш каби соҳаларни комплекс ривожлантириш масалалари ўз ифодасини топган.

Мазкур давлат дастурини самарали бажариш учун Молия, Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш, Олий ва Ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги ва сув, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш Давлат қўмиталари, “Ўзкоммунхизмат” ва хўжалик бирлашмалари доимий ҳаракатдаги ишчи гуруҳларни туздилар [11; 49-б.]. Уларнинг интегратив фаолияти Оролбўйи экологик муаммосини юмшатишда тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон давлатида экологик хавфсизликни таъминлаш институтларининг структуравий-функционал интеграцияси: *бир томондан*, экологик хавфсизликни таъминлашга доир қабул қилинган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва тегишли қонунлар экологик муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий этишга; *иккинчи томондан*, барқарор экологик хавфсизликни таъминлаш мамлакат иқтисодиёти ривожланишига, ижтимоий ҳаётини яхшилашга, халқ

фаровонлигини ошириш ва инсон манфаатларини кондириши билан характерланади.

Республикамизнинг барқарор ривожланиш ва хавфсизлик концепциясида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий кўрсаткичлари индексини белгилашда экологик хавфсизликни таъминлаш даражасига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, институционал тизими самарадорлигини белгилайдиган индектив метод (экологик таҳдид кучайиши ёки камайишини билдиради) асосида мамлакатда экологик хавф даражаси аниқланиб, унинг: қуйи, ўрта, юқори, инқирозли ва ҳалокатли даражалари белгиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, табиий метереологик шароитнинг ёмонлашувчи, иқлим ўзгариши, атмосфера хавосининг ифлосланиши, муайян мамлакатнинг маъмурий ёки географик ҳудуди билан чегараланмайди. Масалан, Ўзбекистонга қўшни мамлакатлардаги қурилган айрим саноат корхоналари, космик кемаларнинг учирилиши ва улардан ҳавога чиқадиган чиқиндилар, фақат ўз ҳудудида яшовчи аҳоли ҳаётигагина эмас, балки қўшни мамлакатлар экологик хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Бу эса, экологик хавфсизликка таҳдидларнинг “байналминаллашувини” кўрсатади. Тадқиқот натижаларига кўра, Марказий Осиёда хавfli табиий ҳодиса ва жараёнларнинг экологик хавфсизликка таҳдид эҳтимоли жуда катта. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Ўзбекистон ҳудудини асосий ифлослантирувчи мамлакатлар саналади. Айниқса, зилзилалар, сув тошқинлари, сел ва кўчкилар катта хавф ҳисобланади. Яъни Ўзбекистонга қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидаги 11та тоғ кўллари ҳам экологик хавф манбаидир. Хусусан, Мойли-сув (Қирғизистон) дарёси қирғоқлари бўйлаб кўмилган радиоактив чиқиндилар бутун минтақада экологик фалокатларга сабаб бўлиши мумкин.

Тожикистоннинг Анзоб тоғ-металлургия комбинати, ичимлик суви олинадиган, Зарафшон водийсига, Қирғизистондаги қўрғошин (Сумсар), уран (Шакантар), симоб-сурьма-флюорит (Хайдаркон), сурма (Қадамжой) конлар

Фарғона водийси экологик хавфсизлигига катта хавф туғдирмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг кўшни давлатлардаги вабо эпидемияси фаол ўчоқлари билан чегарадошлигидан, эпидемиологик вазият ёмонлашувини, худуднинг экологик хавфсизликка таҳдидлари қаторига киритиш мумкин. Бундан ташқари, жанубий Қозоғистондаги Сирдарё бўйларида мунтазам учраб турадиган ичбуруғ эпидемиясининг Ўзбекистонга тарқалиш хавфи ҳам юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Тожикистон худудидан оқиб ўтадиган трансчегара сув ресурсларидан фойдаланадиган: Самарқанд, Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида корин тифи, вабо ва бошқа юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд. Бу хавф-хатарлар нафақат худуд экологик вазиятига, балки иқтисодиётга, аҳоли турмуш тарзига зарар келтириши мумкин. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириши, табиий атроф муҳитга антропоген босим ўтказиш билан, минтақа давлатлари экологик барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса, уларнинг жисмоний ва маънавий эскирган архаик технологик жараёнлари, экологик хавфсизликка потенциал таҳдид манбаи бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, уларнинг таъсирида худудни ривожлантириш дастурида, давлат чегарасида ёки минтақада вужудга келиши эҳтимоли бўлган фавқулодда экологик ҳолатни жорий қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар, давлат бюджетини белгилашда ҳисобга олинishi зарур.

Чунки минтақадаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишида, унинг замонавий техник-технологик воситалардан фойдаланиш потенциал имкониятларини, бир томондан, умуман глобал ва минтақа даражасида, хусусан муайян мамлакат худудида барқарор экологик хавфсизликни таъминлашнинг асоси деб қаралиши керак. Иккинчи томондан, экологик хавфсизлик муаммоларининг минтақавий ва глобал умумийлиги, минтақа давлатларида бу муаммо ечимига мутасадди институтларни структуравий-функционал интеграциялаштиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миллий экологик хавфсизлик концепциясини амалга оширишга мутасадди институтлар фаолиятини структуравий-функционал интеграциялаштириш, уларнинг ваколати доирасида:

биринчидан, турли фан соҳалари ва таълим-тарбия институтларининг ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялашуви, экологик хавфсизликни муҳофаза қилиш фаолияти комплекс-системалилигини таъминлайди;

иккинчидан, миллий экологик хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш стратегияси ва тактикаси самарадорлиги, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлаштирилишга боғлиқдир;

учинчидан, экологик хавфсизликка мутасадди давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини уйғунлаштиришда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асосларини комплекс ривожлантириш катта роль ўйнайди;

тўртинчидан, Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг 2017–2021-йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган экологик вазибаларини эътиборга олиб, концепцияни доимий такомиллаштириб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга. Зеро, давлатнинг барқарор тараққиёти, унинг экологик хавфсизлигини таъминлашга боғлиқдир.

2.3.-§. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш масалалари

Экологик хавфсизликка таҳдидларнинг глобаллашиш тенденцияси ва замонавий эскалацияси умуминсониятнинг: миллий, минтақавий ва глобал даражалардаги муносабатларида, унинг олдини олиш заруриятини кун тартибига қўйди. Бошқача қилиб айтганда, экологик хавфсизликка мутасадди миллий, минтақавий ва халқаро институтлар фаолиятини интеграциялаштиришни тақозо қилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, собиқ СССР таркибидан ажралиб чиққан давлатларда, халқаро муносабатларни шакллантириш

мураккаб вазиятни вужудга келтирди. Айниқса, айрим давлат раҳбарларининг “мустақилликдан эсанкираш” руҳий эйфорияси натижасида этноэгоистик, этноэгоцентристик меркантил-утилитар иқтисодий манфаатларини мутлақлаштиришлари, муайян (хусусан, трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш, ҳудуднинг атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва бошқа масалаларда) ижтимоий-экологик зиддиятларни келтириб чиқарди. Ваҳоланки, экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доиралардан чиқиб, бутун жаҳон мамлакатларининг муаммосига айланган эди [34; 112-б.].

Инсоният юксак мақсадлар сари интилаётган, тараққиёт йўлидан жадал илдамлаётган бугунги кунда, жаҳон ҳамжамияти олдида глобал муаммоларни ҳал этиш вазифаси турибди. Ер юзида барқарор тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, экологик хавфсизликнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва бошқа глобал муаммолар ечими борасида халқаро муносабатлар ривожланмоқда [95; 17–18-б.]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг бу жараёндаги асосий вазифаси – дунёда тараққийпарвар прогрессив кучларни бирлаштириш орқали, умуминсониятни экологик таҳдидлардан сақлаб қолишидан иборат бўлди.

Дунё давлатларини ўзаро мулоқот, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаш, уларнинг куч ва потенциал имкониятларини яратувчанлик йўлида бирлаштириб, экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоларини баҳамжиҳат ҳал қилиш, ушбу ташкилот томонидан 2000 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари”да ҳам ўз ифодасини топган. Бу ҳужжатда, унга аъзо давлатларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishi, ўз бюджетига эгалиги, ваколатлари доирасида экологик хавфсизликка доир минтақавий, глобал икки ва кўптомонлама шартномалар тузиш ва уларни бажариш мажбуриятларни зиммасига олиши белгилаб қўйилган [113].

Ҳозирги кунда дунёда турли эҳтиёжларни қондириш, мақсадларни амалга оширишда муқобил ғоявий-мафкуравий усул-воситаларга асосланган

2,5 мингдан ортиқ халқаро ташкилот мавжуд бўлиб, улар ҳудудийлиги, икки ёки кўп томонлама ҳамкорликка асослангани, мақсадларининг ўзига хос индивидуаллиги билан характерланади. Лекин уларнинг халқаро мақоми, мавқеи ва аҳамиятини белгилайдиган омиллар таркибида глобал даражада экологик хавфсизлик муаммосига муносабати асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасида, хусусан Ўзбекистонда миллий давлатчилик анъаналарини ривожлантириш, экологик суверинитетлигини таъминлаш, тарихий қадриятларини тиклаш, ўзлигини англаш жараёнлари экологик хавфсизликка муносабатни белгилаб берди. Мамлакатда бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат, фуқаролик жамияти куриш мақсадида кенг кўламли иқтисодий ислохотлар ўтказишга, хусусан экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш масаласида халқаро ҳамкорлик муносабатларни ўрнатишда, объектив ва субъектив сабабларга кўра, муайян қийинчиликлар юзага келди.

Шунга қарамасдан, Ўзбекистон давлатининг экологик хавфсизлигини таъминлашга доир сиёсати: Республика Конституцияси, қонунчилик, Миллий хавфсизлиги концепцияси, Атроф муҳит муҳофазаси ва барқарор тараққиёт Декларацияси, Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича стратегик Дастури ҳамда халқаро конвенциялар ва шартномаларда белгиланган мажбуриятларга асосланиши, шунингдек экологик вазияти, нисбатан барқарор давлатларнинг тажрибаларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Биобарин, давлат миллий хавфсизлик сиёсатида экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий вазифаларидан бири – табиатни муҳофаза қилиш давлат идоралари, ташкилотлари, барча корхона ва муассасаларнинг атроф-муҳит муҳофазаси, сув ва ҳаво ҳавзалари, ер ва биологик ресурслар ҳолатини яхшилаш ҳамда уларнинг чиқиндиларини зарарли таъсирдан ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалдаги қонунлар ва халқаро ҳужжатлар ижросини таъминлаш

бўйича ишларини қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчилик кўмагини шакллантиришдан иборат.

Айниқса, БМТ Бош Ассамблеясининг 1992 йил атроф муҳит муҳофазаси ва тараққиёт бўйича концепцияси (ЮНИСЕД-92)да “XXI асрга ташриф” Дастури қабул қилиниб, унда табиий атроф муҳит ҳолатининг глобал ёмонлашувига чек қўйиш ва XXI асрдаги умуминсоният барқарор ҳаёт учун қулай табиий асос яратиш чоралари белгиланиши [106], халқаро экологик муносабатларни янги сифат даражасига кўтаришни тақозо қилмоқда.

Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг моддий-техник асосларини яратиш ва қонунлар ижросида заиф жиҳатлар борлиги ҳаммага маълум. Яъни, барча давлатларда, объектив ва субъектив сабабларга кўра, экологик хавфсизликни таъминлаш етарли даражада моддий-техник, ташкилий асосларга эга эмас.

Манбаларда кўрсатилишича, айрим ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ялпи миллий даромаднинг 7–10 фоизи табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланаётир ёки ишлаб чиқариш асосий сармояси таркибида табиатни муҳофаза қилиш соҳасининг умумий салмоғи 10–20, баъзи корхоналарда, ҳатто 40 фоизни ташкил этади. Бу эса, уларда экологик хавфсизликни таъминлаш фаолиятнинг ташкилий ва моддий-техник, технологик асослари ривожлаганлигини кўрсатади [40; 15–16-б.].

Шунинг учун жаҳон мамлакатлари ҳамжамияти иштирокида 1972 йил 5-июнда Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф муҳит муаммоларига бағишланган Бутунжаҳон анжуманида табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш Дастури ишлаб чиқилди ва мақулланди. БМТ Бош Ассамблеясининг ўша йили 15 декабрда қабул қилинган 2994-сонли резолюцияси билан, 5 июнь – **“Бутунжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни”** деб эълон қилинди ва халқаро экологик муносабатлар расмий ташкиллашган мақомга эга бўлди. Шунга кўра, дунёнинг барча давлатлари қатори Республикамизда

хам, ҳар йили 5 июнь – “Бутунжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни” кенг нишонланади ва кўплаб экологик амалий тадбирлар ўтказилади.

Ўзбекистон миллий хавфсизлик сиёсатида экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда, *бир томондан*, ҳозирги интеграциялашув ва глобаллашувнинг асосий шарти бўлган халқаро муносабатларида экологик соф маҳсулотлар, технологиялар айрибошлашни устувор йўналишга айлантирмоқда. *Иккинчи томондан*, турли даражада ривожланган давлатларнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва мақоми глобал экологик хавфсизликни таъминлаш тадбирларида фаол иштироки билан баҳоланмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар”ни глобал барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсати контекстида қараладиган бўлса, унинг мазмуни, моҳияти ва йўналиши конкретлашади.

Мазкур тадқиқот мавзуси доирасида, яъни давлатимизнинг турли давлатлар билан экологик хавфсизлик масаласида халқаро ҳамкорлигида: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, экологик суверенитети, ҳудудий экологик яхлитлигини муҳофаза қилиш; давлат экологик хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш; халқаро экологик агрессия, экспансия тажовузлири таҳдидларига ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш; халқаро экологик сиёсий муносабатлардаги зиддиятларни бартараф қилишда “халқ дипломатияси” имкониятларидан самарали фойдаланиш; табиий атроф муҳит муҳофазаси, биосфера экологик мувозанати, инсон саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг илмий ечимини топиш; табиий ва антропоген таъсир натижасида фавқулодда вужудга

келадиган экологик хавфларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш; мамлакатимизнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларда тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мавқеини, нуфузини ва ролини ошириш; экологик ривожланган демократик давлатлар каторига кириш; экология соҳасидаги халқаро муаммоларни тизимли ҳал қилиш механизмларини яратиш; Ўзбекистоннинг ён-атрофдаги давлатлар билан экологик хавфсизлик, барқарор аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш; мамлакатда олиб борилаётган экологик ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш; экологик муаммолар ечими бўйича икки ва кўп томонлама илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйиш; Ўзбекистон Республикаси ташқи экологик сиёсатининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; халқаро ҳуқуқнинг экологик талаблари асосида давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш вазифаларини кун тартибига қўймоқда [3].

Ушбу стратегик вазифаларнинг амалий самарадорлиги ва истиқболлари:

– жамиятни ташкил қилган субъектларнинг: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маданий, маънавий, мафкуравий муносабатларини эркинлаштириш ва демократиялаштиришга;

– миллий давлат қурилишига, фуқаролик жамияти асосларини яратишга мутасадди институтлар тизимини экологик хавфсизликни таъминлаш талаблари асосида ислоҳ қилишга;

– барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш манфаатларини ўзаро уйғунлаштириш асосида самарадорлигини оширишга;

– жамиятда маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ишлар мазмунини, педагогик-дидактик жараёнларни экологиялаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга;

– аҳоли кенг қатламлари экологик фаоллигини оширишда, экологик хавфсизлик институтларини функционал интеграциялаштиришнинг имкониятларини қидириб топишга боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда экологик хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда, ҳокимиятлар тақсимланиш тамойили алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, уларнинг интегратив фаолияти яхлит, ўзаро боғлиқ жараён бўлиб: Республика Олий Мажлиснинг Қуйи ва Юқори палаталари мамлакат ҳудудини экологик районлаштириш, паспортлаштириш орқали табиий атроф муҳит муҳофазаси чоратадбирларининг қонуний-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш; Ижро ҳокимияти табиат муҳофазаси ва ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий усул-воситаларни кўллаш; ишлаб чиқариш жараёнини экологик экспертизадан ўтказиш, сертификациялаш ва стандартлаштириш; экологик тоза, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйиш; Суд ҳокимияти экологик хавфсизликларга таҳдид жиноятлари профилактикаси, ҳуқуқбузарликларни таъқиқлаш ва жазолаш; аҳолининг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар самарали бажарилишига эришиш ва бошқалар.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича меъёрий-норматив, қонуний-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, улар асосида амалга оширилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ходимлари томонидан тегишли вазирлик, ташкилот, идора

¹ Бу масала диссертациянинг учинчи боби, биринчи параграфиди батафси таҳлил килинган.

ва илмий жамолар билан ҳамкорликда атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида амалий тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг юридик хизмати раҳбари В.Г.Хожихонов маълумотларига кўра, сўнги 16 йил ичида табиатни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ушбу тадбирлар натижасида Республикада ифлослантирувчи моддаларни атмосферага ташланиши 2,5 баробарга, ифлосланган оқова сувларнинг ташланишини эса, 2 баробар камайтиришга эришилди [100].

Мазкур Қўмита ўтган йиллар давомида Республикада экологик сиёсатни амалга ошириш мақсадида қўйидаги ишларни амалга оширди:

– Қўмита тасарруфидаги Давлат экологик экспертиза комиссияси томонидан 44 мингдан ошиқ хўжалик юритувчи объектларнинг атроф муҳитга таъсир кўрсатиш тоифаси аниқланди;

– 2005 йилда экологик прогрессив инновацияларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида Қўмита қошида ташкил этилган Республика тадбиқий Маркази фаолият олиб бормоқда;

– қўмита тизимида атроф муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш мақсадида молиявий ресурсларни шакллантириш Республика жамғармасининг маҳаллий бўлимлари фаолият олиб бормоқда [100].

Экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш учун халқаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда оммавий-фуқаролик институтларининг роли катта. Зеро, уларнинг фаолияти самарадорлиги: **бир томондан**, муайян ҳудудда тарихий шаклланган халқ анъаналарига, ментал умумийликка, “халқ дипломатияси”га асосланиши, **иккинчи томондан**, халқаро экологик муносабатларда бевосита оддий халқ иродасини ифодалаш, оммавийлиги, ҳаётийлиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, республикада 2008 йилда ташкил этилган оммавий Экоҳаракатни давлат томонидан: миллий, минтақавий, глобал экологик

хавфсизликка таҳдидларга қарши *халқ реакциясининг* қўллаб-қувваланиши тарзида қараш керак.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига мувофиқ Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи мамлакатда табиий строф муҳитни муҳофаза қилишга, экологик вазиятни, аҳоли саломатлигини яхшилашга, экологик таҳдидларни бартараф этишга оид давлат дастурларини амалга оширишнинг ҳуқуқий-қонуний асосларини яратиши билан катта аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2013 йилда “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунини имзолаши [130] муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. Зеро, бу қонунда табиатни муҳофаза қилишда ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқароларнинг халқаро экологик ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган ва бу масала унинг уставда белгилаб қўйилган [129].

Шуларга асосланиб айтганда, республика Экоҳаракати ташкил этилиши – мамлакатимизда экологик фаолиятга мутасадди давлат, ННТ ва жамоат бирлашмаларини эркинлаштириш ва демократиялаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу тарихий ходиса юртимизда табиатни муҳофаза қилишга мутасадди давлат, фуқаролик институтлари ва жамоат бирлашмалари саъй-ҳаракатларини ташкиллаштириш ва бошқариш имкониятини кенгайтди.

Ўзбекистон Экоҳаракатининг миллий хавфсизлик концепциясида экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш сиёсатига қуйидаги талаблар қўйилган:

– миллий, минтақавий ва глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда халқаро ҳуқуқ нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш;

– мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ тажрибаларга, замонавий фан, техника ва технологияларга асосланган мукамал экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш тизимини барпо этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси ва тегишли вазирлик, идора ва илмий институтлар билан ҳамкорликда экологик хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш;

– экологик хавфсизликка таҳдидларнинг барча кўринишларини умумий бирлик, ўзаро алоқа, келишув ва муроса асосида бартараф қилиш механизмларини такомиллаштириш;

– миллий, минтақавий, глобал экологик хавфсизликни таъминлашда тарихий шаклланган анъаналар, маънавий-ахлоқий қадриятлар, ўзаро ҳурмат, ишонч устуворлигини таъминлаш;

– глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилишда, уларнинг маҳаллий, миллий, минтақавий хусусиятларига дифференциал ёндашиш;

– миллий экологик хавфсизликни таъминлашда давлат ҳокимияти органларининг оммавий фуқаролик институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш белгиланган.

Ўзбекистонда экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш институтлари фаолиятини фалсафанинг алоҳидаликдан махсуслик орқали умумийликка ўтиш тамойили нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак:

– **биринчидан**, халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг ички геодинамик хусусияти, яъни миллий, минтақавий даражаларда табиатни муҳофаза қилишга мутасадди давлат идоралари, ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда халқаро экологик қонунлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлашнинг **функционал дифференциацияси** намоён бўлишини;

– **иккинчидан**, экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш борасида давлат ҳокимияти бўлиниши тамойили бу масала ечимини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, яъни табиат муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва шартномаларига мувофиқ янги қонунларни қабул қилиш [98; 970-б.], амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда **функционал интеграциясини** тақозо қилишини;

– **учинчидан**, экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашнинг горизонтал ва вертикал йўналишларда комплекс-системалилигини таъминлашда: сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа механизмлар таъсири самарадорлигини ошириш “технологиясида” конкрет миллий маънавий-маданий ва мафкуравий омилларнинг **функционал идентификацияси** катта роль ўйнашини;

– **тўртинчидан**, муайян мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар, девиант ҳуқ-атвор ва табиатга бошқа шаклларда зарар етказганлик учун юридик ҳамда жисмоний шахслар жавобгарлигини, масъулиятини, мажбуриятини кучайтиришга қаратилган маънавий-ахлоқий, ғоявий-мафкуравий чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда **оммавий ташаббускорлик ва сафарбарлик** муҳим аҳамиятга эгаллигини;

– **бешинчидан**, экологик хавфсизликка таҳдидлар тизимида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, табиатга зарарли бўлган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарни қоплашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун қонуний-ҳуқуқий асосларни **функционал унификациялаштиришга** зарурият ва эҳтиёж кучаяётганлигини кўрамиз.

Глобал даражада экологик хавфсизликка таҳдидларнинг кучайишига объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлиги асосий имконият ҳисобланади. Уларни фақат миллий, минтақавий экологик мақсад, эҳтиёжлар ва манфаатларни эътиборга олиб, халқаро экологик хавфсизликка таҳдидларга муносабатига дифференциал ёндашиш орқали, уйғунлаштириш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш мумкин.

Лекин, бундай ёндашиш турли объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларни интеграциялаштиришни истисно қилмайди. Аксинча, улар бир-бирини тақозо қилади ҳамда ўзаро диалектик боғлиқдир. Яъни глобал экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди институтларнинг фаолият йўналишларини, **бир томондан**, конкрет маҳаллий, миллий ва ҳудудий

кесимларда экологик хавфсизлигига таҳдид муаммоларини ҳал қилишга дифференциаллашган ва интеграциялашган ёндашувлар бирлиги, конструктив усул-воситалардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Энг муҳими, экологик хавфсизликка таҳдиднинг конкрет кўринишини бартараф қилиш зарурияти ва эҳтиёжи, уларга адекват усул-воситалар идентификациясини (мақсаднинг усул-воситани белгилашини) ташкил қилишдан иборат. Бунда глобал геоэкологик маконда экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишга мутасадди институционал тизимининг вазиятга ва шароитга қараб сиёсатини оператив ўзгартириши, модернизациялашуви катта аҳамиятга эга. Зеро, миллий давлатлар экологик сиёсатининг глобал геоэкологик хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш глобал сиёсатига интеграциялашуви ҳаёт тақозоси бўлиб ҳисобланади.

Бу эса, ўз навбатида, умумий мақсадга йўналтирилган экологик фаолиятни оммавий қўллаб-қувватлаш борасида, жамоатчилик фаоллиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш институтларининг структуравий тузилишига, экологик вазият ҳақида объектив ахборотлар ва уларни оммага трансформация қилиш усуллари, воситалари ривожланишига, экологик хавф-хатарларга нисбатан жамотчилик фикри шаклланиши даражасига боғлиқ бўлади.

Дарҳақиқат, халқаро экологик сиёсий муносабатлар тарихининг тажрибалари глобал экологик барқарор тараққиёт эҳтиёжлари ва манфаатларини мувофиқлаштириш, муайян геоэкологик маконда хавфсизлик муаммолари ечимини топиш тадбирларига аҳолини оммавий сафарбар қилишга боғлиқлигини кўрсатиб келмоқда.

Экологик хавфсизликка таҳдидлар глобаллашуви тенденциясининг олдини олиш – миллий давлатларда табиатни муҳофаза қилишга оид халқаро қонунчиликни бузиш сабабларини бартараф этиш механизмларини такомиллаштиришдан иборат. Хусусан, миллий, минтақавий, халқаро экологик фаолият субъектларига имтиёзлар беришнинг самарали тизимини яратиш, ички ва ташқи мақсадли инвестицияларни жалб қилиш муҳим роль

ўйнайди. Шунинг учун ҳам ушбу масалалар Ўзбекистонда давлат экологик ва санитария-гигиеник хавфсизлигини таъминлаш сиёсати марказига қўйилган.

Масалан, Тошкент шаҳри миқёсида яқин 5 йил ичида жами 117,3 миллиард давлат ва маҳаллий бюджет ҳамда хорижий молиявий институтлар ҳисобидан маблағ ажратган ҳолда, 92 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. 2018 йилда Осиё тараққиёт банкининг 17,8 миллион доллар ҳамда “Махсустрэнс” корхонаси маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти Оҳангарон ҳудудида замонавий талабларга жавоб берадиган 30 гектар майдонда янги санитария полигони қурилиши режалаштирилган [5; 461-б.].

Ушбу тадбирлар самарадорлигини ошириш халқаро экологик ҳаракат институтларининг (миллий, минтақавий даражаларда) табиий атроф муҳит муҳофазаси мақсадларига ажратилган моддий-техник, технологик ресурслардан манзилли ва оқилона фойдаланиш, **бир томондан**, экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашни тақозо қилади. **Иккинчи томондан**, жойларда давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларининг масъулиятини кучайтиришга боғлиқ.

Бу талабнинг бажарилишида дунё геоэкологик реал манзарасини кўрсатадиган (хусусан, махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни), ишлаб чиқариш ва маиший хизмат объектларини экологик сертификатлаш ва экспертизаларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, бу тадбирлар: ер, ер ости бойликларидан, сув (айниқса трансчегаравий) ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атмосфера ҳавосини, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш кадастрини тузишга, экологик хавфсизликка таҳдидлар тизимини туркумлаштиришга ва табиий атроф-муҳит муҳофазаси мониторинги дастурларини амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг халқаро экологик муносабатларида, хусусан глобал хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилишдаги ҳамкорлиги: **биринчидан**, давлат ҳокимияти ва турли даражалардаги бошқарув органлари томонидан қабул қилинган маҳаллий ва ҳудудий мақсадли дастурларини, экологик

қонунларнинг жойларда бажарилишини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш; **иккинчидан**, муҳофаза қилинадиган ҳудудларда турли иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, инфратузилмаси ва коммуникациясини ривожлантиришнинг биосфера экотизимига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарини умумэтироф этилган экологик талаблар асосида, модернизациялаштириш; **учинчидан**, табиий атроф муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш соҳасида дастурий мақсадларни амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчилик роли муҳим аҳамиятга эга [120].

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида экологик таҳдидлар глобаллашиш қонуниятларини ҳисобга олиб, миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича стратегик вазифаларни белгилашда: а) мамлакатнинг халқаро муносабатларга интеграциясида экологик ўзига хосликни, глобал хавфсизликни таъминлашда мавқеи ва мақомини ҳисобга олиш; б) экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш масалалари бўйича амалий фаолият ва илмий тадқиқот йўналишларини мувофиқлаштириш; в) Ўзбекистон Республикасида табиий атроф муҳит ҳолати ва экологик вазиятини баҳолаш ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича ягона мониторинг тизимини жорий қилиш; г) табиат ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва экологик соф технологиялар яратиш бўйича қонунчилик тизимини яратиш ва мунтазам ривожлантириб бориш; д) амалдаги ишлаб чиқариш жараёнларини экологик талаблар асосида модернизациялаш ва такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий муносабатларида глобал экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш масалалари таҳлили қуйидаги умумий назарий хулосаларни чиқаришга, методологик тавсиялар ва амалий таклифлар беришга асос бўлди, яъни: 1) Ўзбекистон мустақилликдан кейин жамият барқарор тараққиётининг асосий шартларидан бири бўлган экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг

конкрет стратегик вазифаларини белгилаб олди; 2) Ўзбекистонда миллий экологик хавфсизлик сиёсатини демократик тамойиллар асосида модернизациялаштириш, унинг глобал экологик хавфсизликка мутасадди институтлари тизимига функционал интеграциялашиш имкониятларини кенгайтирди ва халқаро мавқеини мустаҳкамламоқда; 3) миллий, минтақавий ва глобал экологик хавфсизликни таъминлашнинг институционал тизимини функционал уйғунлаштириш натижалари, халқаро ташкилотларларнинг молиявий, техник-технологик, ташкилий ёрдамларидан мақсадли фойдаланишларига боғлиқ; 4) Марказий Осиё давлатларига экологик таҳдидлар хавфининг олдини олиш минтақадаги геоэкологик вазиятни соғломлаштиришдан умумий манфаатдорликка, тарихий шаклланган анъаналарга, ментал яқинликка, экологик муносабатларда “халқ дипломатияси”нинг имкониятлари катта; 5) миллий давлатларнинг глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишдаги фаоллиги, уларнинг халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий муносабатлардаги ўрнини ва мақомини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий экологик хавфсизлик концепциясини амалга оширишга мутасадди институтлар фаолиятини структуравий-функционал интеграциялаштириш **маслалари таҳлилидан чиқарилган умумлашган хулосалар:**

биринчидан, ҳар қандай соҳада экологик хавфсизликни таъминлашда, унинг объектига субъект эҳтиёжлари ва манфаатларига кўра ёндашилганда, ушбу феноменнинг тарихий зарурияти, амалий йўналишлари, фалсафий мазмун-моҳияти ва функционал аҳамияти конкретлашади;

иккинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар структурасида объектив асослар ва субъектив омилларнинг нисбатан мустақил ривожланиш қонунларини, ҳаракатлантирувчи механизмларини, потенциал таъсир имкониятларини ўрганиш, уларнинг оқибатларини илмий прогнозлаштиришга асос бўлади;

учинчидан, халқ хўжалигида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш эҳтиёжларининг узлуксиз ўсиб бориш қонуниятлари экологик хавфсизлик назарий концепцияларини танқидий қайта кўриб чиқишни ва амалий фаолият тажрибларини ижодий умумлаштиришни тақозо қилади;

тўртинчидан, барқарор экологик хавфсизликни сақлашга мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро функционал интеграциялашувига ва глобаллашувига олиб келади ҳамда умуминсоният манфаатларига адекватдир;

бешинчидан, фан соҳалари ва таълим-тарбия муассасаларининг ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштирувчи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асосларини комплекс ривожлантириш экологик хавфсизликни муҳофаза қилиш фаолияти комплекс-системалилигини таъминлайди;

олтинчидан, миллий экологик хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш стратегияси ва тактикаси самарадорлиги маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал геоэкологик маконнинг хусусиятларини аниқлаш, вазиятини объектив баҳолаш, Конституция ва қонунларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлаштирилишга боғлиқдир;

еттинчидан, Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган экологик вазифаларини эътиборга олиб, экологик хавфсизлик концепциясини доимий такомиллаштириб бориш давлат барқарор тараққиётнинг муҳим омилидир.

III БОБ. МИЛЛИЙ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ

3.1.-§. Ўзбекистонда экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишнинг ҳуқуқий асослари

Замонавий цивилизациялашган давлатларда экологик хавфсизликни таъминлашнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини яратиш, илғор демократик усул-воситаларини жорий қилиш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланиш даражаси мезонига, халқаро мавқеини, мақомини белгилаш кўрсаткичига айланган. Шу жумладан, Ўзбекистон миллий тараққиётининг ҳозирги босқичи, экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро нуфузли ташкилотлар, оммавий институтлар билан ҳамкорлик қилиш заруриятини англаш ва имкониятларини реаллаштириш – давлат хавфсизлик сиёсати таркибий қисми бўлиб, экологик хавфсизликнинг миллий стратегиясини шакллантиришга асос, уни амалга ошириш учун ижтимоий-сиёсий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштириш кафолати бўлиб қолмоқда.

“Табиат-жамият-инсон” муносабатлари муайян объектив қонунлар асосида амалга ошади, уларнинг бузилиши, қайси ҳудудда бўлишидан қатъий назар, катта экологик фалокатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳақда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, “Инсон табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди”. Шунинг учун ҳар қадай давлат сиёсатида, бу фожиани олдини олиш – умумий хавфсизликни таъминлаш шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик сиёсатида экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш ҳамда олдини олиш масалалари, аввало унинг асосий Қонуни – Конституцияси ва махсус қонунлар, ҳукумат

қарорлари асосида амалга оширилади. Яъни, Ўзбекистонда экологик хавфсизликка доир қабул қилинган қонунларнинг такомиллашиш жараёнини даврларга ажратиб ўрганиш, *бир томондан*, унинг тарихий-манتيқий изчиллигини аниқлашда катта аҳамиятга эга. *Иккинчи томондан*, Ўзбекистонда экологик қонунчиликни кодлаштиришда жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатида сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда янги мазмундаги норматив ҳужжатни ишлаб чиқишни илмий-амалий жиҳатдан асослайди. Уни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин, яъни:

Биринчи босқич – мустақилликни қўлга киритилишидан 2010 йилларгача бўлган даврни қамраб олди. Бу давр табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва миллий экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунлар тўпламининг кодлаштирилган мажмуасини таркиб топиши ва халқаро экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиш даври бўлди.

Ушбу босқич Ўзбекистон Конституцияси ва “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилиниши билан бошланган. (Бу Қонуннинг айнан Конституция билан бир кунда қабул қилинишида ҳам рамзий маъно бор ва унинг аҳамиятини кўрсатади). Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида конституцион асосни ва янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш даврларини ўз ичига олади.

Иккинчи босқич – Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодекслари тизимини ишлаб чиқиш ҳамда барқарор ривожланишнинг умуммиллий стратегияси билан боғлиқ экологик қонунларни шакллантириш ва қабул қилиш тизимли амалга ошади¹.

Учинчи босқич – 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”ни қабул қилиш билан боғлиқ бўлиб, унинг истиқбол

¹ Монография матнида иккинчи ва учинчи босқичларда қабул қилинган қонун ва қонуноси ҳужжатларнинг экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш борасидаги мазмуни ва функционал аҳамияти кўрсатилган.

вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш механизмлари конкретлашувида кўзга ташланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, 54-моддасида: “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик вазиятга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”, 55-моддасида эса: “Ер, ер ости бойликларни, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” [1; 10-б.] деб мамлакат аҳолиси ҳаёти учун зарур соғлом табиий муҳит яратишида фуқаролар эркинликлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулиятлари, бурчларини белгилаб қўйишдан ташқари, давлатга ҳам катта масъулият, мажбурият юклайди.

Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, экологик вазият ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва шартномаларига мувофиқ ривожлантириш, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, янги қонунларни қабул қилиш тартиби ўрнатилган.

Сўнгги йилларда*¹ Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича 40 га яқин қонунлар ва 1000 га яқин қонуности ҳужжатлар қабул қилинди ва уларга бугунги кунда амал қилинмоқда. Фақатгина кейинги йилларда республикада аҳоли саломатлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш миллий экологик хавфсизликни таъминлаш борасида 30дан ортиқ муҳим

* Тарихий жараёнда, Ўзбекистон собиқ СССР таркибида бўлган вақтда табиатни муҳофаза қилиш ҳақида (1959 й.) қонун қабул қилинган эди. Аммо, мустабид тизим даврида бу қонун тўла бажарилмади ва кескин экологик муаммолар “мерос” сифатида сақланиб қолган эди.

қонунлар ҳамда 150 га яқин қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Бу қонунлар инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлди¹.

Бу қонунларнинг ижтимоий моҳияти ва тарихий аҳамияти, бевосита экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш ва хавфларни бартараф қилишга хизмат қилиши билан ҳам изоҳланади. Зеро, Ўзбекистон давлатининг миллий хавфсизлик сиёсати асосида табиий атроф муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ҳозирги босқичида, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини яратиш учун бири-бири билан боғлиқ икки йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Яъни: **биринчиси** - амалдаги қонун ҳужжатларини доимий такомиллаштириб бориш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, **экологик ҳуқуқ интизомини мустаҳкамлаш; иккинчиси** - миллий экологик ҳуқуқ нормаларини халқаро ҳуқуқий мажбуриятларга мослаштириб, миллий ҳуқуқий меъёрларни мукамаллаштиришдан иборат.

Бу йўналишларнинг бирлиги давлат экологик хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий актлари билан миллий қонунчилик нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш (ёки халқаро ҳуқуқ нормалари имплементацияси) глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда давлатлараро ҳамкорликнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлашга оид қабул қилинган қонунларнинг халқаро экологик ҳуқуқ нормаларига мос келиши ва давлат институтининг бош ислоҳотчилик роли, миллий экологик

¹ Бу қонунлар рўхати “Адабиётлар рўйхатида” келтирилган.

хавфсизликни таъминлаш стратегиясини амалга ошириш учун ижтимоий-сиёсий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштириш кафолати бўлиб қолмоқда.

Инсон хўжалик фаолиятини оқилона ташкил этиш ва бошқаришда табиат қонунларини билиш, унга амал қилиш ҳар бир минтақада экологик вазиятнинг муҳим ҳолатини аниқлаш, вазифаларини ва уни самарадорлигини оширишда 2013 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экологик депутатлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган: “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

“Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни табиий атроф муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги экологик вазият мониторингини амалга оширишни қонуний регламентлаштирди. Хусусан, жамоатчилик, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада кенгайтишга, экологик хавфсизликка таҳдидларни назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга ва қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгилаш ва бу борадаги қонунчиликни ривожлантиришни босқичма-босқич амалга ошишини таъминлади [122].

Бошқача қилиб айтганда, конституциявий ҳуқуқнинг талаб ва кўрсатмаларини барча экологик фаолият субъектлари табиий ресурсларнинг муҳофаза қилинишини ва улардан оқилона фойдаланиш лозимлигини эътироф этиб, унга давлат сиёсатининг муҳим бўғини деб қарайди. Яъни, миллий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг экологик сиёсати – табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, табиий ресурсларга мулкчиликнинг турли шаклларида атроф муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тақозо этади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни демократлаштириш тамойиллари асосида қабул қилинадиган барча қонунлар, *бир томондан*, экологик хавфсизликдан манфаатдорликнинг умумийлигини, *иккинчи*

томондан, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиётнинг объектив заруриятини ифодалайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Республика Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида экологик муаммога эътибор қаратиб, шундай деган эди: “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак – бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажавузкор ўзгаришлардан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади” [35], деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сонли қарорига асосан “2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури” [13] қабул қилинганлиги ушбу имкониятларни ривожлантиришга асос бўлди, яъни:

- табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш;
- норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда экологик илм-фанни, аҳоли экологик таълим ва тарбиясини ривожлантириш;
- халқаро ҳамкорликда миллий ва минтақавий экологик хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Хусусан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишда экологик методларини жорий этиш, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда экологиянинг моддий-техник базасини яратилиши нафақат миллий, минтақавий балки глобал аҳамиятга эга. Чунки “табиий атроф муҳит муҳофазасини муайян давлатда тартибга солиб туришнинг миллий дастурларини халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, фақат алоҳида давлатларда ташкил қилинган тадбирлар билан чегараланмайди,

балки турли мамлакатлар ўртасида янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлардаги уйғунликка олиб келишига йўналтирилади” [41; 195-б.].

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом ҳаёт тарзига эга бўлиши ва келажак авлод учун табиий қулай муҳитни асраб-авайлаш ва уни зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш ҳуқуқи “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” [14]ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўз ифодасини топти. Унинг асосида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги изчил ва босқичма-босқич шакллантирилди. Жумладан, “2005–2012 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури”, “Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг миллий ҳаракатлар режаси”, “Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва режа” ва бошқа чора-тадбирлар мамлакатимиз фуқароларида табиатни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш ва халқимизда, айниқса ёшларда экологик ҳуқуқий маданиятни такомиллашиб боришини таъминлади.

Ўзбекистон экологик хавфсизлик сиёсати концепциясининг мақсади ва вазифаларини белгилашда соҳа қонунчилигини такомиллаштириш бўйича: «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 2013 йил, 28 декабрда қабул қилиниши ва «Фавқулодда экологик вазиятлар ва экологик фалокат зоналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида: табиий атроф муҳит муҳофазаси ва табиат ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонуности ва меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; табиатдан экологик талабларга кўра фойдаланишда иқтисодий механизмларни татбиқ қилиш; экологик экспертиза, сертификатлаштириш, меъёрлаштириш ва стандартлаштириш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

Концепцияси” вазифаларидан келиб чиқиб, давлат сиёсати даражасида, бозор иқтисодиёти мунсوباتларини шакллантириш шароитида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг назарий-методологик асосларини ва механизмларини ишлаб чиқишни экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашнинг, *иккинчи босқичи* бошланиши деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу босқич Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтларининг экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш фаолиятини: ташкилий, моддий-техник, интеллектуал ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан характерланади, яъни:

– бозор иқтисодиёти шароитида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотлар чуқурлашуви, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди;

– кадрларни танлаш, тайинлаш, малакасини ошириш ҳамда интеллектуал захирасини тайёрлаш бўйича чора-тадбирларнинг Комплекс Дастурини бажаришга киришилди;

– экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди институтлар амалий фаолиятини мувофиқлаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий асослари, сиёсий механизмлари такомиллаштирилди;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва чиқиндилар давлат кадастрлари аниқланиб, улардан такрорий фойданиш имкониятлари кенгайтирилди;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экологик фаолиятига ноқонуний аралашув, қонунчиликда белгиланган тартибда рухсатнома ҳужжатларини бериш жараёни соддалаштирилди;

– экологик таълим-тарбия, назарий билимлар тарғиботи-ташвиқоти институтлари тизимини янада ривожлантириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилди;

– миллий, минтақавий ва глобал миқёсларда экологик хавфсизликни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорлик, алоқаларини ривожлантиришнинг янги қонуний-ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистоннинг Конституцияси тамойилларига асосланган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун мустақилликнинг илк даврларида (1992 йил декабрь) қабул қилинган биринчи яхлит қонуний ҳужжат ҳисобланади. Бу қонун чорак аср давомида мамлакатнинг асосий экологик қонуни сифатида ўз олдига қўйган мақсадларини тўлиқ амалга ошириш функциясини бажарди дейишга тўлиқ асос бор.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида, глобал экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган изчил ва самарали сиёсат олиб бормоқда. Аммо дунёнинг геосиёсий ва геоэкологик манзараси динамик ўзгариб, глобал муаммолар тизимида корреляцион алоқадорлик кучайиб кетиши, Ўзбекистонда экологик таҳдидлар олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришни тақозо этади.

Шу боис, ҳозир мазкур қонунни янги таҳрирда қабул қилиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шароит ҳам, зарурият ҳам етилди, дейишга асос бор. Зеро, назаримизда бу қонун минтақавий, халқаро экологик ҳуқуқий муносабатлар тажрибаларини умумлаштириб, уларнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини [93; 8–18-б.], асосий принципларини, ҳаракатлантирувчи ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник механизмларини ва ижро йўналишларини уйғунлаштириб, экологик хавфсизликни таъминлашга оид қўйидаги вазифалар комплексини қамраб олиши лозим, яъни:

– табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамият, давлат, шахс ўзаро экологик муносабатлари хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойилларини, мезонлари ва меъёрларини конкретлаштириш;

– жисмоний ва юридик шахслар экологик манфаатлари, бурчлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурияти ва масъулиятини оширувчи

механизмларни ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитларини яратиш ва субъектив омилларни ривожлантириш;

– табиий атроф муҳит муҳофазасига йўналтирилган давлатнинг барча бошқарув органлари, нодавлат-нотижорат ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари тизими, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини эркинлаштириш, мувофиқлаштириш;

– экологик ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришнинг таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот усул-воситаларини, педагогик-дидактик технологияларини такомиллаштириш ва уларни аҳолига трансформация қилишнинг ташкилий асосларини мукаммаллаштириш;

– экологик хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли фаолият турларини: чегаралаш, таъқиқлаш ва жазолашни амалга оширишда ҳуқуқий асосларини демократиялаштириш ва ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни қоплаш тизимини яратиш;

– миллий, минтақавий экологик хавфсизликка таҳдидларнинг глобаллашуви профилактикасида халқаро ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш имкониятларини уйғунлаштириш ва экологик назоратни ҳозирги замон талабларига мос такомиллаштириш;

– экологик фаолият субъектларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини, молиявий манбаларини яратиш ва кенг миқёсда қўллаш амалий натижалар бериши муқаррар¹.

Бу санаб ўтилган талабларни, бир сўз билан умумлаштириб айтганда, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири – миллий экологик хавфсизликни таъминлашга оид давлат сиёсатининг умуминсоний демократик-гуманистик мазмунини, тамойилларини комплекс-системали, тарихий-мантиқий изчил ифодалаш лозим. Чунки бу қонун, функциясига кўра, экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашни: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш механизмларини қамраб олиши ва ҳукуматнинг

¹ Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозир амалдаги қонунларда, айнан экологик фаолиятни рағбатлантириш масаласининг қўйилиши мутлақо талабга жавоб бермайди.

бошқа қонунлари ва қонуности расмий ҳужжатларини экологиялаштиришга асос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги № 286, 287 қарорлари билан жамоатчилик асосида экологик назоратни амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда намунавий Низомлари тасдиқланди [125]. Яъни бу қарор асосида жамоатчилик экологик назоратни амалга ошириш тартиби, субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи: “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида” ҳамда “Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида”ги намунавий Низомлар тасдиқланди.

Кейинчалик, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экологик хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олишга йўналтирилган: “Фавқулодда экологик вазият ва офат ҳудудлари тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”, “Экологик суғурта тўғрисида”, “Табиатдан оқилона фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш тўғрисида”, “Давлат экологик назорати хизмати тўғрисида” ва бошқа янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Давлатнинг миллий хавфсизлик сиёсатида табиий атроф муҳитни ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишга доир янги қонунларни қабул қилиш ҳамда мавжудларини доимий такомиллаштиришни тақозо этади¹ Зеро, экологик муаммолар ечими қонунчилик ҳужжатларининг мукамаллигига бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан экологик қонунчиликни босқичма-босқич ва тизимли такомиллаштириб бориш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, 2015 йилнинг сентябрь ойида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўсимлик

¹ Масалан, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги аввалги Қонун 28та моддадан иборат бўлса, янги таҳрирда қабул қилинган Қонун 6 та боб ва 51 та моддадан иборат бўлиб, унда бу масала кенг ёритилган.

дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди.

Мазкур қонунларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, мамлакатимиз ҳудудида биологик хилма-хилликни ва унинг генофондини сақлаб қолиш, ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш шароитларини яратишга имконият берди. Энг муҳими, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини регламентлаштириши, ижобий экологик натижаларга ҳуқуқий асос бўлди.

Экологияга оид қонунларни ишлаб чиқишда умумий ижтимоий-ҳуқуқий тамойиллар билан бир қаторда, экологик муносабатларнинг ўзига хос ментал хусусиятлари акс эттирилиши керак. Зеро, табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштиришда ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожланиш хусусиятларига мослаштирилган ҳолда фойдаланилса, инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тактикаси ижобий натижалар бериши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, экологик қонунлар: **бир томондан**, давлат экологик сиёсатини мустаҳкамлаш усули, воситаси ва асосий шакли ҳисобланади. **Иккинчи томондан**, уларнинг ижро этилиши давлат бошқаруви барча бўғинларида, қатъий мониторингни тақозо қилади. Бу талаблар экологик қонун ва қонуности ҳужжатлар тизимини жамият ижтимоий-иқтисодий соҳаларида қабул қилинаётган қонунларни экологик эҳтиёжларга, манфаатларга мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу тартибдаги экологик қонунчиликнинг меъёрий талабларини амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, унинг натижалари, механизмлари самарадорлигини таъминлайдиган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлигига боғлиқ бўлади, яъни: 1) ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши, унинг экологик хавфсизлигига таҳдидларга қарши курашиш қонунлар ҳаётийлигига; 2) қонунлар ижросини таъминлаш механизмларини доимий такомиллаштириб, модернизациялаштириб боришга; 3) экологик

хавфсизликка таҳдидлар профилактикасида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни таъминлашига; 4) аҳоли экологик онгини, маданиятини ривожлантиришда таълим-тарбия институтлари ролини оширишга; 5) табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бошқа соҳалардаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан мутаносиблигига; 6) экологияга оид ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда халқаро экологик страндартларни жорий этиши кейинги босқичга асос яратди.

Ушбу талаблар умумлашган тарзда Ўзбекистоннинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да ўз ифодасини топган ва уларни амалга оширишнинг бошланишини **учинчи босқични** бошлаб берди. Яъни бу босқич экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалар контекстида қаралса:

1. Экологик фаолиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида: экологик масалалар ечимида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш; экологик қонунбузарликларни чегаралаш, таъқиқлаш ва жазолаш фаолиятида судларни ихтисослаштириш; фуқаролар экологик ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлаш; экология соҳасида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш; жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида экологик ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш ва либераллаштириш; жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштиришнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш йўналишлари қайд қилинган.

2. Экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда: экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикасида давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари фаолиятни мувофиқлаштириш; экологик экспансияга, терроризмга,

коррупция каби уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш; аҳолининг экологик ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш зарурияти кўрсатилган.

3. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлашда: экологик хавфсизликни муҳофаза ва назорат қилувчи идоралар иши натижаларини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликка имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш; экологик ҳуқуқ муҳофазасига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига мутасадди ташкилотлар фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш; фуқароларнинг экологик ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига ишончини мустаҳкамлаш; экология масалалари бўйича: жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш зарурлиги белгиланган.

4. Экологик хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишларда: Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми, экологик суверенитети, ҳудудий экологик яхлитлигини муҳофаза қилиш; давлат экологик хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш; халқаро экологик агрессия, экспансия тажовузлари таҳдидларига ўз вақтида муносиб қаршилик кўрсатиш; халқаро экологик сиёсий муносабатлардаги зиддиятларни бартараф қилишда “халқ дипломатияси” имкониятларидан самарали фойдаланиш; табиий атроф муҳит муҳофазаси, биосфера экологик мувозанати, инсон саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш; табиий ва антропоген таъсир натижасида фавқулодда вужудга келадиган экологик вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

5. Ташқи сиёсат соҳасида экологик хавфсизлик, бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг устувор йўналишларда:

давлат мустақиллиги ва экологик суверенитетини мустаҳкамлаш; мамлакатимизнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларда тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мавқеини, нуфузини ва ролини ошириш; экологик ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш; экология соҳасидаги халқаро муаммоларни тизимли ҳал қилиш механизмларини яратиш; Ўзбекистоннинг ён-атрофдаги давлатлар билан экологик хавфсизлик, барқарор аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш; мамлакатда олиб борилаётган экологик ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш; экологик муаммолар ечими бўйича икки ва кўп томонлама илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйиш; Ўзбекистон Республикаси ташқи экологик сиёсати норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; халқаро ҳуқуқнинг экологик талаблари асосида давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Умумлаштириб айтганда, атроф-муҳит ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш ундан оқилона фойдаланишнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини яратиш, экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш, давлат миллий хавфсизлик сиёсатининг таркибий қисмидир.

Ўзбекистонда миллий экологик хавфсизликни таъминлаш концепцияси Конституция, БМТ Низоми ва халқаро шартномаларда белгиланган ҳуқуқий мажбуриятларнинг асосий принциплари билан уйғунлаштирилган ҳолда шакллантирилган.

Экологик ҳуқуқий қонунларининг демократик ва гуманистик характери, уларнинг асосини яратишда кенг халқ оммаси иштироки, миллий, минтақавий ва умуминсоний экологик манфаатларни уйғунлаштирувчи халқаро ҳуқуқ нормаларига мослигида намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик сиёсати, мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини химоялаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ривожланган давлатлар сафига қўшилиш, халқимизга муносиб экологик турмуш шароитини яратиш борасидаги стратегик мақсадларга эришиш имконини беради.

3.2.-§. Миллий экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг зарурияти ва имкониятлари

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт соҳаларини қамраб олган глобал муаммолар вужудга келди ва уларнинг экологик муаммоларга муносабати намоён бўлмоқда. Яъни, бундай шароитда «Экологик хавфсизлик муаммоси, аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, инсониятнинг умумий муаммосига айланди» [34; 110-б.].

Экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тамойиллари 1992 йилда Рио де-Жанейро Декларациясида расман қонунлаштириб, “турли мамлакатлар ва миллатлар ўзаро муносабатларда амал қиладиган давлатларнинг тўла ва тенг ҳуқуқлилиги, ҳудудларнинг яхлитлигини, мустақиллиги ва суверинитетини хурматлаш, бир-бирларининг ички ишларга аралашмаслик тамойиллари жамият тараққиётининг умумий ғоялари ва экологик хавфсизликнинг асосий тамойилидир” [121], деб белгиланган. Бу тамойиллар, дунё мамлакатларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва илмий-маданий соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилишини ва ўзаро ёрдам беришини ифодалайди.

Ҳозирги даврда экологик хавфсизлик муаммосининг глобал характери, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, диний ва ахлоқий муносабатларини тубдан ўзгартириб юбориши билан характерланади. Замонавий экологик хавфсизлик муаммосининг глобаллашуви: жаҳонда иқтисодий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш техникаси, технологияси, ташқи савдо,

молиявий, сиёсий, маданий ва бошқа ижтимоий соҳаларда давлатлараро муносабатлар интеграциясини намоён қилмоқда.

Россиялик олим А.В.Торкуновнинг ёзишича, XXI аср бошида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш дунё миқёсида 7 баробар ошди. Планета аҳолиси 1950 йилга нисбатан 2,5 марта кўпайган бўлса, 2050 йилда эса яна 2,5 баробарга ошади. Аҳолининг динамик ўсиши 2030 йилга келиб, энергия ва озиқ-овқат маҳсулотларини 50 фоизга, ичимлик сув истеъмолини 30 фоизга кўпайтиришни тақозо этса, 2050 йилда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этади [110].

БМТ маълумотиغا кўра, халқаро савдо 1984 йилда – 3,8 трлн. 1993 йил – 11,4 трлн, 2000 йил – 14 трлн. долларга тенг бўлди. Бу XIX асрга нисбатан 1000 марта ошганлигини кўрсатади. Ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткичларнинг 2-2,5 баробар кўпайганлиги [119; 13–20-б.], ҳеч қандай истисносиз, дунё давлатлари экологик хавфсизлигига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмоқда. Бу кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси ҳақидаги футурологлар башорати хотиржамликка ўрин қолдирмайди.

Ўзбекистон давлати экологик хавфсизликка таҳдидлар муаммосининг глобал характерга эгалигини эътиборга олиб, миллий хавфсизлик сиёсатида МДҲ ва ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик йўлидан бормоқда. Яъни БМТнинг 1992 йил июнь ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган атроф муҳит ва ривожланиш бўйича «XXI аср кун тартибида» номли конференциясининг дастурий ҳужжатларини қўллаб-қувватлади [62; 173–176-б.]

Ўзбекистон мазкур ҳужжат асосида барқарор ривожланиш ва халқаро экологик ҳамкорликка доир ҳисоботини 1997 йил БМТ Бош Ассамблеясининг махсус Кенгаши мажлисига тақдим этди. Шунингдек, Халқаро банкнинг техник ва молиявий кўмагида Ўзбекистон Республикаси томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий режа, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотлари (ХССТ) билан ҳамкорликда атроф муҳит гигиенасини муҳофаза қилиш тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш борасида экологик хавфсизлик сиёсати бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Жумладан, “Озон қатламини ҳимоя қилиш ҳақида Вена конвенцияси” (1993 й.), “Иқлим ўзгариш ҳақида Доиравий (рамочный) конвенция” (1993 й.), “Чўлланишга қарши кураш бўйича конвенция” (1995 й.), “Бутун жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш ҳақидаги” конвенцияда (1972), “Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги” (1995 й.) конвенция ва бошқа расмий халқаро ҳужжатлар ижросида фаол қатнашмоқда¹.

Табиий атроф муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган бу конвенцияларда илгари сурилган илмий ғоялар, амалий тавсиялар Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилашга доир қонунларни халқаро нормаларга мослаштиришга ва амалий чора-тадбирлар режаларини шакллантиришга асос бўлди. Айниқса, 2001 йилда БМТ ташаббуси билан “Ўзбекистонда табиий атроф муҳит ҳолати ҳақида” шарҳнинг эълон қилиниши, мазкур ҳудуддаги экологик вазиятга жаҳон ҳамжамияти эътибори юқори эканлигини кўрсатди.

Хусусан, Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги оқибатида катта миқдорларда кимёвий моддалар қўлланилиши, самарасиз ирригация ва яроқсиз дренаж тизими, ифлосланган ва шўр сувлардан кўп миқдорда қайта фойдаланиш натижасида ерга ва чучук сувга янада кўпроқ ифлослантувчи моддалар тушганлиги, барча суғориладиган ерларнинг қарийиб 50 фоизи шўрланганлиги, 5 фоизи эса юқори даражада шўрхоқ ерлар деб тавсифланди [16; 1-б.].

Ўзбекистоннинг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда халқаро ҳамкорлик тамойилларига, ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши, ташқи сиёсатида асосий талаблари ҳисобланади. У атроф муҳит борасидаги кўптарофлама битимлар (АМКБ)

¹ Ўзбекистоннинг қандай халқаро экологик ташкилотларга аъзолиги, конвенцияларга, шартномаларга қўшилганлиги диссертациянинг “Адабиётлар рўйхати” қисмида кўрсатилган.

ратификация қилинган мажбуриятларини бажариш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ халқаро дастур ва лойиҳарада қатнашиш, минтақада атроф муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишни камайтиришга қаратилган ҳамкорликни рағбатлантириш, чегара ҳудудлари ва сув хавзаларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмларини ривожлантиришга қаратилган.

Бундай халқаро миқёсдаги эътирофдан кейин, Ўзбекистонда табиий атроф-муҳит муҳофазаси борасида янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, мавжудларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундан мақсад асосий меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, илгари эътиборан четда қолган масалаларни кўриб чиқиш ва қонун ҳужжатларини тегишли халқаро қонунлар ва стандартларга мувофиқлаштиришга имконият яратилди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида экологик муаммоларни ҳал қилишда дунё давлатлари билан ҳамкорлик сиёсатини амалга ошириш учун икки ва кўп томонли битимлар тузишга эришди. Айниқса, Ўзбекистоннинг глобал миқёсда табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган БМТ конвенцияларини тайёрлашда фаол иштироки, унинг халқаро мақомини ва мавқеини кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистоннинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда халқаро ҳамкорлик тамойилларига, ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши, ташқи сиёсатида асосий талаблари ҳисобланади. У атроф-муҳит борасидаги кўп тарафлама битимлар (АМКБ) ратификация қилинган мажбуриятларини бажариш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ халқаро дастур ва лойиҳарада қатнашиш, минтақада атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишни камайтиришга қаратилган ҳамкорликни рағбатлантириш, чегара ҳудудлари ва сув хавзаларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмларини ривожлантиришга қаратилган.

Ер юзида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, экологик хавфсизликка таҳдидлар оқибатларини бартараф қилиш, барқарор тараққиётни таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бораётган БМТнинг бу жараёндаги асосий вазифаси – тараққийпарвар кучларни бирлаштириш орқали мазкур муаммоларга ечим топишдан иборат. Дунё давлатларини ўзаро мулоқот, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаш, уларнинг куч ва имкониятларини яратувчанлик йўлида бирлаштириш, яъни энг долзарб масалаларни, шу жумладан экологик муаммоларни халқаро ҳамкорликда баҳамжиҳат ҳал қилиш ушбу ташкилот томонидан қабул қилинган “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари”да ҳам ўз ифодасини топган.

Масалан, БМТнинг глобал иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий Конвенцияси ва Киото протокоliga мувофиқ, Копенгаген Келишуви (КК-15) Халқаро Конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўришда Ўзбекистон Республикасининг ушбу муаммога давлатларнинг муносабатини аниқлаш бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаб, уни БМТ Конвенцияси Котибиятига тақдим этишда қатнашди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий Конвенцияси бўйича “Учинчи Миллий ахборот”ини тайёрлаш доирасида ўтган даврда амалга оширилган фаолият бўйича (2010 йилда 12-1195-сонли) таҳлилий материалларни тақдим этди. Кейичалик шу материаллар асосида 2015 йили БМТ глобал иқлим ўзгариши Конвенцияси доирасида Киото протокоlidан кейинги иккинчи шартнома тузилди.

Конвенцияда 195 мамлакат вакиллари, барча учун бажарилиши шарт бўлган, БМТнинг иқлим бўйича янги шартномасини қабул қилди. Ушбу шартнома 2020 йилга қадар иқлим ўзгаришини олдини олиш бўйича асосий тамойилларни ва кўрсаткичларини, яъни дунё давлатларининг 2020 йилгача иссиқхона (парник) газлари эмиссияси ҳажмини камайтириб, иқлим ўзгариши олдини олиш чораларини белгилади [64; 166–168-б.].

Ўзбекистон Республикаси делегацияси 2015 йил 30 ноябрда Парижда ўз ишени бошлаган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конвенция аъзоларининг XXI конференциясида иштирок этиб, бу протоколга қўшилганлигини эътироф этди. Умуман, Ўзбекистон 1992 йилда Рио де Жанейро шаҳрида имзоланган Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясининг 1993 йилдан буён аъзоси ҳисобланади. Мазкур конвенция Иқлим ўзгариши билан боғлиқ яна бир халқаро ҳужжат Киото протоколи бўлиб, Ўзбекистон ушбу протоколда 1999 йилдан бўён қўшилиб, фаолият олиб бормоқда.

Марказий Осиё минтақасидаги ҳар бир давлат мамлакатнинг экологик вазияти ва иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб, Киото протоколида белгиланган мажбуриятлар асосида ўзининг миллий экологик сиёсатини шакллантирмоқда. Давлатларнинг миллий экологик сиёсатида табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастурларида, табиатни келажак авлод учун сақлаб қолишдан иборат асосий амалий фаолият йўналишлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг ГЭЖ/ЮНЕП билан биргаликда “Монреал Протоколи”да белгиланган мажбуриятлар бажарилишида Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистон мамлакатларида ҳамкорликни қўллаб-қувватлашни давом эттириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида экологик хавфсизликка таҳдид бўлган маҳсулотлар билан ноқонуний савдо қилишнинг олдини олишга доир миллий қонунчиликни янгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш, жамоатчиликни хабардор қилиш соҳаларида кенг фаолият олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси вакили Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида 2010 йилнинг октябрида Брюссель шаҳрида (Бельгия) бўлиб ўтган ядровий хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича Европа давлатлар вазирлари учрашувида иштирок этди. Учрашувда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўрталарида Марказий Осиёдаги уран конларининг экологик

вазиятга салбий таъсирини камайтириш масаласида ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди. Йиғилишда Европа Иттифоқи Комиссиясининг Марказий Осиёдаги уран чиқиндихоналарини соғломлаштириш ишларини амалга оширишда молиявий кўмаклашишдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасида (2010 йил 14-16 декабрь) Марказий Осиё Давлатлараро барқарор ривожланиш Комиссиясининг (ДБРК) йиғилиши ўтказилди. Йиғилишида, ДБРК ва унинг таркибий ташкилотлари ҳисоботлари тингланди. 2009 йилда Алмата шаҳрида (Қозоғистон) қабул қилинган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи-давлат раҳбарлари кўшма Баёотини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасининг бажарилиши, 2010 йилнинг сентябрь ойида Остона шаҳрида (Қозоғистон) ўтказилган атроф муҳит ҳамда Осиё ва Тинч океани минтақасини ривожлантириш бўйича 6-чи Вазирлар Конференцияси якунлари, атроф муҳит вазирларининг еттинчи Умумевропа конференциясига (2011 йил, Остона, Қозоғистон) ҳамда Барқарор глобал ривожланиш бўйича БМТ Конференциясига (2012 йил, Рио-де-Жанейро) тайёргарлик кўриш, ДБРКда раислик ваколатларини Қозоғистон Республикасига бериш, ДБРКнинг 2011–2012 йиллардан кейинги асосий фаолияти йўналишлари бўйича масалалар муҳокама қилиниб, ўтказилган йиғилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009-2010 йилларда ДБРКда раислик қилган давр давлатимизнинг халқаро экологик ҳамжамиятдаги мавқеини баҳолашда катта аҳамият касб этди. Хусусан, 1) қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича Марказий Осиё минтақавий Марказини яратиш; 2) Орол Денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича “Учинчи дастур” лойиҳасини ишлаб чиқиш; 3) Ўзбекистон Республикасининг «Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш учун атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги халқаро Доиравий Конвенция»га қўшилиши; 4) “Марказий Осиёни барқарор ривожлантиришнинг “Субминтақавий стратегия”ни мувофиқлаштиришдаги фаолияти; 5) Марказий Осиё мамлакатларида табиатни муҳофаза қилиш

дипломатиясини ривожлантиришнинг минтақавий семинарини ташкил қилиши; б) давлатлараро барқарор ривожланиш Комиссиясининг мунтазам йиғилишлари ва бошқа ташкилий тадбирлар ўтказилиши, унинг салоҳиятини ҳамда имкониятларини кўрсатди.

2010 йилнинг 13 декабрида Бишкек шаҳрида (Қирғизистон) ENVSEC БМТнинг “Атроф муҳит ва хавфсизлик” ташаббуси билан “Марказий Осиёда радиоактив чиқиндиларни барқарор трансчегаравий бошқариш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ресурсларни сафарбар қилиш фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш” лойиҳаси доирасида минтақавий учрашув ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикасидан Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда Вазиятлар, Ташқи Ишлар Вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси, шунингдек БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистоннинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан Қирғизистон Республикасида табиий атроф муҳит муҳофазасига оид хизматлари билан биргаликда Мойли-сув дарёси худудидаги сел-кўчки жараёнлари ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилишнинг амалга оширилиши, ҳар икки давлат учун экологик хавфсизликка реал таҳдидларни бартараф қилишга катта ҳиссаси деб баҳолашга муносиб.

Мойли-сув дарёси водийсидаги радиоактив чиқиндилар муаммосини [34; 121–123-б.] бартараф қилиш ишларини мувофиқлаштириш ва шартномада келишилган ҳаракатларни давом эттириш учун Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида доимий ишчи гуруҳининг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга 2017 йил расмий ташрифидан кейин янги босқичга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар Давлат Қўмитасининг “Уран ва камёб металлари геологияси илмий-ишлаб чиқариш Маркази”

давлат корхонаси билан биргаликда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) нинг молиявий кўмагида Қирғизистон Республикаси худудида (Мойли-сув, Сумсар ва Шохимардон дарёлари хавзаларида) жойлашган радиоактив чиқиндихоналар, тоғ-кон жинслари уюмларининг трансчегаравий таъсирини баҳолаш учун Сирдарё дарёси хавзаси (Ўзбекистон Республикаси чегарасида) сув ресурслари ифлосланишининг олдини олишга доир комплекс экологик мониторинг лойиҳаси бажарилмоқда [133].

Марказий Осиё минтақаси давлатларининг экологик фаолиятида бу каби йўналишларда ҳамкорликни кучайтириши, аввало уларнинг миллий, минтақавий ва жаҳон мамлакатлари манфаатларини уйғунлаштириши, экологик вазиятининг динамик ривожланиш жараёнини, оқибатларини холис баҳолашни тақозо қилади. Лекин, шу талаб асосида атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг миллий дастурларини, фақат минтақа давлатлари миқёсда мувофиқлаштириш етарли эмас. Зеро, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатларни ривожлантириш орқали глобал экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилишдан иборат умуминсоний геоэкологик мақсадларга эришиш мумкин.

Жаҳон ҳамжамияти давлатларининг экологик манфаатларини уйғунлаштириш халқаро муносабат соҳасида байналминаллашувнинг янги йўналишни вужудга келтирди. Яъни “ҳозирги даврда экологик сиёсатнинг байналминаллашув жараёни: давлатларнинг географик жойлашуви, иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий тизими, этник таркиби, конфессионал мансублиги ва бошқа ижтимоий кўрсаткичларидан қатъий назар, дунёнинг тобора кўпроқ мамлакатларини қамраб олмоқда. Бирок объектив ва субъектив сабабларга кўра, айрим давлатларда экологик ривожланишининг турли даражалари (*техник-технологик, интеллектуал қолоқлиги, айниқса айрим давлат раҳбарларининг миллий утилитар-меркантил манфаатларини мутлақлаштиришлари*. Таъкид бизники – Н.И.), уларнинг ҳамкорлигига тўсқинлик қилмоқда” [80; 4-б.].

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов 1994 йил 23 майда Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари очилишига бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида глобал муаммолар ечимида минтақа давлатлари ҳамкорлигининг Оролбўйи инқирозини бартараф қилишдаги аҳамияти ҳақида: “Оролбўйининг неъматларини барча “ягона совет халқи” билан баҳам кўрган бўлсак, унинг “аччиқ мева”си – Орол ва Оролбўйи фожиаси, бу ҳалокатнинг экологик оқибатлари, ҳалокатидан қутулиш йўллари кидириш – ёлғиз ўзимизнинг, Марказий Осиё халқларининг иши бўлиб қолди” [37; 233-243-б.], деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида” Қарори Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга доир белгиланган вазифалари [4; 49-б.], нафақат мамлакатимиз учун, балки минтақа давлатларида экологик хавфсизликни таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Бу қарорнинг тарихий аҳамияти – Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-экологик муаммолар комплексини системали қамраб олганлиги билан изоҳланади. Зеро, бу комплекс чора-тадбирлар дастури минтақа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий турмуш даражасини яхшилашда янги босқични бошлаб берди.

Халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашуви кучайган ҳозирги шароитда Ўзбекистон давлатининг минтақавий ва глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолияти:

биринчидан, БМТ Декларациялари асосида муайян давлат, миллат, халқ тасарруфидаги табиий бойликлардан фойдаланишлари минтақадаги бошқа давлатлар ва халқлар экологик хавфсизлигига таҳдид туғдирмаслиги;

иккинчидан, инсониятнинг глобал геоэкологик яшаш макони умумий бўлгани учун давлатлар сиёсий суверинитети, миллий мустақиллиги шартли ва нисбийлигини эътироф этилиши;

учинчидан, давлатларнинг халқаро экологик муносабатларида минтақавий ва глобал манфаатлар устуворлиги тамойилига, муаммолар ечимида ўзаро ҳамкорликка асосланиши;

тўртинчидан, асрлар давомида анъанавий шаклланган миллатлараро, давлатлараро ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда янги экологик қадриятларни ижодий ривожлантириши;

бешинчидан, инсониятнинг ҳозирги дунё экологик манзарасидаги ўзгаришларга масъулият билан ёндашиб, табиий ресурслардан бесамар фойдаланиш оқибатлари учун масъулият ва жавобгарликни англаши;

олтинчидан, мамлакатлар ва минтақаларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарорлиги, барча экологик низоларни тинч йўл билан бартараф этиш – экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда асосий тамойиллар ҳисобланишини эътироф этишлари шарт.

Кўрсатилган омиллар миллий экологик хавфсизликни, жамият барқарор ривожланишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, унинг истиқболлари учун зарур шарт-шароитларни умумлаштиради [59; 21-28-б.]. Зеро, ҳозирги глобаллашув шароитида миллий, минтақавий ва умуминсоний экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш стратегияларнинг органик интеграциялашуви ҳамда унификациялашуви, дунёдаги барча мамлакатлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарор ривожланишига зарур имконият яратади. Уларнинг ривожланиши эса, келажакда глобал экологик вазият барқарорлигига олиб келади, деган оптимистик хулосага асос бўлади [66; 88-б.].

Лекин, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган глобаллашув жараёни, халқаро ҳаёт асосий компонентларига ва соҳаларига фаол таъсирини намоён қилмоқда, яъни: **бир томондан,** экологик таҳдид йўналишларида ҳам, таъсир кўламида ҳам, оқибатларида ҳам жиддий ўзгаришларни вужудга келтирди.

Иккинчи томондан, умуман инсоният ижтимоий фаолиятининг барча жабҳаларини, хусусан халқаро экологик сиёсий муносабатларини қайта ташкиллаштириш эҳтиёжини ҳам, заруриятини ҳам кучайтирмоқда.

Халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар тарихининг муайян даврларида давлатлараро экологик муносабатларни регламентлаштирувчи экологик ҳуқуқ нормалари умуминсоният барқарор экологик хавфсизлигини таъминлаш шарти ҳисобланади.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида, миллатлар ва давлатларнинг экологик мақсадлари, эҳтиёжлари, манфаатлари идентификациялашуви, яъни **экологик ўзлигини** англаши – суверинитет тушунчасининг анъанавий мазмунини ҳам, шаклини ҳам, парадигмасини ҳам ўзгартириши билан характерланади.

Шу ўринда БМТ эътироф этган: инсониятни жаҳон ядро [92; 94-б.] уруши хавфидан сақлаш; планетар масштабда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш; хом-ашё ва энергетика ресурслари тақчиллиги олдини олиш; дунё демографик вазиятини мўътадиллаштириш; қашшоқ ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш; океан ресурслари ва космосдан оқилона фойдаланиш; жаҳон аҳолиси соғлиғини сақлаш ва саводсизликни тугатиш; эскалация тенденциясига эга халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ва бошқа глобал муаммолар тизими, муқаррар равишда, экологик хавфсизлик масаласи билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, Феликс Мюллер ёзганидек, “ табиий ресурслар миқдори камайиши ва сифати пасайиши, аҳолининг шиддат билан глобал кўпайиши, табиат ресурсларининг нотекис тақсимланиши, атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ хавфсизликка таҳдидларнинг асосий омилларидир” [80; 2-б.].

Ўзбекистон давлатининг экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш учун халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларни кучайтириш ва кенгайтириш фаолияти йўналишлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017–2021 йиллар учун “Ҳаракатлар стратегияси”да

белгиланган **“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат”**ни глобал экологик хавфсизликни таъминлашда, бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг роли контекстида қаралса: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, экологик суверенитети, худудий экологик яхлитлигини муҳофаза қилиш; давлат экологик хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш; халқаро экологик агрессия, экспансия тажовузлари таҳдидларига ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш; халқаро экологик сиёсий муносабатлардаги зиддиятларни бартараф қилишда “халқ дипломатияси”, ОАВ ва жамоатчилик фикри (“бешинчи ҳокимият”) имкониятларидан самарали фойдаланиш; табиий атроф муҳит муҳофазасига, биосфера экологик мувозанатига, инсон саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш; табиатга антропоген таъсир натижасида вужудга келадиган фавқулодда экологик вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш асосий стратегик вазифа қилиб қўйилган.

“Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларда” эса: давлат мустақиллиги ва экологик суверенитетини мустаҳкамлаш; мамлакатимизнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларда тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мавқеини, нуфузини ва ролини ошириш; экологик ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш; экология соҳасидаги халқаро сиёсат муаммоларни тизимли ҳал қилиш механизмларини яратиш; Ўзбекистоннинг ён-атрофдаги давлатлар билан экологик хавфсизлик, барқарор аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш; мамлакатда олиб борилаётган экологик ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш; экологик муаммолар ечими бўйича икки ва кўп томонлама илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйиш; Ўзбекистон Республикаси ташқи экологик сиёсатининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий

асосларини такомиллаштириш; халқаро ҳуқуқнинг экологик талаблари асосида давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш стратегик вазифаларини кўрсатиш мумкин.

Бу вазифаларда миллий, минтақавий ва глобал экологик хавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги назарий, амалий масалалари кўрсатилган, яъни:

– **биринчидан**, Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний манфаатларини уйғунлаштириш сиёсати глобал экологик барқарор тараққиёт ва хавфсизлик мақсадига, эҳтиёжга ва манфаатларига мос келади;

– **иккинчидан**, Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш соҳасидаги амалий фаолияти, халқаро сиёсий мавқеини ва мақомини мустаҳкамламоқда;

– **учинчидан**, Ўзбекистоннинг миллий ва умуминсоний экологик хавфсизлик соҳасида глобал тизимга интеграциялашуви: тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий масъулият ва ихтиёрийлик тамойилларига асосланган;

– **тўртинчидан**, Ўзбекистон учун глобал экологик хавфсизликни таъминлашнинг халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришга доир амалдаги ҳуқуқий нормалар ва шартномалар устувор аҳамиятга эга;

– **бешинчидан**, Ўзбекистоннинг глобал экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилишда халқаро сиёсий жараёлардаги иштироки демократик “очиқ сиёсат” характериغا эгадир. Зеро, Ўзбекистон давлатининг миллий, минтақавий ва глобал экологик хавфсизликни таъминлашдаги геосиёсий мавқеи, глобал экологик барқарор тараққиётини таъминлашдаги геостратегик ўрни ва мақоми билан белгиланади [24; 17-б.].

Яъни, **биринчидан**, муайян давлатларда миллий хавфсизлигини таъминлаш – глобал геоекологик маконда: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий муносабатларда умуминсониятни экологик хавфсизликка таҳдидлар тизими глобаллашувидан муҳофаза қилишга хизмат қилади;

иккинчидан, давлатларнинг халқаро экологик сиёсатида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш фаолиятида экологик

хавфсизликни бартараф қилиш салоҳияти ва имкониятлари, геосиёсий макондаги мақоми ва мавқеини аниқлаш мезони ҳисобланади;

учинчидан, давлатларнинг халқаро муносабатларда барқарор экологик мувозанатини сақлаш имкониятлари – объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлигини, институционал тизими элементларининг функционал мувофиқлашган фаолиятини тақозо қилади;

тўртинчидан, халқаро муносабатларда глобал экологик хавфсизликни таъминлаш, аввало мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик зиддиятли вазиятларни бартараф этишга, минтақавий интеграция характерига ва геосиёсий жараёнлар барқарорлигига боғлиқдир;

бешинчидан, давлатларнинг миллий хавфсизлиги ва экологик барқарор таракқиётига таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда конструктив ва рационал усул-воситалардан фойдаланиш самарадорлиги, инсон омили ролига боғлиқ бўлади.

3.3.-§. Экологик хавфсизликнинг “Миллий модели”ни шакллантириш зарурияти

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг “Миллий модели”, халқаро экологик дастурларда, конвенцияларда, шартномаларда кўзда тутилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ва бошқа муносабатлар тизимини экологиялашувини регламентлаштирувчи расмий ҳужжатлар асосида шакллантирилади. Бу фаолиятни моделлаштиришнинг асосий вазифаси – экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишга қаратилган бўлиб, миқёси жиҳатидан: миллий, минтақавий ва глобал даражаларда бўлиши мумкин.

Экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш моделларининг таъсир доираларига мос тарзда ареалига кўра туркумлаштиришда: 1) **локал** (маълум маҳаллий географик тор доирада чегараланган); 2) **регионал** (минтақа ёки мамлакатлар гуруҳи миқёсида); 3) **глобал** (планетар

геоэкологик макон чегарасида) туркумлаштириш, уларни функционал конкретлаштиришга хизмат қилади.

Экологик хавфсизликка таҳдидларни фалсафанинг борлиқни билишда, умуман категориялари тизими нуқтаи назардан, хусусан: “бутун”, “қисм”, “элемент”, “структура”, “система” ёки алоҳидалиқдан махсуслик орқали умумийликка ўтиш тамойиллари контекстида таҳлил қилиш, ушбу феноменни назарий моделлаштиришнинг комплекс-системалилигини ва нисбатан универсаллигини таъминлайди. Зеро, ҳар қандай соҳада ривожланишнинг миллий модели умумийликнинг конкретлашган шаклидир.

Локал маҳаллий-миллий моделлар, асосан корпоротив манфаатларни ҳимоя қилишдан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Лекин уларни глобал моделнинг конкретлашган кўриниши деб баҳолаш жоиз. Яъни, унинг мазмунида, *бир томондан*, муқаррар равишда, умуминсоний мақсад ва манфаат мужассамлашган ҳамда конкретлашган бўлади. *Иккинчи томондан*, уларнинг динамик ривожланиш тенденцияси локал миқёсдан чиқиб, глобаллашиш потенциалига эга. Бу эса корпоротив эҳтиёж ва манфаатга асосланган экологик хавфсизликка қарши курашнинг байналминаллашувини кўрсатади.

Бутун дунё давлатлари, шу жумладан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги экологик ҳамкорликка оид стратегик режалар, табиий муҳит ва атмосферани муҳофаза қилишга доир ҳаракатлар, фақат бир давлатнинг ички вазифаларини бажариш билан чегараланмайди, балки минтақа халқлари ва умуминсониятнинг экологик манфаатлари уйғулашувини ҳам назарда тутаяди. Бу эса, давлатларнинг ҳамкорлиги ва уларнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, халқаро экологик ҳамкорликни моделлаштириш тамойилларини ва методларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашувчи мутасадди миллий ва халқаро институтларнинг интеграциялашувини функционал моделлаштириш учун: *биринчидан*, объектларининг индивидуаллигини таъминловчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив

омилларга, усул-воситаларига дифференциал ёндашувни; **иккинчидан**, моделлар оммавийлиги ва ишончилиги, унинг объектлари ўртасидаги муносабатлар узвийлиги ва изчиллигини таъминлашга боғлиқлигини; **учинчидан**, ҳар қандай моделларни шакллантирувчи объектлар характери, субъектларининг функциялари ижтимоий-экологик макон ва тарихий замон хусусиятларига қараб ўзгариб туришини; **тўртинчидан**, моделларни оммавий трансформация қилиш коммуникацияси, инфраструктураси, усул-воситалари ва механизмларининг интеграциялаштирувчи ролини; **бешинчидан**, экологик хавфсизликка таҳдидлар эскалацияси олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишда субъектлари фаолиятини функционал мувофиқлаштириш муҳим роль ўйнашини эътиборга олиш керак.

Ушбу жараёнда локал (муайян географик ареал назарда тутилмоқда) экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилишнинг (микро- ёки мини-) модели ҳам глобал манфаатларга адекват бўлади. Чунки бундай моделлар умуминсониятнинг экологик хавфсизликка эҳтиёжлари ривожланиш қонуниятларини, хусусий индивидуаллашган ҳолда намоён қилади. Экологик хавфсизликка эҳтиёжларнинг нисбатан турғунлиги ва моделларнинг динамик ўзгарувчанлиги эътиборга олинса, ҳар қандай хусусийлик индивидуаллиги, умумийликни истисно қилмаслигини ёдда тутиш керак.

Шу нуқтаи назардан, экологик хавфсизликка эҳтиёжлар муқобиллиги, улар асосида шаклланган моделларнинг адекватлиги нисбий ва шартли бўлса ҳам, уларни бир-бирига қарама қарши қўйиш ёки ажратиш эмас, балки ўзаро мувофиқлаштириш нуқтасини топиш нисбатан мукамал моделларни яратишга олиб келади. Бунда экологик хавфсизликка эҳтиёжларни шакллантирувчи мотивлари, ҳаракатлантирувчи механизмлари ва институционал тизимининг ташкилий-функционал структураси: моделнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини, мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Экологик хавфсизликни таъминлашга доир моделларнинг мақсадга мувофиқлиги – миллий ва умуминсоний манфаатлар интеграциялашуви турғунлигига, уларни шакллантирувчи институционал тизим структурасида

элементларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бунда институтлар фаолияти самарадорлиги билан жамият экологик хавфсизлиги ўртасида алоқадорлик, моделларни трансформация қилиш коммуникацияси ва воситалари мукамаллигини, юксак интеллектуал салоҳиятни тақозо қилади.

Экологик хавфсизликни таъминлаш моделларининг табиатни муҳофаза қилишда стратегик вазифаларни белгилаш, истиқболларни башорат қилиш функциясида: фундаментал илмий-назарий концептуал асосларига, ижтимоий онг шаклларига, тарихий тажрибаларга, маънавий-ахлоқий тамойилларга, ҳуқуқий нормаларга таяниши ва уларни ижодий умумлаштириши муҳимдир. Зеро, умуминсоният цивилизацияси эҳтиёжларига, манфаатларига мос экологик хавфсизликнинг глобал моделини шакллантиришга оид муқобил илмий назарияларни, миллий тажрибаларни умумлаштириш, унинг нисбатан универсал таълимотларини яратишга асос бўлади.

Экологик хавфсизликни таъминлашни моделлаштириш шахс, жамият ва давлатнинг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишини демократик-ҳуқуқий тамойилларга кўра: ташкиллаштиришида давлат ва фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Уларнинг асосий хусусиятлари, бир томондан, умуминсоний эҳтиёжлар, манфаатлар уйғунлигида намоён бўлса ҳам, ички табақаланиш ва зиддиятлардан ҳоли эмас. Иккинчи томондан, бу зиддиятлар, қарама-қаршиликлар миллий, ҳудудий доиралардан чиқиб, потенциал глобаллашиш тенденцияси:

1) глобал экологик муаммолар ечимига доир моделлар “каскади” – умуминсоний эҳтиёжлар, манфаатларни интеграциялаштириш натижасида шаклланади ва халқаро экологик сиёсий муносабатларда толерантлик, консенсус, ўзаро ёрдам тамойилларига асосланади;

2) халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ҳамкорлик негизида шаклланган глобал экологик хавфсизлик модели муайян соҳанинг детерминлаштирувчи роли устуворлигини, ўзига хос бошқариш институтлари тизимини шакллантиради;

3) трансмиллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилувчи этноэгоистик, этноэгоцентристик ғоявий-мафкуравий қарашлар дунё аҳолисининг муайян қатламлари онгига таъсири институтлашиб, умуминсоният цивилизациясига экологик хавф эскалацияси кучаяди;

4) экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашни глобал бошқариш институтлари самарадорлиги: ноосфера шаклланишига, жамият интеллектуал салоҳиятига, халқаро сиёсий ташкилотлар ролига, тарғибот-ташвиқот тизими ривожланишига боғлиқ бўлади.

Глобал экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилишда жамият ижтимоий қатламларига, социал табақаларига, уларнинг мобиллик хусусиятларига дифференциал ёндашиб, индивидуал моделлар яратилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, давлатларнинг ёшларга оид сиёсатида, уларнинг жамият демографик структурасидаги ўрнига, ижтимоий мақомига ва бошқа кўрсаткичларига комплекс-системали дифференциаллашган ёндашишда:

биринчидан, ёшлар ижтимоий қатламининг индивидуал-корпоративлик хусусиятига алоҳида эътибор бериш зарур. Яъни, ёшлар онгига экологик таҳдидларга қарши кураш ғояларини сингдириш, уларда ватанпарварлик руҳини тарбиялаш педагогик-дидактик фаолиятнинг таркибий қисмига айлантирилиши муҳим аҳамиятга эга;

иккинчидан, ёшлар онгига ватанпарварлик туйғусини трансформация қилиш мураккаб ғоявий-мафкуравий жараён бўлиб, уни умуман хавфсизлик, хусусан экологик хавфсизликка таҳдидларнинг махсус шакли бўлган геосиёсий манфаатларини ҳимоя қилувчи турли мафкуралар ҳукмронлиги учун курашидан ажратиб бўлмайди;

учинчидан, ёшлар эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-ҳаваслари корпоротивлигини, индивидуаллигини мутлақлаштириш – аждодлар ва авлодлар ўртасида шаклланган экологик тарихий қадриятлар меросига ворислик муносабатларига путур етказиши, ўтмиш авлодлар хотирасига нигилистик муносабатни шакллантириши мумкин;

тўртинчидан, ҳар бир давлатнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларида ёшлар ижтимоий қатлами эҳтиёжларини қондирадиган, манфаатларини ҳимоя қиладиган институционал тизим фаолиятини кучайтириш, мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг глобал муаммолар ечимидаги ролини ошириш имкониятидир;

бешинчидан, ёшларнинг глобал экологик таҳдидларга қарши “мафкуравий иммунитет” халқаро терроризм, экстремизм, диний фундаментализм, ксенофобия ва бошқа агрессив ғоялар эскалацияси олдини олишга йўналтирилган ғоявий-мафкуравий муносабатлар контекстида, ўз аҳамиятини намоён қилади.

Лекин ёшлар онгида бу хусусиятлар стихияли, автоматик тарзда шаклланмайди яъни эски консерватив усул-воситалар билан шакллантириб бўлмайди. Айниқса, “бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади” [36; 116-б.].

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлатида ёшларга оид сиёсат устувор йўналиш қилиб белгиланган. Хусусан, Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”ни тадқиқотимиз мавзуси нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, экологик таҳдидлар хавфи эскалацияси кучайиб, глобаллашиб кетаётган шароитда: жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий позицияга, илмий экологик дунёқарашга эга ёшларни тарбиялаш; демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида, уларнинг ижтимоий-экологик фаоллигини ошириш; ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ижтимоий-экологик фаолиятга ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш; ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал экологик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш; болалар ва ёшлар экологик онги ва маданиятини

ривожлантириш ва табиат муҳофазасига кенг жалб этиш; ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг ёшлар экологик фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва рағбатлантириш тизими самарадорлигини ошириш; экологик вазияти кескин Оролбўйи ҳудудида ёшлар экологик онги ва маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш тадбирларининг, бевосита ёки билвосита экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишга йўналтирилганлигини кўрамиз [3; 26–27-б.].

Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ривожланган давлатлар сафига кўшилиш, халқимизга муносиб экологик хавфсиз турмуш шароитини яратиш борасидаги стратегик мақсадларга эришишда ёшлар ижтимоий қатламининг роли катта. Уларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳалардаги фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати экологик хавфсизликни реал моделлаштириш кафолати бўлмоқда.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилиниши, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақаси давлатларида табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишга доир миллий моделини шакллантиришда назарий-методологик асос бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши муҳим ижтимоий-экологик ўзгаришларга мўлжалланган узоқ муддатли халқаро дастурларни амалга оширишнинг навбатдаги босқичи бўлди.

Зеро, Ўзбекистонда “Ҳаракатлар стратегияси” минтақавий ва глобал экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш; миллий манфаатларга мос халқаро нормалар ва экологик ҳуқуқларни қабул қилиш; минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ташкиллаштиришда фаол қатнашиши, атроф муҳитни

муҳофаза қилишнинг “Миллий моделини” такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасида табиий атропо мухитни муҳофаза қилишга доир “Миллий модели” иқтисодий тез суръатларда ривожлантириш имкониятларини, экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишдаги асосий детерминлаштирувчи омил ролини эътиборга олиш керак. Хусусан, “амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди” [10].

2017 йилги иқтисодий ривожланиш дастурининг устувор вазифаларини тизимли амалга ошириш натижасида мамалакатимизда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) жорий нархларда 249,13 триллион сўмдан ошди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 5,3 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш 3,5 фоизга ўсди. 2017 йилдаги ЯИМ асосан фан-техника ва меҳнат унумдорлиги ҳисобига ошди. Асосий капитал, ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш ўз натижасини берди. Жумладан, 2017 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эквивалентда 854 миллион долларни ташкил этди [15].

Ҳозирги вақтда минтақавий ва глобал экологик муаммолар ечимини моделлаштиришда [97; 378-б.] моддий ишлаб чиқариш тизимига, юксак самарали илғор экологик технологияларни ҳаётга жорий этишга эътибор кучаймоқда. Жумладан, Ўзбекистонда табиий атропо мухитни муҳофаза қилиш тизимини техник-технологик модернизациялаштиришда халқаро ташкилотларнинг асосий мақсади устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда 2007 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атропо мухитни муҳофаза қилиш Дастури тўғрисида”ги Қарори атропо мухитга салбий таъсир кўрсатаётган иссиқлик

газлари эмиссиясини камайтириш технологиясини ривожлантириш бўйича катор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, кимё корхоналарини реконструкция қилиш, ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтириш, экологик соф энергия манбаларидан фойдаланишда фан сиғими юқори техник-технологик асосларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, юртимизда глобал иқлим ўзгариши муаммолари ва унга мослашиш йўллари, иссиқлик газларини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, табиий мувозанатни асраш, инсон саломатлигини муҳофазалаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича бажарилаётган лойиҳалар натижаларини ошириш, галдаги вазифалар жумласидандир [127].

Хусусан, Ўзбекистон 1996 йилдан бери хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий ҳаракати ва уларни йўқ қилиш тўғрисида БМТ (ЮНИДО) ёрдами билан тоза технологиялар Маркази ташкил этилди ва корхоналар даражасида 10 та лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳалар ишлаб чиқаришни экологик талаблар асосида ташкил этиш, технологик режим талабларига риоя қилиш, тозалаш иншоотлари, чанг ва турли захарли газларни тутиб қоладиган қурилмаларни ўрнатиши билан муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маълумки, тупроқ ва ер ости бойликлари, дарё, кўллар, сув омборлари, каналлар, сув ҳавзалари, сизот сувлар, музликлар ва ҳоказолар саноат, транспорт, коммунал хўжаликлар ва бошқа корхоналардан чиққан тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқовалардан ифлосланади. Атмосфера эса, асосан қора ва рангли металлургия корхоналари, кимёвий, энергетик, нефтни қайта ишлаш саноати томонидан норматив ҳужжатларда белгиланган ва рухсат этилган концентрация (РЭК)дан юқори миқдорда чиқариладиган: углевод оксиди, олтингугурт, кўрғошин, азот оксидлари, симоб, водород сульфиди ва бошқа жонли мавжудот ҳаёти учун хавфли моддалардан ифлосланади.

Шунинг учун ҳам табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг “Миллий модели”ни шакллантиришда экологик хавфсизликка таҳдидларнинг куйидаги ташкилий жиҳатларига, яъни:

1) муайян ҳудудларда чиқинди чиқарадиган, ер, сув, атмосферани табиатни ифлослайдиган манбаларни – ишлаб чиқариш ва маиший корхоналарини паспортлаштириш;

2) чиқиндиларнинг РЭКдан юқорилиги, уларнинг миқдори, ифлосланиши давомийлиги натижасида вужудга келган экологик хавфсизликка таҳдидлар даражаси;

3) тозаланмаган ва зарарсизлантилмаган оқовалар, захарли газлар, каттиқ чиқиндиларнинг табиий атроф муҳитга, сув ҳавзалари ва атмосферага чиқариш сабаблари;

4) ерларни, сув ҳавзалари ва атмосфера ифлосланишида айбдор юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунбузарлик ҳаракатлари туфайли етказилган зарарларни қоплаш усуллари;

5) салбий экологик оқибатларга олиб келган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг юз берган ва давом этган вақти, уларни бартараф этиш имкониятларини аниқлашга жиддий эътибор қаратиш керак.

Булардан ташқари, умуман табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг “Миллий модели”да экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишга бевосита ва билвосита давлат органлари, санитария назорати ва бошқа муассасалар, оммавий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш тамойиллари, имкониятлари, усул-воситалари ўз аксини топиш зарур.

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашнинг муқобил моделлари, мавжуд сиёсий партиялар дастурларида ўз ифодасини топган. Зеро, партиялар жамият сиёсий ҳаётида муайян ижтимоий қатламларнинг корпоротив манфаатларини муҳофаза қилишларида, албатта уларнинг экологик муаммоларга муносабатини намоён қилади. Чунки экологик муаммоларнинг глобал характери ва тақдиршумул аҳамияти, партиялар

электорати контингентини, жамиятдаги мавқени белгилашда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятидаги умумий мақсад бирлиги Республика Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида, уларга таклифлар киритиш ва қабул қилишда демократик тамойилларга амал қилиш – экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш ҳамда барқарор ривожланишга кафолат бўлмоқда.

Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини моделлаштириш, умумий экологик хавфсизлигини таъминлаш ва минтақада ҳар бир мамлакатнинг барқарор ижтимоий, иқтисодий, экологик тараққиёти учун партиялараро муносабатларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати ва экологик миллий моделини шакллантириш ва уни амалга ошириш учун партиялар ролини янада кучайтириш борасида муайян тадбирлар, ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир “Миллий модели”ни яратишда нодавлат-нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаол иштирокини таъминлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва кўпайтириш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, атроф муҳитга ва инсонларнинг саломатлигига трансчегаравий салбий таъсирлар ҳақида огоҳлантириш ва уларни бартараф этишга бошқа инфраструктура элементларини жалб қилиш миллий экологик манфаатлар муҳофазасини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш “Миллий модели”ни янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 8 октябр 286-сон “Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси, вазирликлар, идора ва ташкилотларда

экологик назоратни яхшилаш, табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий моделини янада такомиллаштиришга маъмурий асос бўлди.

Бу борада тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида кенг кўламли дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Ишлаб чиқаришда илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа тармоқларда экологик соф технологияларни қўлланилиши туфайли мамлакатимизда ҳавога заҳарли моддалар чиқиши, очиқ сув ҳавзаларига саноат оқаваларини оқизиш икки баробар камайди.

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизликка оид Миллий моделини яратиш ва унинг фаолиятини такомиллаштиришда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва асраб авайлаш муаммоларига бағишланган конференция материалларидан унумли фойдаланилади. Масалан, 2016 йил 16-17 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган “Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш” мавзусидаги Халқаро конференцияда дунёнинг 60дан ортиқ халқаро ташкилотлари ва молия институтларидан вакиллар қатнашди.

Конференцияда сўзга чиққан БМТ Ирригация ва дренаж бўйича халқаро Комиссия Бош котиби М.Гопалакришнан Орол фожиаси масаласига тўхталиб, Ўрта Осиё минтақасида сув ресурслардан фойдаланиш масаласига йирик гидроэнергетика нуқтаи назаридан ёндашмасдан, балки кичик энергетика иншоатларидан фойдаланиш экологик талабларга мос тушини асослаб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Б.Алихонов минтақада кўплаб трансчегаравий экологик муаммолар илгари оқибатини ўйламасдан хўжалик юритиш натижаси эканига ва экологик хавфсизлик муаммосини минтақавий моделлаштиришнинг заруриятига эътиборни қаратди.

Бугун мамлакатимизда амалга оширалаётган чуқур ислохотлар саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳаларда жадал ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар

фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиш керак” номли китобида “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракат стратегияси” лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушадиган таклифларни инобатга олган ҳолда 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурининг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини белгилаш таклиф этилган” [6; 7-б.].

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан жиҳозлаш ва модернизация қилишда экологик муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳаракатлар стратегияси”да акс этган. Қилинаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, оммавийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан 2018 йилни – **“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”**, деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Яъни, бу тадбирларда “Одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини тузиш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш” [8; 34-б.] вазифалари кун тартибига қўйилган.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг “Миллий модели”: 1) ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига, экологик эҳтиёжларига, реал имкониятларига мос бўлиши керак; 2) турли мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати, уларнинг ички вазифаси бўлмасдан, дунё давлатлари вазифаси ҳисобланади; 3) табиатни муҳофаза қилишнинг “Миллий модели” халқаро экологик тузилмалар, ҳаракатлар билан бирга ҳамкорликда амалга оширилиши зарур; 4) халқаро ҳуқуқ тажрибаларига, замонавий фан, техника ва технологияларга асосланган экологик хавфсизлик тизимини барпо этиш, умуминсоният манфаатларига мос келади; 5) Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” экологик хавфсизлик Миллий моделининг назарий асосидир.

Учинчи бобнинг умумлаштирувчи хулосалари:

– **биринчидан**, миллий, минтақавий ва умуминсоний экологик манфаатларни мувофиқлаштириш дунё давлатларининг: иқтисодий ривожланиш даражасидан, сиёсий мавқеидан, этно-демографик таркибидан, конфессионал мансублигидан қатъий назар, халқаро муносабатларда толерантлик, ўзаро ёрдам, муроса, ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланишни тақозо қилади;

– **иккинчидан**, дунё мамлакатларининг халқаро ижтимоий-экологик муносабатларда миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлашувини, унификациялашувини, мувофиқлашувини глобал бошқаришнинг демократик характери, гуманистик моҳияти миллий давлатлар чегарасида умумий қонуниятларнинг хусусий ҳолда намоён бўлишини конкретлаштиради ва умумлашган ҳолда намоён қилади;

– **учинчидан**, миллий ва умуминсоний экологик мақсадлар, эҳтиёжлар, манфаатлар умумийлиги ва халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланиши, миллий экологик хавфсизлик моделлари универсаллигини ва глобал аҳамиятини белгилаши, шу соҳада давлатларнинг суверинитетлиги, миллий сиёсати нисбий мустақиллигини, усул-воситалари, механизмлари индивидуаллигини истисно қилмайди;

– **тўртинчидан**, давлатларнинг халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик муносабатларида миллий хавфсизлигини ҳимоя қилиши ва глобал институционал тизимга интеграциялашиш имкониятлари, геоэкологик сиёсий мақомини, мавқеини белгилайдиган объектив ва субъектив омиллар бирлиги халқаро ижтимоий, иқтисодий ва геосиёсий муносабатларда хавфсизлигини таъминлаш зарурияти билан изоҳланади;

– **бешинчидан**, Ўзбекистоннинг халқаро экологик ташкилотларга аъзо бўлиши ва глобал экологик хавфсизлик ва барқарор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётни таъминлашдаги стратегик ўрни, имкониятлари, нисбатан турғун умуминсоний экологик манфаатларга, динамик ўзгарувчан миллий

манфаатларни уйғунлаштиришга доир миллий модели мукамаллигида намоён бўлиб, истиқболларини белгилаб бермоқда;

– *олтинчидан*, экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди миллий, минтақавий ва халқаро ташкилотлар функционал интеграциясини ва глобаллашувини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг халқаро институционал тизимида, ҳар бир давлатнинг маъмурий-географик ҳудудида, экологик хавфсизлигига таҳдидларни бартараф қилишдаги фаол иштироки, уларнинг халқаро аренадаги ролини кўрсатади;

– *еттинчидан*, ҳозирги даврда миллий экологик хавфсизликни таъминлашнинг истиқболдаги стратегик вазифалари комплексини халқаро экологик сиёсий муносабатлар интеграциялашуви, универсаллашуви, интенсивлашуви контекстида моделлаштириш – истиқболда миллий давлатларнинг дунё экологик манзарасини барқарорлаштиришдаги ролини ва имкониятларини кўрсатади.

ХУЛОСА

Монографиянинг “**Экологик хавфсизликка таҳдидларни олдини олишнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

Ўзбекистон Республикасида давлат экологик хавфсизлик сиёсатининг ижтимоий-фалсафий моҳиятида: 1) фуқаролари ҳаёти учун зарур экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш, яъни табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосий мақсад қилиб қўйилган; 2) миллий давлат ҳудудида “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини мувофиқлаштириш, минтақа ва глобал миқёсда экологик хавфсизлик шартидир; 3) Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини зарур эҳтиёжларини қондириш – **экологик муҳит хавфсизлигини** таъминлашга боғлиқдир; 4) экологик хавфсизликни таъминлаш – жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий маданий тараққиёти истиқболларини белгиловчи омилдир; 5) умуминсониятнинг экологик хавфсизликка эҳтиёжи ва уни таъминлашдан манфаатдорлиги дунё геоэкологик манзарасини белгилайди.

“Табиат-жамият-инсон” муносабатларини инсон экологик фаолияти контекстида қуйидагича изоҳлаш мумкин: **биринчидан**, одамларнинг табиатга мослашиши жараёни ва унинг сирларини, ривожланиш қонуниятларини, тартиб-қоидаларини билишда жамоавийлик (уруғ-қабилла экологик фаолияти) ижтимоийликнинг конкретлашган шакли ҳисобланади; **иккинчидан**, жамоавий меҳнат туфайли одамларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ижтимоийлашуви, яъни ер, сувлардан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик учун мос серуни ерларни асраш, кенгайтириш ҳамда уй ҳайвон турларини кўпайтириш, табиий муҳитни яхши сақлашга интилиши кузатилади; **учинчидан**, инсоният тарихининг ушбу босқичида диний примитив тасаввурлар, стихияли-содда экологик амалий фаолият йўналишлари шаклланиши – замонавий экологик рационал онг ва иррационал-прагматик амалиёт генезисини, ретроспектив асосини ташкил

қилган; *тўртинчидан*, замонавий экологик назарий ва амалий фаолият ривожланиши жараёнида “табиат-жамият-инсон” муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши глобал экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоси долзарблашувига олиб келди. Уларни тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга асос бўлди, яъни: экологик хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар комплекси вужудга келиши дунё *демографик манзарасидаги* ўзгаришлар тенденцияси, урбанизация жараёни, муқаррар равишда, экологик хавфсизликка таҳдидлар кўламини кенгайтиришга; халқ хўжалигида табиий ресурслардан экстенсив, нооқилона тартибсиз фойдаланиш натижасида чиқиндилар кўпайиши, айниқса, индустриал ривожланган, дунёда гегемонликка давогар мамлакатларда экологик хавфсизликка агрессив таҳдидлар кучайишига; кейинги вақтларда атмосферага турли газлар ва моддалар чиқарилиши натижасида глобал иқлим ўзгариш тенденцияси, инсон ва ҳайвонлар генофонди ўзгаришига; экологик хавфсизликка таҳдидлар глобал муаммо бўлиб, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишни жаҳон ҳамжамияти иштирокида амалга ошириш инсоният цивилизацияси келажагини таъминлаш асосидир.

“Экологик хавфсизликни таъминлашнинг институционал тизими ва унинг функциялари” деб номланган иккинчи бобини умумлаштириб айтганда:

биринчидан, ҳар қандай соҳада экологик хавфсизликни таъминлашда, унинг объектига субъект эҳтиёжлари ва манфаатларига кўра ёндашилганда, ушбу феноменнинг тарихий зарурияти, амалий йўналишлари, фалсафий мазмун-моҳияти ва функционал аҳамияти конкретлашади;

иккинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар структурасида объектив асослар ва субъектив омилларнинг нисбатан мустақил ривожланиш қонунларини, потенциал таъсир имкониятларини ўрганиш, уларнинг оқибатларини илмий прогнозлаштиришга асос бўлади;

учинчидан, халқ хўжалигида моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш эҳтиёжларининг узлуксиз ўсиб бориш қонуниятлари

экологик хавфсизлик назарий концепцияларини танқидий қайта кўриб чиқишни ва амалий фаолият тажрибларини умумлаштиришни тақозо қилади;

тўртинчидан, барқарор экологик хавфсизликни сақлашга мутасадди институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро функционал интеграциялашувига ва глобаллашувига олиб келади ҳамда умуминсоният манфаатларига адекватдир;

бешинчидан, маҳаллий, миллий, минтақавий даражаларда экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди институтларни ташкиллаштириш, бошқариш самарадорлиги, пировард натижада, глобал хавфсизлик муаммоси ечимига хизмат қилади;

олтинчидан, ҳар қандай соҳада экологик хавфсизликни таъминлашда, унинг объектига субъект эҳтиёжлари ва манфаатларига кўра ёндашилганда, ушбу феноменнинг тарихий зарурияти, амалий йўналишлари, фалсафий мазмун-моҳияти ва функционал аҳамияти конкретлашади;

еттинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар структурасида объектив асослар ва субъектив омилларнинг нисбатан мустақил ривожланиш қонунларини, ҳаракатлантирувчи механизмларини, потенциал таъсир имкониятларини ўрганиш, уларнинг оқибатларини илмий прогнозлаштиришга асос бўлади;

саққизинчидан, халқ хўжалигида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш эҳтиёжларининг узлуксиз ўсиб бориш қонуниятлари экологик хавфсизлик назарий концепцияларини танқидий қайта кўриб чиқишни ва амалий фаолият тажрибларини ижодий умумлаштиришни тақозо қилади;

тўққизинчидан, фан соҳалари ва таълим-тарбия муассасаларининг ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштирувчи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асосларини комплекс ривожлантириш экологик хавфсизликни муҳофаза қилиш фаолияти комплекс-системалилигини таъминлайди;

ўнинчидан, миллий экологик хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш стратегияси ва тактикаси самарадорлиги маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал геоекологик маконнинг хусусиятларини аниқлаш, вазиятини объектив баҳолаш, Конституция ва қонунларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлаштирилишга боғлиқдир.

“Миллий экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари ва истиқболдаги стратегик вазифалари” деб номланган учинчи бобини умумлаштириб айтганда, қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Экологик ҳуқуқий қонунларининг демократик ва гуманистик характери, уларнинг асосини яратишда кенг халқ оммаси иштироки, миллий, минтақавий ва умуминсоний экологик манфаатларни уйғунлаштирувчи халқаро ҳуқуқ нормаларига мослигида намоён бўлади.

Яъни, **биринчидан**, муайян давлатларда миллий хавфсизлигини таъминлаш – глобал геоекологик маконда: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий муносабатларда умуминсониятни экологик хавфсизликка таҳдидлар тизими глобаллашувидан муҳофаза қилишга хизмат қилади;

иккинчидан, давлатларнинг халқаро экологик сиёсатида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш фаолиятида экологик хавфсизликни бартараф қилиш салоҳияти ва имкониятлари, геосиёсий макондаги мақоми ва мавқеини аниқлаш мезони ҳисобланади;

учинчидан, давлатларнинг халқаро муносабатларда барқарор экологик мувозанатини сақлаш имкониятлари – объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлигини, институционал тизими элементларининг функционал мувофиқлашган фаолиятини тақозо қилади;

тўртинчидан, халқаро муносабатларда глобал экологик хавфсизликни таъминлаш, аввало мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик зиддиятли вазиятларни бартараф этишга, минтақавий интеграция характерига ва геосиёсий жараёнлар барқарорлигига боғлиқдир;

бешинчидан, давлатларнинг миллий хавфсизлиги ва экологик барқарор таракқиётига таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда конструктив

ва рационал усул-воситалардан фойдаланиш самарадорлиги, инсон омили ролига боғлиқ бўлади.

олтинчидан, миллий ва умуминсоний экологик мақсадлар, эҳтиёжлар, манфаатлар умумийлиги ва халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланиши, миллий экологик хавфсизлик моделлари универсаллигини ва глобал аҳамиятини белгилаши, шу соҳада давлатларнинг суверинитетлиги, миллий сиёсати нисбий мустақиллигини, усул-воситалари, механизмлари индивидуаллигини истисно қилмайди;

еттинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро экологик ташкилотларга аъзо бўлиши ва глобал экологик хавфсизлик ва барқарор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётни таъминлашдаги стратегик ўрни, имкониятлари, нисбатан турғун умуминсоний экологик манфаатларга, динамик ўзгарувчан миллий манфаатларни уйғунлаштиришга доир миллий модели мукамаллигида намоён бўлиб, истиқболларини белгилаб бермоқда;

саккизинчидан, ҳозирги даврда миллий экологик хавфсизликни таъминлашнинг истиқболдаги стратегик вазифалари комплексини халқаро экологик сиёсий муносабатлар интеграциялашуви, универсаллашуви, интенсивлашуви контекстида моделлаштириш – истиқболда миллий давлатларнинг дунё экологик манзарасини барқарорлаштиришдаги ролини ва имкониятларини кўрсатади.

ИЛОВАЛАР

Жадвал 2.

Экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик муаммоларни олдини олиш системали ёндашув асосида ёритиб берилди. Цивилизациялашган давр ишлаб чиқаришда янги технологияга ўтишнинг интеграл ҳолати



Жадвал 3.

Экологик хавфсизликни таъминлаш учун жамият ва табиат ўзаро муносабатларини оптималлаштириш, уйғунлаштириш элементлари қуйидагича берилди:



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 10–11.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини ривожланиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 й. 6–сон. 70-модда.
4. ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни. Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017 г. –№4. – 49 с.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва фаровонлигининг гарови – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
8. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Тошкент: Адолат, 2017. – 112 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирларининг Тошкентдаги 43-сессияси очилишида сўзлаган нутқи // 2016 йил, 19 октябрь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий

Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2017 даги нутқи // Халқ сўзи. 2018 йил, 28 декабрь.

11. Постановление о государственной программе по развитию региона приоралья на 2017–2021 годы. Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – №4. – С. 49.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил, 23 июнь №ПҚ–5080 қарори // 2017 йил, 23 июнь.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008 йил. – №37–38-382-модда; 2017. – 4 (764) сон. 49 модда.

14. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2005 й. –1-сон, 5-модда. –1-сон. 82-модда.

15. 2017 йилда Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2018 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. – Тошкент, 2017 йил.

16. Атроф муҳит ҳолатининг шарҳи. Ўзбекистон, иккинчи шарҳ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. БМТ Европа иқтисодий комиссияси. Атроф муҳит сиёсати қўмитаси. – Нью Йорк ва Женева, 2010. – 233 б.

17. Абу Райхон Беруний Минерология. Изб. Произведения. Т.3. – Ташкент, 1996. – С.184.

18. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Халқ мероси, 2016. – 176 б.

19. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 224 б.

20. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2014. – 194 б.

21. Алишер Навоий. Хамса / Мукаммал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 1991. – 422 б.
22. Абдусамедов Н.А. Иқтисодий хавфсизлик. – Тошкент, 2008. – Б. 19.
23. Абулкосимов Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик. – Тошкент: Академия, 2006. – Б. 5.
24. Алимов Р.М., Арифжонов Ш.Р. Центральная Азия: Формирования новой архитектуры безопасности. – Ташкент: Шарқ, 2004. – С.17.
25. Ата-Мирзаев О.Б. Народное население Узбекистана история и современность. – Ташкент: Ижтимоий фикр, 2009. – С. 189–192.
26. Бердимуратова А.К. Философско-методологический анализ экологического кризиса на пороге XXI века. – Ташкент, 1999. – 174 б.
27. Бурков В.Н., Щепкин А.В. Экологическая безопасность. – Москва: ИПУ, 90 с.
28. Бурда С.Д., Симус Р. Потенциальный риск экологической безопасности. – Бухарест, 2015. – С. 1–9.
29. Власов М.Н., Кричевский С.В. Экологическая опасность космической деятельности. – Москва, 1999. – № 3. – С. 27–38.
30. Возженников А.В. Национальная безопасность России: методология комплексного исследования политика обеспечения. – Москва: Изд-во РАГС, 2002. – 424 с.
31. Данилов-Данильян. Глобальная и локальная экологическая безопасность в контексте национальной безопасности // Экологическая безопасность. Общие принципы и российский аспект. – Москва: МНЭПУ, 2001. – 221 с.
32. Дугин А.И. Основы геополитики. – Москва, 1997. – С.668.
33. Жабборов Иса. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани. – Тошкент: Ozbekiston, 2012. – Б. 45–46–98.

34. Икромов Р.А. Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар фаолиятида инсон экологик ҳуқуқлари масалалари. – Тошкент: «Турон-Иқбол», 2011. – Б. 12.

35. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

36. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иҷтимоий барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 366 б.

37. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 275 б.

38. Каримов И.А. Тарихимиз ҳам, келажакимиз ҳам муштарак. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 233–243.

39. Каримов Иброҳим. Ноосфера: Гиосиёсат ва мафкура. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 20.

40. Мамашакиров С., Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 70, 195, 201.

41. Мамашакиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2012. – Б.199, 202, 204.

42. Ниғманов А., Пардаев Ғ. Экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш. – Тошкент, 2005. – Б. 27.

43. Омонов Б. Ўзбекистоннинг оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати. – Тошкент, 2014, – 184.

44. Самойлов С.В. ва бошқалар. «Ўзбекистон республикасида атроф муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида» миллий маъруза. – 2008. – Б. 21–22.

45. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, сомосохранения и развития: Книга четвертая. – Москва: Институт экономики РАН-ЗАО «Финстатинформ», 2002. – С. 128.

46. Сангинов С.С. Философский анализ моделирования глобальных процессов. – Ташкент, 1996 – 122б.
47. Тўйчиев Б.Т. Политическая культура и демократизация общество. Монография. – Ташкент, 2011. – 220 б.
48. Тўхтаев А., Ҳамидов А.. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 127.
49. Хантингтон С. “Сталкновение цивилизации?” // – Москва: ООО «Издательство АСТ», 2003. – 603 с.
50. Хасанов С. “Авесто” ҳуқуқ манбаи. – Тошкент: Мулоқот, 1999. – 1–сон. – Б. 50.
51. Холмўминов Ж. Ёшлар тарбиясида экология: Ҳуқуқий валеологик ва акмеологик ёндашув. – Тошкент: «TURON-IQBOL», 2010. – 59 б.
52. Холмўминов Ж.Т. Экология ва ҳаёт: қонунчиликни такомиллаштириш масалалари. – Тошкент: ЎЗР ДҲИ, 2010. – Б. 12.
53. Хошимова И., Расулова Г. Экология: ғоя, назария, методология. – Тошкент, 2005. – Б.32,84.
54. Хошимова И. Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш ғояси.// Ғоялар фалсафасининг назарий методологик асослари. – Тошкент, 2012. – Б. 47–48.
55. Қуръони Карим. – Тошкент, 2007. – Б. 25, 107.
56. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – Б. 337.
57. Қулдошев А. Марказий Осиё давлатларида экологик муносабатларни бошқаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 131.
58. Арбатов А. Национальная безопасность России в многополярном мире // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2000. – №10. – С. 21–28.

59. Ибрагимова Н.А. Development stages of ecological culture // American Journal of Research. – № 8-9 (8-9). – USA: Michigan, 2017. – PP. 44–49.
60. Ибрагимова Н.А. Миллий ва экологик хавфсизлик сиёсатининг глобаллашиш хусусиятлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2016. – № 2. – Б. 173–176.
61. Ибрагимова Н.А. Экологик таҳдиднинг глобал характери // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2017. – № 1/3. – Б. 134–136.
62. Ибрагимова Н.А. Экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2017. – №1/6. – Б. 166–168.
63. Мамашокиров С. “Мўъжаз оролчада” // Тафаккур. – Тошкент, 1997. – №4. – Б. 15–16.
64. “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида халқаро конференция материаллари (Номоз Толипов шарҳи). – Урганч, 2014– Б. 33–38.
65. Сафарова Н.О. Экологик назоратнинг институционал тизими // Биохилма–хиллик ва иқлим ўзгариши муаммолари. – Тошкент, 2010–Б.48.
66. Султонова Г. Синергетика ва экологик тафаккур тарзи // Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари. – Наманган. – 2009. – Б.65
67. Табиатни муҳофаза қилиш ҳаммининг иши // Халқ сўзи. – Тошкент, 2010. – 10 апрель.
68. Тўйчиев Б.Т. О некоторых подходах к дальнейшей разработки социально-философских проблем. // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2013. – 1(33)–сон. – Б. 67–70.
69. Тўйчиев Б.Т. Социальная информация и экополитическая

культура // Материалы научно-теоритического семинара “Проблемы равновесия и развития в системе человек –общество-природа”. – Ташкент, 2013. – С. 30–35.

70. Тўйчиев Б.Т. Терроризм нима? // Тафаккур. – Тошкент, 2001. – 1-сон. – Б. 113–115.

71. Tuychiyev B. T. Political culture (Theory and practice) – New York, 2019.- P. 230.

72. Центральная Азия в системе глобальных отношений // СПб: материалы конференции. – Алматы: Тоо «Фин-эк» 2002. – С. 88.

73. Усмонов Э.М. Экология барқарорлик омиллари// Тафаккур. – Тошкент. – №3. – Б. 117–118.

74. Хошимова И. Биохилма-хилликнинг фалсафий таҳлили// Биологик хилма-хилликнинг назарий асослари ва иқлим ўзгариши муаммолари семинар материаллари. – Нукус, 2013. – Б. 18.

75. Хошимова И.С. Социо-табiiй системадаги мураккаб жараёнлар моҳияти ва эволюция ғояси.// Ғоялар ва инновацион тараққиёт.// Семинар материаллари. – Урганч, 2013. – Б.67-68.

76. Қўшоқов Ш.С., Мўминов М. Экологик тафаккур парадигмаси// Истиклол даври фалсафасининг долзарб муаммолари.// КАОнференция материаллари. – Самарқанд, 1998. – Б.148-152.

77. Абдукасимов Ш.Ж. Формирование экологического сознания студенческой молодёжи: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Ташкент, 1997.

78. Абдусамедов Н.А. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий – фалсафий масалалари: Фасл. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2007.

79. Кистоубаев С.У. Шахс экологик дунёқарашили шакллантиришда миллий қадриятларни ўрни: Фасл. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2012.

80. Мамашакиров С. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий омиллари: Фалс. фан. докт. ... дис. атвореф. – Тошкент, 1997.
81. Хошимова Э. Диалектика глобального, регионального и локального в экологии: Автореф. дис... докт. филос. наук. – Ташкент, 1992.
82. Худойназаров С.Х. Шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришда бадий адабиётларнинг роли: Фасл. фан. номз. ... дис. атвореф. – Тошкент, 2009.
83. Busby, Joshua (2008) “Who cares about the weather? Climate change and US National Security”, *Security Studies*, 17(3): 468–504.
84. Cherry W.A. “Comments: WHAT IS ECOLOGICAL SECURITY?” *Peace Research*, vol. 27, no. 2, 1995. Pp. 87–89.
85. Dalby, Simon. “Ecology, Security, and change in the Antopocene. “The Brown Journal of World Affairs” 13, no.2 (2007): – P.155–64.
86. Dennis Pirages and Ken Cousins, *The Quarterly Review of Biology*, Vol. 81. – №3 , 2006. – Pp. 302–303.
87. F. Biermann, P.Pattberg, F. Zelli «Global climate governance beyond 2012: Architecture, agency and adaptation». – Cambridge University Press, 2010.
88. Felix Muller Et Al, December, 2007. *Contributions of Landscape sciences to the Development of Environmental Security*. P-2.
89. Graeger Nina. *Journal of Peace Research*, Vol.33. – № 1(Feb, 1996). – Pp.109–116.
90. Grumbine R. Edward. “Assessing Environmental Security in China.” *Frontiers in Ecology and the Environment*. Vol. 12, no. 7, 2014. – P. 403–411.
91. Hartman, Betsy (2009) ‘Lines in the Shifting Sand: The Strategic Politics of Climate Change, Human Security and National Defense’ *A Changing Environment for Human Security: Transformative Approaches to Research, Policy and Action* Jun 26, 2013. – 468 pages.
92. Hans Günter Brauch, Úrsula Oswald Spring, Czeslaw Mesjasz, John Grin, Pál Dunay, Navnita Chadha Behera, Béchir Chourou, Patricia Kameri-

Mbote, P.H.Liotta Globalization and Environmental Challenges: Reconceptualizing Security in the 21st Century-Jan 23, 2008. – P.77

93. International Security, Peace, Development and Environment. – Volume II edited by Ursula Oswald Spring, EOLSS Publications, Aug 30, 2009. – P. 271.

94. Jairam Ramesh, India International Centre Quarterly, Vol.37. – №1. 2010. – Pp. 2–11.

95. Juma. The Perils of Centralizing Global Environment Matters, 2000. – P. 13–15.

96. Mimilarsen Becker. “Natural resources and environmental policy”, “Environment and security: Core ideas and U.S. Government Initiatives”. The sais review (vol.17, number 1, 1997. P. 1-7).

97. Mcdonald, Matt (2013) Security, the Environment and Emancipation: Contestation over Environmental change (London: Routledge).

98. Peter F. Brussard. The quarterly Review of Biology, Vol.81, № 3(September, 2006). – Pp. 302–303.

99. Robert W. Kates Our Common Journey: A Transition Toward Sustainability (1999) The National Academies Press, Washington D.C. – P. 187–188

100. Route Willy Østreng National Security and International Environmental Cooperation in the Arctic — the Case of the Northern Sea.// Springer Science & Business Media, Dec 6, 2012. – P. 94.

101. Saleh Al-Sharari The Legal Framework for Environmental Protection in the Hashemite Kingdom of Jordan Analysis of the Environmental Protection Law No. 52 of 2006 Journal of Politics and Law; Vol. 7, No. 3; 2014. – P. 8–18.

102. Ștefania-Diana, Roxana SIMUS Potential risks to ecological security. Bucharest, 2015. – 9 p.

103. The Direction of International Environmental Cooperation (Report) July 2005 Central Environmental Council. – P.17–18.

104. World Resources 1992-1993 (New York: Oxford Univ. Press, 1992) – P. 30.
105. Xiaoxi Li, Jiancheng Pan China Green Development Index Report 2011. – P. 378.
106. Yasmin von Schirnding, William Onzivu, Andronico O. Adede Bulletin of the World Health Organization 2002, 80 (12) – P. 970.
107. <https://kun.uz/115938?q=%2F115938> Шарофиддин Тўлаганов Парижда Иқлимий саммит ўз ишини бошлади.
108. <http://geografiya.uz/ekologiya/123> –umumjahon – tabiatni muhofaza-qilish-kuni. html. 5- iyun Umumjahon tabiatni muhofaza qilish kuni
109. <http://nationalsecurity.ru/library/00001/index.htm>; Сергунен А.А. Российская внешнеполитическая мысль: национальная и международная безопасность
110. <http://www.xdp.uz>.
111. <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1381349880> Челлани Брама. The Washington Times. 2013 йил 9 октябрь.
112. Костенко Ю. Между Амударьей и Сырдарьей. Трансграничные воды ЦА–в поисках союзников. Источник: 24kg.org. – <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1377160620>
113. <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2033-O'zbekiston-respublikasining-demografik-holati>.
114. AGENDA 21. United Nations Conference on Environment & Development Rio de Janeiro, Brazil, 3 to 14 June 1992 <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/Agenda21.pdf>
115. <http://rosatom.ru/vestnik/03/11/44.htm> Федосеев В.Н. Экологическая ситуация и здоровья населения. Критерий качество окружающей природы. <http://sitim.sitc.ru>
116. <https://www.e-ir.info/2015/11/28/ecological-security/MATT-MCDONALD>, NOV 28 2015
117. <http://www.epa.ie/about/roles/> What We Are Responsible For

118. <https://textbooks.studio/uchebnik-mejdunarodnie-otnosheniya/mnogostoronnee-ekologicheskoe-regulirovanie-22530.html> Торкунов А.В. Современное международное отношение. – Москва, 2012.
119. http://library.tuit.uz/skanir_knigi/book/ekologiya/ekologiya.htm
120. http://huquqburch.uz/uz/view/110*3
121. <http://www.un.org/millennium/declaration/ares552e.htm>
122. <http://studopedia.org/8-40513.html> Сергейчик С.А. Экология, Минск, 2009.
123. <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/Agenda21.pdf>
124. <http://www.krugosvet.ru/articles/63/1006347a9.htm> Независимый Узбекистан.; Усманов Э.М. Экология барқарорлик омиллари // Тафаккур. – Тошкент, 2005. – №3. – Б. 117–118.
125. <http://geografiya/838-ekologik-muammolar.html>.
126. http://huquqburch.uz/uz/view/58*2
127. http://www.polit.ru/resarch/2006/01/18/goklany_himl Глобализация; Спицин А. Экономическая интеграция развития евроазиатского сообщества// Экономист. – Москва, 2005. – №5. – С.13–20.
128. http://www.eco.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=56:2009-08-28-07-10-26&catid=21:2009-07-08-05-18-37&Itemid=39
129. <http://www.un.org> Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Рио де-Жанейро Декларацияси.
130. <http://Parliament.uz>.
131. <http://sputnik-news-uz.com/world/2015/214/1312126.html>
132. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-islo-10-09-2017>
133. <http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lactid-2783354>
134. <http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lactid-2783354>
135. <http://www.anons.uz/uz/index.php?mod=article&cat=Society&article=2847>

136. Ўзбекистон Республикасининг “Экоҳаракат”нинг Дастури. – Тошкент, 2009.
137. Ўзбекистон экологик ҳаракатнинг устави. – Тошкент, 2009.
138. Ўзбекистон “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни// Халқ сўзи. – Тошкент, 2013 йил, 28 декабрь.
139. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 09.12.1992 й. 754 –ХII-сонли қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси, 1993 йил. – 1-сон. 38-модда.
140. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1993. – 1-сон. 37-модда.
141. "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 05.04.2002 й. 362 –II- сонли қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2002 йил. – 4-5-сон. 72-модда.
142. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил 6 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 йил. 5-, 221-модда.
143. Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни, 1996. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997, 52-модда.
144. "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни, 1997. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998. 1–12-модда.
145. Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015. 41-сон. 525-модда.

146. Идоравий экологик назоратни амалга ошириш тўғрисида. Намунавий низом. Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 8 декабрьдаги 286-сон қарори. [http:// www.lex.uz./pages/GetAct.aspx? Lact id= 2783354](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?Lactid=2783354)

147. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик Назорат тўғриси”даги қонуни, 2013. 1-27 –модда.

148. [Ўзбекистон](#) Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, “Ер кодекси”, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997), «Ер кодекси» (1998) «Ўрмон тўғрисида» (1999), «Экологик экспертиза тўғрисида» (2000), Ер ости бойликлари тўғрисида» (2002), «Муҳофаза этилган табиий ҳудудлар тўғрисида» (2004).